

**ЭРИК ФИХТЕЛИУС**

***Радио ва телевидение  
журналистикаси  
асослари***

**ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ 10  
ҚОИДАСИ**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2002**

Ма с ъ ул му х ар р ир л ар;

**Маҳкам Маҳмудов,**

**Аҳрор Аҳмедов**

Т ар ж и м он л ар

**Фарҳод Рўзиев,**

**Абдуқайом Пардаев**

**Фихтелиус, Эрик.**

Радио ва телевидение журналистикаси  
асослари. Журналистиканинг 10 қондаси. –  
Т.: «Шарқ», 2002. – 160 б.

**ББК 76.01+76.03**

©«Шарқ» нашриёт-мағбаа акциядорлик  
компанияси Бош таҳририяти, 2002.

*«Тележурналистиканинг 10 қондаси» китобининг муаллифи Эрик Фихтелиус Швециянинг энг машҳур ва тажрибали мухбирларидан биридир. Бу китобда журналистлик ишининг бошидан охиригача кечадиган жараёнлар, интервью-суҳбат, аудио ва видеомонтаж усуллари, радио ва телесюжетларни тузишнинг драматургия жиҳатлари, эфирда гапириши маҳорати, нутқ маданияти масалалари, видеоёзув ва овоз ёзувининг нозик томонлари, журналистлик одоби масалалари, шунингдек, касбнинг яқин келгусидаги истиқболлари ҳақида қимматли фикрлар, маслаҳатлар берилган.*

*Давр нуқтаи назаридан биров аввалроқ нашр этилганига қарамай, жаҳоннинг кўпгина тараққий этган мамлакатлари журналистикасида ҳам ўқитилиб келинаётган мазкур китоб телерадиода ишлайдиган журналистлар, ўқитувчилар ва соҳа билан қизиқувчиларга қимматли маълумотлар беради.*

# Мундарижа

---

Муаллиф муқаддимаси . . . . .	7
Швед тилидан таржимон муқаддимаси . . . . .	9
Ўзбек таржимонлари муқаддимаси . . . . .	12

## 1. Жон-дилдан ишланг!

Иш нимадан бошланади? . . . . .	15
Қизиқиш ва ҳолислик . . . . .	16
Жон куйдириш — муваффақият калити . . . . .	19
Янгилик нима? Унинг таърифи . . . . .	19
Нуктаи назар (ракурс) . . . . .	21
Янгиликларни баҳолаш ва танлаш . . . . .	22

## 2. Энг муҳимини айтинг!

Муҳимлик мезонлари . . . . .	24
Журналистларни танқид қилиш . . . . .	25
Public journalism — ижтимоий журналистика . . . . .	27
Журналистнинг вазифалари . . . . .	28
Текшириш . . . . .	29
Баён қилиш шакли . . . . .	31
Шархлаш . . . . .	32
Истикболни кўриш . . . . .	32
Янгиликларни баҳолаш . . . . .	33
«Лакқа балиқ қўлга тушди» . . . . .	36

## 3. Режали ишланг!

Полиция билан алоқа . . . . .	38
Ахборот майдонини чегириб олиш . . . . .	39
Манбаларни топиш . . . . .	40
Ёзма манбалар . . . . .	40
Овзаки манбалар . . . . .	42
On the record (Матбуот учун) . . . . .	43
Келишиб ишлаш . . . . .	44
Off the record (Матбуот учун эмас) . . . . .	46
Фон . . . . .	48
Ўз манбаларингизни ошкор этманг! . . . . .	49
Зўраки ёлрон . . . . .	50
Мухбир доим хизматдами? . . . . .	51
Ишонч яратиш . . . . .	52
Манбаларга танқидий муносабат . . . . .	53

#### **4. Тайинли нарса ҳақида гапиринг!**

Мувофиқлаштириш . . . . .	54
Томчида куёш акс этади . . . . .	56
Ҳикоя драматургияси . . . . .	57
Тафсилотлар . . . . .	61
Метонимия ва метафора . . . . .	62
Равонлик . . . . .	63

#### **5. Тайёрланмоқ ва эшитмоқ!**

Ҳозирланиш . . . . .	66
Саволни тўғри қўйиш . . . . .	68
Табу – таъқиқ . . . . .	70
Тузилиш (таркиб) . . . . .	72
Тинглаш қобилияти . . . . .	74
Интервьюларнинг турлари . . . . .	77
Хулқ масаласи . . . . .	83

#### **6. Воқеалар оқимиға тўсқинлик қилманг!**

Телерепортаж . . . . .	88
Воқеа ўзгаришини тасвирлаш . . . . .	90
Қаҳрамонингизни кўп овора қилманг! . . . . .	91
Мухит . . . . .	92
Қаҳрамон ва операторлар ўрнини белгилаш . . . . .	93
Камеранинг қисқа кўриниши . . . . .	96
180° айланиш ёки муносабат ўқи . . . . .	96
Нотикларни суратга олиш . . . . .	97
Stand up (Стенд ап) . . . . .	99
Радиорепортаж . . . . .	100
Радиожараёнлар . . . . .	101
«Ташқи» интервью . . . . .	102
Янгиликлар устида ишлаш . . . . .	104
Газета саҳифалари макети . . . . .	105
Қадам-бақадам . . . . .	106
Баҳолаш . . . . .	107

#### **7. Тил маданиятиға риоя қилинг!**

Эфирдаги янгиликлар . . . . .	109
Матн-сценарий . . . . .	110
Эфирда гапириш . . . . .	111
Қабул қилувчи ва узатувчи мухбирлар . . . . .	112
Масъул муҳаррирларнинг ўрни . . . . .	113
Табу – таъқиқ . . . . .	115
Анонс нима учун керак? . . . . .	116
Силлик ўтиш санъати . . . . .	117
Тақдимот мухбиримиз Токиодан хабар беради . . . . .	117
Сухбатда феъл замонлари . . . . .	118
Телеэкран тили . . . . .	119
Либосчи маслаҳатлари . . . . .	120
Тил маданиятиға риоя қилинг! . . . . .	121

## **8. Янги версияларни топинг!**

Янгиланиш ва барқарорлик . . . . .	122
Бошланишини янгиланг . . . . .	123
Қискартириш . . . . .	125
Радиомонтаж . . . . .	125
Сюжет парчаларини микширлаш . . . . .	126
Ундош товушда кесинг . . . . .	126
Овоз дастагининг ҳолати . . . . .	126
Нафаслар жуфтлашмасин . . . . .	127
Овозлар аралашиб кетмасин! . . . . .	127
Овоз оҳанги . . . . .	128
Телесюжет монтажи . . . . .	128
Қистирма (пребивка) . . . . .	129
Дастлабки монтаж . . . . .	130
Репортер (мухбир) матни . . . . .	131
Телевизорда хикоя қилиш санъати . . . . .	131
Ички монологлар . . . . .	132
Микширлаш – силлик ўтиш . . . . .	132
Оддий монтаж . . . . .	133
Ҳаяжонли кадрларни изохлаш . . . . .	133
Музыка ва сурат . . . . .	134
Архив кадрлари ва стоп-кадрлар . . . . .	135
Манбаларни белгилаб қўйинг . . . . .	135
Худудийликдан умуммиллийликка . . . . .	136

## **9. Воқеалар тасвирида холислик**

Дилемма (бир-бирига зид икки далил) . . . . .	
1-мисол: Тўнғизлар бухтаси . . . . .	138
2-мисол: «Буфорс» . . . . .	140
3-мисол: Майдондаги қайғули ходиса . . . . .	141
Журналистикада ахлокий тамойиллар . . . . .	143
4-мисол: Лисечил . . . . .	144
5-мисол: Оселадаги қочоқлар . . . . .	145
ОА воситалари ҳокимияти . . . . .	146
	148

## **10. Замон билан ҳамнафаслик**

Ахборот инқилоби . . . . .	
Компьютерлар ҳужуми . . . . .	150
«Денгизчилар» ҳокимиятни қўлга киритадилар . . . . .	150
Халқ ҳокимияти . . . . .	151
Журналистга янгича талаблар . . . . .	153
Чегараларнинг очилиши . . . . .	154
	155

## Муаллиф муқаддимаси

Бир неча ўн йиллар аввал Швецияда журналистика факультетлари ҳам, бўлимлари ҳам йўқ эди. (Бошқа мамлакатларга бориб ўқишга имкони бўлмаганлар) бу касбни тахририятларда маошсиз ишлаб, амалиётни, касб сирларини ўрганишар, сўнг бошқаларга ўргатар эдилар. Швецияда фақат XX асрнинг олтмишинчи йилларида малакали журналистлар тайёрловчи бўлимлар, курслар пайдо бўлди ва охири университет миқёсида ўқитиладиган бўлди. Аста-секин журналистикага оид илмий-тадқиқотлар ёзила бошланди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг кўпчиликлари халқ мактабларида, гимназияларда оммавий ахборот ва коммуникация соҳасида турли-туман дастурлар бўйича дарс берилмоқда. Бу табиий ҳол, чунки етук журналист бўлиш учун фақат амалий ишнинг ўзи кифоя қилмайди, бу соҳада чуқур академиявий тайёргарлик, эрудиция (кўп қиррали билимлар) ва турли соҳаларни билиш (компетенция) зарур.

Ҳозир ҳам журналистикага одамлар турли йўллар билан келиши мумкин. Шахсан мен ўн етти ёшимда журналистликни кадрдон шахрим Уппсаладаги «Янги Уппсала газетаси»да практикант-репортёрликдан бошлаган эдим. Ўша вақтда мен Уппсала университетининг жамиятшунослик факултетига ўқиб туриб, газетадан олган гонорарларим ва баъзи ходимлар (таътилга кетганида) ўрнига ишлаб, топган маблағларим эвазига яшадим.

Журналистик қасби асосларини мен аввалдан ишлаётган касбдошларим — операторлар, овоз операторлари, монтажчилар, муҳаррирлардан ўргандим. «Янги Уппсала газетаси» фотограflаридан бири менга интервью олишга борганда нималарни сўраш, мақолани қандай ёзиш кераклигини тушунтирди. Радиода ишлаётган вақтимда менга оталиқ қилаётган овоз оператори радиоасар қандай тайёрланишини ўргатди. Швеция телевидениеси —

«Актуэльт» янгиликлар дастури тахририятидаги операторлар ва видеомонтаж режиссёрлари менга бу электрон ахборот воситаси сирларини айтиб бердилар. Журналист касбдошларимдан кўп нарсаларни сўраб билиб олдим.

Радио ва телевидениеда 30 йил репортёр бўлиб ишлаб, орттирган тажрибаларимни мен ҳам шу кунларда журналистика асосларини ўрганаётган ёшлар билан баҳам кўрмоқчиман. Кейинги 20 йил давомида Швеция, Скандинавия олий журналистика мактабларида ўқиган лекцияларимнинг асосини ташкил этувчи билимларни ўзимча ўн қоидага жамладим. Бу лекцияларим йиллар давомида ўзгариб, тўлдирилиб борди. Стокгольм университети профессори бўлиб ишлаётганимда яна янги материаллар топиб, ишимни қиёмига етказдим.

Мен журналистикага кириб келган вақтимда мана шунақа китоб йўқ эди. «Журналистиканинг 10 қоидаси» ўқув қўлланмасида бу соҳанинг амалиёти билан чекланмай, журналистика назарияси асосларини ҳам баён этишга интилдим. Бу китобда асосан ёзув техникаси, интервью олиш ва монтаж қилиш, янгилик деб нимага айтилиши, ҳозирги демократик жамиятда журналистнинг ўрни, ҳукумат, ҳокимиятларнинг жамоат ташкилотлари вакилларига тазйиқ ўтказишда юз бераётган ўзгаришлар каби масалалар ҳам тилга олинади.

Бу қўлланма асосан журналистика факультети талабаларига мўлжалланган, аммо ундан айни пайтда оммавий ахборот воситалари ва коммуникациясида ишлаётган касбдошлар ҳам фойдаланиши мумкин.

*Эрик Фихтелиус*



## Швед тилидан таржимон муқаддимаси

XX асрнинг саксонинчи йилларида, мен МГУнинг журналистика факультетида ўқиб юрган вақтларимда бизга репортёр ишига амалий ёрдам берувчи, ахлоқ-одоб доирасидаги савол-жавобларга доир мана шу хилдаги қўлланма етишмасди. Шунинг учун мен «Журналистиканинг 10 қондаси» китобини қизиқиш ва иштиёқ билан рус тилига таржима қилдим.

Биз ўқиётган вақтларда репортёр одоби, шунингдек, журналистиканинг бошқа соҳаларида ҳам марксизм-ленинизм таълимотига, партия ва ҳукумат қарорларига амал қилиш талаб этилар, аммо бу гаплар репортёрнинг амалий ишига ёрдам беролмас эди. Бунинг устига журналистларни идеологлар ва пропагандистлар деб, газетани эса коллектив ташкилотчи деган қарашлар ҳукмрон эди. Ҳозирги вақтда Россия ва МДҲ давлатларида кўп ўзгаришлар юз берган бўлса-да, барибир, турли ҳолат ва сабабларга кўра, ахборотларни танлаш ва янгиликларни тақдим этиш ишлари Швециядагидан жиддий фарқланади.

Шахсан мен Швециядаги янгиликларни бериш усуллари — методларига анча вақтгача кўниколмадим. Аввало, менга швед ахборот дастурлари рангсиз, тузсиз, репортёрнинг шахси кўринмайдиган бўлиб туюлди. Швед репортёрлари ва шарҳловчилари воқеалар ҳақида хабар берганида ўзларининг симпатиялари ёки антипатияларини (хайрихоҳлиги ёки салбий муносабатини), воқеанинг қайси жиҳати маъқул ёки қайси жиҳати номаъқуллигини билдирмайди, ўз баҳоларини айтмайди. Кейинроқ тушундимки, бу метод янгиликлар билан таништиришнинг энг мақбул йўли экан. Бундай холис усулда репортёр бизга ўз фикрини ўтказмайди, тайёр хулосасини бермайди, воқеага ўз нигоҳи билан қарашга бизни мажбур этмайди. Шунинг ўзида репортёрнинг ўз ўқувчисига, томошабинига, тингловчисига ҳурмати кўринади, улар воқеани ўз ақлига яраша, мустақил шахс сифатида баҳолайдилар. «Журналистиканинг 10 қондаси» муаллифи кўп ўринларда журналист — ким ҳақ, ким ноҳақлигини аниқлаш

ваколатини олган судья-қози эмас, оддий бандаларга келажакни башорат қилувчи пайғамбар ҳам эмас, деб так-рор-такрор айтади.

Муаллифнинг публицистика-ижтимоий журналистика ҳақидаги фикрлари ҳам қизиқарлидир. Бир жиҳатдан, бизга узоқ йиллар давомида журналистнинг вазифаси қийналиб қолган одамларга ёрдам қўлини чўзиш, деб тушунтирдилар. (Аслида, журналистнинг ахлоқи, инсон-парварлиги шунда кўринади). Журналистга бундай қараш узоқ йиллар ҳукм суриб, бу қараш янги замонга ҳам кўчиб ўтди. Чиндан ҳам, қийналиб қолган кекса нафақачилар, ёлғиз оналар, уруш фахрийлари, «афғончилар» ва ногирон одамлар газета, радио, телевидение мухбирларига умид билан мурожаат қиладилар. Мана шу иш-кал масалаларни ҳал этиш учун журналистлар биринчилар қаторида елиб-югурадилар. Бошқа жиҳатдан қараганда нафақа ва моддий ёрдамларни ундириш, беморлар ва ногиронларни шифохоналарга ётқизиш, уйда сув бўлмаган ёки қувури ёрилиб кетганларга сантехникларни чақириб бериш аслида журналистларнинг иши эмас, ҳокимият вакилларининг иши-ку? Бу каби масалаларни журналистлар қай даражада ҳал эта оладилар?

Бу китобдаги муҳим боблар назаримда, янгиликларга, матбуотда чиққан материалларнинг оқибатига журналистнинг ҳолис қараши тамойилига бағишланган боблардир. Баъзилар журналистнинг ҳолислиги ўз-ўзидан маълум қоида-ку, дейишлари мумкин. Эрик Фихтелиус Шарқий Европадан келган журналистларга фақат ҳолис ишлаш керак, деб ўргатади. Баъзан ҳаётда бунга тескари фикрларни ҳам (яъни, ҳолисликни лоқайдлик деган фикрларни ҳам) эшитамиз.

Фикрлар турлича бўлиши мумкин. Бу китобда қўрилган масалаларга ҳар ким ўз ўлчови билан, ўз тажрибасидан келиб чиқиб ёндошади, ҳар кимнинг ўз иш услуби, маслаги бўлиши табиийдир. Шу маънода «Журналистиканинг 10 қоидаси» китобидаги маслаҳатларни догма сифатида қабул қилиш керак эмас. Назаримда, бу китобнинг вазифаси шу масалаларга, шу ёндошувларга касбдошлари, ўқувчиларининг эътиборини жалб этиш, муҳокама учун мавзулар беришдир. Китоб ҳозирги замон журналистининг фикр доирасини ўстиради, фақат ҳозирги кун эмас, балки келажакда қандай ишлаш ҳақида ҳам фикр уйғотади. Қўлланманинг яна бир мақсади --

амалий маслаҳатлари билан журналистнинг кундалик ишига ёрдам беришдир.

Эрик Фихтелиуснинг бу китоби Швеция оммавий ахборот воситаларининг ташкил этилиши ҳамда илдишлари ўн саккизинчи асрга бориб тақаладиган демократик матбуот анъаналари ҳақида тасаввур беради. «Журналистиканинг 10 қондаси» китоби сизни ошкоралик ва ношир (муассис вакили)нинг сўз эркинлигини ва демократия тамойилларини ҳимоя қилиш бурчи билан таништиради. Шуниси ҳам борки, Швеция оммавий ахборот воситаларининг ташкилий тузилиши Россия ёки бошқа давлатлар (МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари) матбуоти тузилишидан фарқ қилади. Шу сабабли, таржима жараёнида баъзи ибораларни, таҳририятдаги ходимларнинг мақсад-вазифаларини ифодаловчи сўзларни таржима қилишда қийинчиликлар учради.

«Журналистиканинг 10 қондаси» китобини таржима қилиш ва нашр этиш SIDA — Халқаро тараққиётга ёрдам бериш Швеция Агентлиги маблағлари ҳамда FOJO — Швеция Журналистлар малакасини ошириш институти лойиҳаси асосида амалга оширилди. Бу институтнинг асосий идораси — офиси бундан чорак аср аввал Кальмар шаҳрида очилган эди. FOJO 1993 йилдан буён Шарқий Европа журналистларини ўқитиш учун курслар ташкил этган. FOJO Институти ташкил этган семинар ва курсларда Болтиқбўйи давлатлари, Россия, Беларусь ва Украинанинг минглаб журналистлари таҳсил олдилар.

*Вероника Менжун*

## Ўзбек таржимонлари муқаддимаси

Ижтимоий фикрларни, халқ руҳиятини ифодалашда, жамият ҳаётида адолат ва инсонпарварликни қарор топтиришда матбуот вакилларининг (ҳали газета, журнал йўқлигида — китоб, баёз, ахлоқий ва фалсафий фикрлар баён этилган рисоалар ёзган илк «журналист» ула-моларнинг) ўрни ва хизматлари ҳали яхши ўрганилмаган.

Шарқда публицистика идизлари Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Ослорулбоқия»), Ибн Синонинг «Хайт ибн Яқзон», Ибн Туфайлнинг ҳам шу номдаги қиссаси, Низом-улмулкнинг «Сиёсатнома», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Футуввати султония», Алишер Навоийнинг «Махбубул-қулуб» асарларига, Фарбда Томас Морнинг «Утопия», Томмазо Кампанелланинг «Қуёш шаҳри», Даниэл Дефо ва Жонатан Свифт романларига, Диккенс, О'Генри, Марк Твен ҳикояларига (М. Твеннинг «Теннессида журналистика» ҳикояси), Франсуа Вольтернинг «Кандид», Жан Жак Руссонинг «Жамият шартномаси» асарларига бориб тақалади.

Фарбда XVIII асрда адиб, публицист журналистларнинг мамлакат ижтимоий фикрига кучли таъсирини сезган Англия ҳукуматининг герцог Мальборо каби вазирлари Даниэл Дефони, Жонатан Свифтни қалами ўткир журналистлар сифатида ўз томонларига оғдириб олиш учун ҳаракат қилган эдилар. Аммо журналист адиблар ҳар қанча баланд мансаб, мартабаларга кўтарилса-да, матбуотни халқ фикрининг кўзгусига айлантирганлар, халқ манфаатларининг ҳимоячиси бурчини шараф билан адо қилганлар.

Швеция журналисти Эрик Фихтелиус ҳам узоқ йиллар газета, радио, телевидение таҳририятларида ишлаб, орттирган бой тажрибаларини ёш ҳамкасблари билан баҳам кўрар экан, журналистлар, ахборот хизматлари турли иқтисодий ва сиёсий гуруҳларнинг хизматкори, югурдаги бўлмасдан, жамият, халқ манфаатлари учун, жамиятнинг демократик негизларини сақлаш ва мустаҳ-

камлаш учун хизмат қилиши зарурлигини уқтиради. Муаллиф Фарбада радио, телевидениега ҳаддан зиёд коммерциялашувнинг маънавий зарар келтираётганини айтади.

Бошқа ўринларда Эрик Фихтелиус мухбир, журналист ҳеч қайси тарафнинг ёнини олмай, мамлакатда, жамият ҳаётида кечаётган жараёнларни ва ечими топилмаётган муаммоларни, жумладан, турли бахтсиз ҳодисаларни ҳам ҳолис ёритиши, ўз муносабатини билдирмаслиги зарур, деб ҳисоблайди. Ҳамма замонларда ҳам ҳолислик адолат, ҳақиқатга хиёнат қилмаслиқнинг шартини талабидир. Бу жиҳати билан журналист қози, судяга ёки уларга воқеа асли қандай юз берган бўлса, бўяб-бежамай, ўзгартирмай, тўғриси айтиб берувчи гувоҳга ҳам ўхшайди. Аммо афсуски, қозига, судяга ёки гувоҳга юқори жойлардан, кучли гуруҳлардан тазйиқ ўтказилиб, уни ёлғон гапиришга мажбур қилиш ҳоллари учраганидай, журналистлар ҳам хизмат вазифасини адо этаётганида унинг воқеа, ҳодисани ҳолис баён қилишига салбий таъсир кўрсатувчи кучлар тазйиқ сезилиб туради. Бундай ҳолларда мухбир, журналистнинг виждони поклиги муҳим аҳамиятга эга. Баъзи журналистлар сик ҳам, ка-боб ҳам қуймасин, деб, ўрта йўлни танлайдилар: воқеа ҳақидаги ҳақиқатни ҳам иложи борича баён этадилар, айни вақтда айбдорларнинг номларини ҳам яшириб қоладилар.

Атокли швед журналистининг баъзи муҳим фикрлари бир-бирига зид келиб қолиши қизиқарлидир. У халқпарвар мутафаккир инсон сифатида журналистиканинг жамиятдаги камчиликларни, қонунбузарликларни, турли иқтисодий ва сиёсий гуруҳларнинг, мансабдорларнинг найрангларини текшириб, фош этиш функцияси туфайли, ОА воситаларини ҳақли равишда учинчи ва тўртинчи ҳокимият деб ҳисобланиши — мамлакатда демократия устиворлигининг муҳим кўрсаткичи эканлигини, журналистлар фош этувчилик фаолияти билан халқ манфаатлари учун, демократия равнақи учун хизмат қилишини тўғри баҳолайди. Аммо воқеаларнинг, фалокатларнинг айбдорларини излаш — мухбирларнинг иши эмас, деган фикрни ҳам билдиради. Бизнингча, иккинчи ҳолатда гап қисқа ахборотларга тааллуқли бўлса керак.

Эрик Фихтелиус халқпарвар, адолатли ижодкор сифатида фикр юритиб, мураккаб ҳодисалар ҳақида ахборот беришда мухбир бор воқеани баён қилсин, бироқ

айбдорларни излаш, топиш, жазолаш унинг вазифаси эмас, деб ҳисоблайди. Масалан, 1981 йили Швецияда бахтсиз ҳодиса юз берган, бир оролга ўтилувчи аркли кўприкка туманда адашган кема урилганида, у қарсиллаб синиб кетган, натижада етти автомобил сувга чўккан, саккиз одам ўлган. Журналистнинг вазифаси бу ерда фақат, мана шу фалокат ҳақида холис ахборот беришдан иборат, воқеанинг сабабларини ва айбдорларини аниқлаш эса бошқа ташкилотларнинг вазифасидир. Э. Фихтелиуснинг бу фикрига қўшилаемиз. Аммо ҳаётда кўпинча жафоқаш, мухтож одамлар, ногиронлар, нафақачилар, нотўғри ташхис ва операция туфайли ўлган беморнинг қариндошлари аввало журналистлардан ёрдам сўрайдилар, у адолатни тиклашга ёрдам беради, деб умид қиладилар. Ҳаётда шундай жабрдийда одамларнинг мушкулларини ҳал этиш учун вақти ва меҳнатини аямаган, халқ меҳрига сазовор журналистларни кўп учратганмиз. Мисол учун, тажрибали бир журналист ва олим ноҳақ ишдан ҳайдалган олий таълим вазири ўринбосари иши билан танишиб, суд органларига мурожаат қилиб, воқеаларни чуқур ўрганиб, матбуотда жиддий мақола билан чиқди ва оқибатда виждонли, ноҳақ жабр чеккан вазир ўринбосари вазифасига қайта тикланди. Матбуот, оммавий ахборот воситаларини тўртинчи ҳокимият деб хурмат қилишлари бежиз эмас.

Ўзбекистон Миллий Университетининг журналистика факультетида ва Тошкент Жаҳон тиллари Университетининг халқаро журналистика факультетида ҳозир Эрик Фихтелиусдан қолишмайдиган тажрибали, истеъдодли журналистлар ва олимлар таълим бермоқдалар. Буларнинг кўпчилиги журналистика тарихи, назарияси ва амалиётдан малакали дарс берадилар. Айни вақтда швед журналисти Э. Фихтелиуснинг мазкур қўлланмаси ҳам халқаро журналистика тажрибаларини ўрганишда яхши хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

## 1. Жон-дилдан ишланг!

«Яхши журналистика» — тингловчиларни, томошабинларни бефарқ қолдирмайди, уларга дунё хабарларини қизиқарли қилиб етказиб беради: Журналист ўзи айтган янгиликка бошқаларни қизиқтириши учун нима қилиши керак?

Мана бундай оддий тажриба ўтказиб кўринг: радио ёки телевизорни бураб, сўнги ахборотларни эшитинг, газетанинг биринчи саҳифасини ўқиб чиқинг. Ярим соатдан кейин шу эшитганингиз, кўрганингиз, ўқиганингиздан нималар эсингизда қолганини аниқланг. Эҳтимол, ҳеч нарса эсингизда қолмагандир? Аммо ўтган кунларда эшитган, кўрган, ўқиганларингиздан баъзи қизиқ нарсалар ҳамон эсингизда тургандир? Нима учун шундай?

### **Иш нимадан бошланади?**

Янги хабарларни беришда редакциялар янгиликларни йиғувчи ва тарқатувчи ахборот агентликлари билан яқин алоқада бўладилар. Аммо шу ҳалқанинг бошида янгиликни топган, мазмунини тушунган ва баён қилган репортёр туради.

Репортёрнинг вазифаси — ўзи кўрган, эшитган, ҳис этган воқеаларни аудиториясига, тингловчиларига етказиб беришдир. Бунинг учун репортёрга ўша воқеани кимдир ҳикоя қилиб бериши керак. Аввало, ана шу воқеани кўрган, билган ҳикоячини топиш зарур. Шу ҳикоячи бўлмаса, янгилик ҳам бўлмайди. Янгиликни репортёрнинг ўзи ҳикоя қилиб берганида, шу воқеага ўзи қизиқиб қолиши, бошқаларда ҳам шунга қизиқиш уйғотиши керак. Демак, репортёр ахборотни маълум қилишдан ташқари, яхши ҳикоя қила билиши ҳам зарур.

Репортёрнинг қизиқ воқеани топиши — журналистиканинг бошланишидир. Яхши журналист ўз атрофида юз бераётган воқеаларнинг барчасига қизиқиши керак. У

топган воқеа муҳим, қизиқарли, жамият учун ибратли ва фойдали бўлсин. Репортёр кўпинча юз бераётган воқеаларнинг шоҳиди, катнашчиси бўлган ҳолда янгиликни биринчи кашф этувчи ҳамдир. Журналистнинг бошқа касб эгаларидан устун тарафи шуки, у юз берган воқеа ҳақида тингловчиларга, томошабинга, ўқувчиларга биринчи бўлиб хабар беради.

Репортёр ишида кўп тўсиқлар, қийинчиликлар учрайди. Бирор жойга бориб ёзиб келиш учун пули етмайди, ё вақти етмайди, ё ғоя етишмайди, ё журъат етишмайди. Аммо агар журналист жон-дилдан ишласа, бу машаққатларни енгиб ўтади. Бирор воқеани халқ оmmasига айтсамми ё айтмасамми, деган савол қўйилса, у кўнгили амрига қараб иш қилади (Мабодо, у шу янгиликни ёзиб келиш ҳақида таҳририятдан топшириқ олмаган бўлса).

Пул билан вақтнинг етишмаслиги энг кўп учрайдиган тўсиқлардир. «Биз бу мавзунини кўтаролмаймиз, пулимиз йўқ», — дейди бўлим муҳаррири. Дунёдаги барча таҳририятлар, шу қаторда швед таҳририятлари ҳам иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечиради. Швеция радиоси ёки телевидениесига кун бўйи иккита репортёр ахборотларни «амаллаб» бериб туришади. Бундай шароитда «журналист текшируви» ёки «янгиликни ўз ишлаб топиш» учун имконият йўқ. Аммо жон-дилдан ишлайдиган журналистлар шунда ҳам йўлини топади, дангасарок, ташаббуссиз репортёр ва муҳаррирлар эса «ресурслар йўқлиги»ни баҳона қилиб, ўтираверади. Ўз ишига берилган журналист эса, қаловини топиб, қорни ҳам ёндиради.

## **Қизиқиш ва холислик**

Журналистлик касбининг зиддиятли, ғалати жиҳатларидан бири — мавзуга берилиб, қизиқиб ишлаш билан бирга ахборот, воқеа мазмунига холис бўлиб туришдир. Ҳар бир инсон бирор воқеага ўзича қарайди, ўзича баҳолайди. Репортёр эса юз берган воқеани иложи бори-ча ҳаққоний, холислик ва назокат билан баён қилиши, воқеага ўз баҳосини, муносабатини беришдан тийилиши керак. Айтайлик, бирор жойда ёнғин ёки босқинчилик рўй берди. Репортёр бу ерда ўтнини ўчиришга ёки бандитни қандай тутишга қизиқиб кетмаслиги, ўз фикрини бил-



дирмаслиги, балки бўлган воқеани хабар қилиш билан чекланиши керак\*.

Тўғри, мавзуга, воқеага қизиқиб қараш керак, ammo холисликни ҳам сақлаш керак. Агар журналист холис турмай, ҳар бир воқеанинг оқибати ҳақида ўз фикрларини ҳам айтса, у журналист эмас, башоратчи, авлиё бўлиб қолади (Бу фикр ҳам мунозарали, ахборотчи ўз фикрини айтмаса ҳам, шарҳловчи журналистлар албатта, воқеага ўз муносабатини билдирадилар).

Аниқ бир мисолни олайлик. Бир вақтлар Болтиқ денгизига яқин Эресун бўғозида кўприк қурилиши мавзуи Швецияда жуда кўп муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлди. Қизиққон, эҳтиросли журналист дарров айтдики, бу мавзу жуда муҳим ва муҳокама, мунозараларга арзийди. Тарих — интригалар, баҳс, мунозара, эҳтирослар, маблағлар, конфликт-тўқнашувлар, сиёсат, экология муаммоларидан ҳоли эмас... Лойиха муаллифлари мақсадига кўра, бу кўприк — Болтиқ денгизи томонида жойлашган Эресун минтақасининг иккала қисмини, икки мамлакатни бир-бири билан боғлайди. Швециянинг Мальме шаҳри ва Дания пойтахти Копенгаген шу кўприк орқали янги маданий ва иқтисодий конгломерат — бирлашувга келиши мумкин. Бу кўприк техника жиҳатидан ҳам мураккаб ва гигант қурилиш лойихаси бўлиб, сонсаноксиз иш кучи ва жуда катта миқёслардаги транспорт воситаларидан фойдаланишни талаб қилади. Бир жиҳатдан бу қурилиш фақат соҳиллардаги кўрик таянч устунлари яқинидагина эмас, балки бутун Болтиқ денгизи ва Эресун атрофидаги туманларнинг иқлими, экологиясига таъсир кўрсатиши мумкин. Шу жойлардаги ҳайвонлар, ўсимликлар, балиқ овлаш корхоналари зарар кўриши мумкин. Бошқа жиҳатдан бу гигант қурилиш Швеция ва Дания корхоналарига миллиардлаб кронли жуда катта инвестициялар келтиради. Эресун бўғози узра кўприк қуриш керакми, йўқми, деган масалада Швеция ҳукумати аъзолари икки қарама-қарши гуруҳга бўлиниб кетдилар. Бундай ўткир, ўта қизиқ ва зиддиятли мавзу ҳар бир журналистни қизиқтириши табиийдир. Ammo бу вазиятда репортёрнинг, мухбирнинг вазифаси кўприк қури-

---

\* Адолат ва инсонпарварликни одат қилган машҳур журналистлар бу фикрни унчалик маъқулламайдилар. Бу бефарқлик Шимолий Оврупо журналистларига хос хусусиятдир. — тах.

лиши зарурми, ё зарур эмасми, деган масалада ўз фикрини айтиш эмас, балки жамоатчиликни бу янгиликлардан холис хабардор қилиб туришдир\*.

Журналистлик касбининг энг мураккаб томони шундаки, биз ҳеч бир томоннинг ёнини олмасдан, холис ва билагон бўлишимиз керак. Мухбир фақат янги хабарни излаб топиб қолмай, ўзини қизиқтирган мавзуни жуда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўрганиши, баҳсли масалада ҳар икки томоннинг ҳақлик, ноҳақлик жиҳатларини чуқур тушуниб етиши ва айнаи замонда воқеага аралашмай, ҳеч бир томонга қўшилганини билдирмай холислик билан ёритиши зарур. Воқеага қизиқиб туриб, холис бўлиш жуда қийин, аммо шунга эришиш керак.

Сиз янгиликни, ахборотни ўқувчига, томошабинга, тингловчига етказар экансиз, уларга ўз фикрингизни ўтказманг, чунки бу хабарга уларнинг ўзлари бошқача қарашлари мумкин. Уларга сизнинг симпатиянгиз ёки антипатиянгиз билан бўялмаган «соф» хабар керак. Кўп журналистлар, мухбирлар холис бўлиш қийинлигидан, бу масалага эътибор бермайдилар. Аммо журналист касбидаги бу зиддиятли ҳолатни ҳисобга олишга тўғри келади. Бу масалада чегарадан, меъёрдан чиқмаслик касб талабидир.

Холислик талаби баъзи журналистларни қийнайди, улар ўзларини ижтимоий воқеаларга аралашолмай, жамият ҳаётидан четга чиқиб қолгандай ҳис этадилар. Баъзи журналистлар ўзи кўриб, билиб, тушуниб турган воқеалар ҳақида гапира олмаслик, бошқалар воқеага ўз муносабатини билдирганда ўз фикрини айтолмай четда туришдан руҳан изтироб чекадилар. Мухбир кўпинча турли одамлар билан танишиб, улар қувонсалар қувонади, қайғурсалар ҳамдардлик билдиради, ёмон ишларга норозилик билдиради, аммо воқеани ёритишга келганда холис бўлиб, ўзини аралаштирмай туришига тўғри келади. Ҳар қандай касб эгалари каби, журналистлар ҳам шахсий ҳаётида қувониш, қайғуриш, ўз фикрини айтишга ҳақлидир. Аммо касби, вазифасини бажараётга-

---

\* Жуда кўп давом этган муҳокама, мунозаралардан сўнг, Эресун бўғози устида 7,8 км. узунликда кўприк қуришга қарор қилинди. Кўприкка 1987 йилнинг 16 июлида биринчи пойдевор қўйилди. В. М. изоҳи.

нида шахсий ҳаёт билан ижтимоии ҳаёт ўртасидаги чегарани билиши зарур, лекин бу осон эмас.

Демак, журналистнинг ўз касбини севиб, берилиб, жон-дили билан ишлаши, куйиб-ёнишининг маълум чегараси бор. Бу муҳим масала бўлгани учун бунга кейинги бобларда, айниқса, мухбирнинг янгилик оқибатига холис муносабатини кўриб чиқаётганимизда яна бир неча бор қайтамиз. Янгиликларга қизиқиш, жон куйдириш билан холислик ўртасидаги зиддият журналистнинг жамиятдаги ўрнини белгиловчи асосий касб хусусиятларидан биридир.

## **Жон куйдириш — муваффақият калити**

Репортёр ёки мухбирнинг мавзунини қизиқарли қилиб ёритиш учун жон куйдириши — ишда муваффақият қозонишнинг калитидир. Мухбир турли ахборот, маълумотларни не-не қийинчиликлар билан олади, аммо буларнинг ҳаммасиям янгилик бўлиб чиқавермайди. Мисол учун, бир аёлнинг бирдангина беш фарзандни дунёга келтиргани ҳақида биринчи бўлиб хабар қилган мухбирлар тез орада бу янгилик бутун дунёга ёйилиб кетишини ўйламаган эдилар. Яна бир қизиқ воқеа: Черн оролига ўтиладиган қатта кўприк қулаб тушганини биринчи бўлиб таҳририятларга ва журналистларга айтган мухбирларни маст-аласт одамнинг алжираши деб, ишонмаганлар.\* Баъзан муҳим янгиликлар ҳам умуммиллий ахборот воситаларининг янги ахборот бўлимлари ва таҳририятларига етиб боргунича ҳафталар, ойлар ўтади.

Циниклар (бетаъсир, тепса тебранмас одамлар) фақат ўзлари билган нарсани янгилик дейдилар, бошқалар, хабар берса — янгилик эмас дейдилар.

## **Янгилик нима? Унинг таърифи**

Янгилик нима? Очигини айтганда, янгиликнинг назарий жиҳатдан асосланган аниқ таърифи ҳам, талқини ҳам йўқ. Янгилик — бу, ҳис-туйғуларга таъсир қилувчи

---

\* Черн оролига ўтилувчи гумбазли кўприк, 1980 йил январ ойида туманда қатта кеманинг томи урилиб кетганидан бузилиб, қулаб тушган. 7 автомобиль сувга чўкиб, 8 одам ўлган. Янги кўприк жуда тез муддатда, 1981 йил ноябрида ишга туширилди. (В. М. изоҳи)

хамда анъанавий тасаввурларга жавоб берувчи хабарлардир. Тажрибали журналист ўзи кўрган ва эшитганлари орасида қайсиниси янгилик эканини яхши ажрата олади. Аслида, ҳақиқий янгилик, биринчи галда хиссиётларимизга кучли таъсир кўрсатади. Янгиликларни эълон қилувчи ҳам, янгиликларни истеъмол қилувчи ҳам бу ходисани таърифлашга уриниб кўришган. Аммо янгиликларнинг тавсифи назарий мулохазалардан кўра амалиёт, тажриба билан боғлиқдир. Биз янгиликларга хиссиётларимизга қанчалик таъсир қилишига қараб баҳо берамиз. Оқибатда янгилик мухбирнинг бир воқеа юз берган жойда бўлиб, у кузатган, бошқаларга айтса қизиқиш уйғотадиган нарса бўлиб чиқади. Швед тилининг изоҳли луғатида янгилик бундай тавсифланади:

**Янгилик — янгилиги завқ берадиган нарса; янги, муҳим воқеа; муҳим воқеа ҳақида хабар (матбуот, радио, телевиденида)**

Шундай қилиб, янгилик асосида воқеа туради. Муҳим ўзгариш воқеадир. Муҳим қизиқарли ўзгариш янгиликдир. Швед мухбирлари янгиликни илмоқ дейдилар (бу худди ўзбек тилидаги пичоққа илинадиган нарса, деган иборага ўхшайди). Янги юз берган воқеа асосида оғзаки ёки ёзма сюжет ёзиш мумкин.

Ўзгаришлар турли соҳаларда юз бериши мумкин. Энг аниқ-равшан янгилик — тез, қутилмаганда юз берган ҳодиса, масалан, автофалокат, ёнғин, министрлар кабинети — таркибининг истеъфога чиқиши ва ҳоказо. Шунда хилдаги воқеий янгилик — тез содир бўлган, қутилмаган ҳодисадир.

Аммо шундай ўзгаришлар борки, уларни янги тенденциялар, янги жараёнлар дейиш мумкин. Секин-аста, узок давом этадиган ўзгариш ҳам аниқ сезилиб қолганида янгилик бўлиши мумкин. Масалан, денгиз, уммонлар ўртасидаги қуруқликнинг аста-секин кўтарилиши — тенденцияли, жараёнли янгилик бўлиб, бундай ходисани янгилик сифатида бир асрда икки-уч марта ёритиш мумкин (илмий жихатдан ҳар доим ўрганилаверади). Швециянинг баъзи минтақаларида қуруқлик юз йилда саксон сантиметр кўтарилади. Аммо бу каби давомли жараён ҳақида қимматли, муҳим ахборот тайёрлаш учун бирор

илмоқ топиш керак. Ҳар доим ўтаётган паром-сол қуруқлик кўтарилиши туфайли, сув остига урилиб, юролмай қолиши ана шундай илмоқ воқеадир, бу кичик воқеа катта воқеани ёритишга ёрдам беради. Секин юз берадиган, давомли ўзгаришларни воқеасиз ёритиш унчалик қизиқарли чикмайди.

Швецияда турли оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари мамлакатда муҳожир (эмигрант) аёлларнинг аҳволи ҳақида маълум вақтларда муҳим репортажлар бериб туришни режалаштириши мумкин. Аммо шунда ҳам бу соҳада бирор қизиқарли воқеа юз берган бўлса, масалан Ироқлик бир ўсмир опасини ўта «шведлашиб» (оврўполашиб) кетгани учун (эҳтимол, исломий одобдан четга чиққани учун) ўлдириб қўйгани — барча газеталарнинг биринчи саҳифаларида бериладиган воқеадир.

## Нуктаи назар (ракурс)

Мухбир бирор масаланинг турли жиҳатларини ёритиши мумкин. Бунда репортаж ёки мақолада масаланинг муайян жиҳатини ёритиш янгилик ҳисобланади.

Масалан, қуёш чарақлаб турган кун, яхши об-ҳаво деҳқон-фермерлар учун фалокатли, меҳнат таътилига, дам олишга чиққан шаҳарликлар учун роҳат-фароғатли бўлиши мумкин. Қуёш чарақлаб, кун исиб кетган вақтлар Швецияда музқаймоқ сотувчилар ва туристлар учун қувончли, аммо жануб мамлакатларига туристик саёҳатларни уюштираётган агентликлар учун зарарлидир. Демак, мухбирнинг бирор воқеа, ҳодисани қайси нуктаи назардан ёритаётгани муҳим аҳамиятга эга. Ёки, ҳаво очилиб, қуёш чарақлаб кетгани метеорология ходимлари ишидаги камчилик, ё қийинчилик сифатида қаралиши ҳам мумкин.

Репортёр ёки мухбирнинг материални турли нуктаи назар (ракурс)лардан ёритиши ахборотни қизиқарли чиқишига ёрдам беради. Аммо шуниси ҳам борки, бирор воқеанинг янги қиррасини ёритаман деб, аниқ маълумотларни бузиб, нотўғри бериш ёмондир. Воқеага биз қайси нуктаи назардан ёндошсак ҳам у ҳақда рост, ҳаққоний ва муҳим гапларни айтишимиз зарур. Ҳар қандай воқеа ҳақида имкони борича тўғри ва холис ёзиш мухбирнинг бурчидир.

## Янгиликларни баҳолаш ва танлаш

Авал айтганимиздек, янгиликнинг аниқ тавсифи йўқ. Тахририятлар янгиликларни баҳолаш ва танлашда назарий қоидалардан кўра кўпроқ тажрибаларга асосланадилар. Турли хабарлар орасидан танланиб эълон қилинганлари янгиликлар деб ҳисобланади.

Стокгольм университети қошидаги Журналистика, ОАВ ва коммуникациялар институтининг профессори Хокан Хвитфельдт, турли газеталарнинг биринчи саҳифаларида босилган хабарларни ўрганиб чиқиб, янгиликларни баҳолашнинг қандай жараёнларга боғлиқлигини аниқлади. У шундай хулосага келдики, ҳар қандай хабарнинг янгилик сифатидаги аҳамияти унинг умуман эълон қилишга яроқли эканлигидан бошлаб то биринчи саҳифада берилишигача боғлиқ экан.

Янги ахборотларнинг қуйидаги жиҳатларига эътибор берилади:

- анъанавий муҳокама мавзуга доир хабар;
- мухбирнинг юз бераётган воқеанинг яқинида бўлиши;
- янгилик бир жиҳатдан сенсация (шов-шув)ли ёки кутилмаган ҳолда юз бериши;
- бошқа жиҳатдан ўша воқеа қатнашчилари хусусий шахслар бўлса;
- янгиликнинг барчага тушунарли, ҳаммабоп эканлиги;
- барча одамлар учун аҳамиятли эканлиги;
- умумий мавзунинг бир қисми бўлса ҳам жуда тез вақт орасида юз берганлиги;
- табиат, жамият, одамларга зарарли бўлган янгиликлар;
- одатдаги манбалардан олинган янгиликлар.

Норвегиялик икки олим ахборотларнинг эълон қилинишигача қанча вақт «остонада туриб қолиши» жиҳатига ҳам эътибор берганлар. Агар ахборот газета, радио ва телевидениеда беришга ёки эфирга узатишга яқин қолганда эълон қилинса, яъни у «остонада туриб қолиш»ни сакраб ўтган бўлса, жуда муҳим янгилик ҳисобланади. Агар ахборот одамларнинг диққатини тез тортадиган бўлса, у ҳам жуда муҳим янгиликдир. Юқорида келтирилган тадқиқотларнинг натижалари барча журналистлар учун кўрсатма ёки қонун эмас, албатта. Лекин бу-

лар янгиликларни баҳолашнинг турли босқичлари сифатида эътиборга лойиқдир. Хокан Хвитфельдт яна шу хулосага келганки, агар янгиликлар сиёсат ва иқтисод соҳасида турли фалокатлар ёки жиноятлар ҳақида бўлса, кўпроқ аҳамиятли ҳисобланади. Шундай қилиб, газеталарнинг биринчи саҳифаларига ўта муҳим янгиликлар ҳам, шунингдек, аҳамияти камроқ янгиликлар ҳам берилаверади.

Ҳозирги замон ҳаётида янги ахборот товар-маҳсулот ҳисобланади. Бадавлат одамларнинг қўлида бўлган йирик ноширлик уйлар (нашриётлар ва газета-журналлар) янги ахборотларни мухбирлар орқали излаб топадилар ва матбуот нашрларига сотадилар. Бундай матбуот корчалонлари мамлакат сиёсати ва иқтисодиётига таъсир ҳам кўрсата оладилар. (Хорижий мамлакатларда, хусусан Швецияда ҳам). Янги ахборотлар матбуот бозорида сотилади ва бошқа товарлар каби баҳоланади. Аммо бундай бозор иқтисодиётга керагидан ортикча берилиб кетиш жамият тараққиётига ва журналистларнинг ижодий изланишларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

## 2. Энг муҳимини айтинг!

(Кўпол ҳазил)

Телеграф агентликларининг хабарлари, пресс-релизлар, турли учрашувлар ва конференцияларга таклифлар — таҳририятга келиб турадиган хабарлар оқимининг жилғаларидир. Бунинг устига, журналистларнинг ўзи ҳам мустақил равишда тинмай янгиликларни излайдилар. Мана шу тоғ-тоғ ахборотлардан баъзиларигина дунё юзини кўради. Янгиликларни танлашда нималарга эътибор берилади?

### **Муҳимлик мезонлари**

Кўпчилик йирик таҳририятлар ва ахборот бўлимлари мухбирларга янгиликларни танлаш бўйича ўз қоидаларини таклиф этадилар. Мисол учун, Швеция радиосининг «Эхо» янгиликлар таҳририятининг иш тамойилларини олиб кўрайлик. 1968 йилда тузилган бу ҳужжатдан кичик бир парча келтирамиз:

«Биз барча муҳим янгиликларни эълон қиламиз. Бу янгиликлар кўпчилик халқ учун муҳим ва фойдали эканлигига қараймиз. Биз эълон қиладиган хабарлар ҳаққоний ва жамият ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Биз вақти-вақтида мураккаб ва тушунилиши қийин воқеа-ҳодисаларни ҳам ёритиб борамиз».

Мана 30 йилдан ошдики, «Эхо» таҳририяти мана шу ҳужжатга оғишмай амал қилиб келади. Бу фикрдаги «муҳим» деган сўз янгиликнинг қалбидир. Таҳририят газетада эълон қилиш ёки эфирга узатиш учун танлаб оладиган материаллар мамлакатда ва жаҳонда бўлаётган муҳим жараёнлар билан фуқароларни таништиради. Мухбир энгил-елпи, олди-қочди нарсаларни эмас, балки кўпчиликни қизиқтирадиган воқеалар ҳақида хабар қилади. Мухбир юз берган воқеалар билан уларнинг одамлар ҳаётига таъсири ўртасидаги алоқадорликни яхши тушуниши зарур.



Ўқувчи, тингловчи, томошабинларга бахтсиз ҳодиса ҳақидаги хабардан кўра, давлат бюджетидagi дефицит (камомад) ҳақидаги хабар муҳимроқдир. Аслида бюджетнинг камомади мавзуи мураккаброқ ва тушунарсизроқ, лекин бу мамлакат аҳолиси учун бирор жиноят ҳақидаги хабардан муҳимроқдир. Чунки давлат ёки муниципал органлар (ҳокимиятлар) узоқ муддатли молиялашни ташкил этмай туриб, турли сарф-харажатларни бошлашган. Фуқаролар бу соҳалардан ҳам хабардор бўлиб туриши керак. Чунки бу камчиликлар вақтида тузатилмаса, уларнинг фарзандлари бошига кўп ташвишлар тушади.

Фуқаролар учун биронта магазинга ўғри тушгани ҳақидаги хабардан кўра, ядро чиқиндиларини қаерга кўмиш муаммолари ҳақида хабар бериш муҳимроқдир. Машхур актрисанинг шахсий ҳаётидаги воқеадан кўра, НАТОни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилиш муҳимроқдир.

## **Журналистларни танқид қилиш**

Кейинги вақтларда Швецияда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам журналистика соҳасидаги камчиликлар танқиди кучайиб бормоқда. Аввало берилаётган янгиликлар саёз ва узуқ-юлуқ эканлиги танқид қилинмоқда. ОАВ соҳасининг тобора коммерциялашиб бориши турли енгил-елпи нарсаларнинг берилишига йўл очмоқда. Матбуот ва эфир зўравонлик, секс, жиноятлар, турли бахтсиз ҳодисалар ва жанжаллар ҳақидаги хабарлар билан тўлиб-тошиб кетган. Ахборот хизматлари йирик бизнес корчалонлари ва халқаро корпорациялар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолган. Бу корпорациялар ва корчалонларни журналистиканинг мазмуни ҳам, унинг демократик жамиятдаги ўрни ҳам қизиқтирмайди.

Сиёсий шарҳловчилар ҳам ўз чиқишларида мансабга интилувчилар ўртасидаги турли ғийбат ва можароларга кўпроқ эътибор бермоқдалар, муҳим муаммолар уларнинг эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Жиддий муаммолар ўрнига мушук-сичқон ўйини, масаланинг моҳиятини очиш ўрнига олди-қочди сенсациялар берилмоқда. Иқтисод соҳасида ёзаётган мухбирлар ҳам баъзан ўзлари сезмаган ҳолда йирик корхоналарнинг югурдаги бўлиб қолган. «Гапирувчи бошлар» турли теле-бахсларда воқеа-

ходисаларнинг сабаблари ва оқибатларини очиб бериш ўрнига, воқеаларни юзаки, гоҳо эса саводсизларча, нодонларча шарҳлайдилар. Бундай саводсиз шарҳловчилар юз бераётган ходисаларни чуқур таҳлил қилиш ўрнига асоссиз, жайдари тушунтиришлар билан аравани куруқ олиб қочадилар. Кўпчилик ОА воситалари айрим шахсларнинг ғаразли мақсадлари учун чиқарган низоларини, турли можароларни завқ-шавқ билан гапирадилар-у, лекин мамлакатимизда ишсизлар салмоғи йил сайин ортиб бораётганига, фуқароларнинг ижтимоий таъминоти, давлат бюджети дефицити каби жиддий муаммоларга эътибор бермайдилар.

Журналистлар танкидий фикрларга қулоқ солиши керак. Бу танкид асосли, кўпгина фактлар билан далиллаб берилган. ОА воситаларининг коммерциялашуви (тижоратлашуви) журналистика соҳасида кўпгина салбий ходисаларни келтириб чиқариб, хавfli тус олмоқда.

Биз журналистлар кўпроқ оддий фуқароларга сўз бериб, уларнинг демократик жамият фуқароси бўлишга имконият беришимиз керак. Таҳририятлар ўз тингловчиларига мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг мураккаб ходисаларини тушунтириб беришлари зарур. Ҳукуматнинг турли соҳаларда қабул қилган қарорларидан, фармон ёки қонунларидан жамоатчилик хабардор бўлиб туриши керак. Мамлакат ҳаёти учун муҳим масалалар муҳокама қилинаётганида ОА воситалари турли томонларнинг нуқта-назарларини ва далилларини жамоатчиликка етказиб берувчи асосий манба бўлишлари зарур.

Баъзи таҳририятлар ўз вазифасини содда, енгил тушунадилар. Мухбирлар бир куни мактаб болаларининг тушлик овқатларига сарф-харажат қисқартирилганига қарши норозиликни, эртасига маҳаллий поликлиникани ёпиб қўйишга қарши намоийшчиларни кўрсатадилар. Аммо биз жабр кўрганларнинг нуқта-назарини берар эканмиз, иккинчи тарафнинг ҳам нима учун шундай бўлгани ҳақидаги фикрларини, уларнинг далил-исботларини ҳам кўрсатишимиз зарур.

## Public journalism — ижтимоий журналистика (публицистика)

Хорижий мамлакатларда репортёрлар, мухбирлар ўртасида ҳам масалани юзаки тушунтирувчи, сафсатабоз журналистикага қарши норозилик кучайиб бормоқда. АҚШда ана шу юзаки журналистикага қарши Public journalism — ижтимоий журналистика (публицистика) оқими пайдо бўлди. (Аслида, ижтимоий ҳаётнинг ўткир муаммоларини кўтарувчи публицистика бир неча аср аввал Англияда ва Францияда пайдо бўлган, Жонатан Свифт ва Даниел Дефо, Диккенс, Теккерей, Бальзак, Шарлотта Бронтелар унинг ёрқин вакиллари дидир). Мазкур оқимни ташкил этувчи журналистлар мамлакат фуқаролари билан биргаликда жамият, халқ тақдирига таъсир қилувчи энг муҳим муаммоларни аниқлаб, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида теран изланишларини баён қилганлар.

Бундай масалалар одатда журналист (публицистлар)нинг айрим шахарлар, туманларга бориб, у жойдаги аҳоли билан учрашувлари вақтида муҳокама қилинади. Газеталар, радио ёки телеканаллар мана шу муҳокама, баҳс-мунозараларга ўз саҳифаларидан майдон беради. Кейинги йилларда АҚШда юзлаб матбуот нашрлари, радио, телестудиялар ташаббуси билан ижтимоий журналистикани ривожлантиришнинг жуда кўп лойиҳалари тақдим этилди.

Журналистлар ўртасида ҳам ижтимоий журналистика билан шуғулланганда, жамият ҳаётидаги у ёки бу масаланинг ҳал қилиниш йўллари излашга мухбир аралашуви керакми ё шарт эмасми, деган турлича қарашлар ҳам бор. Бу фикрлар бизни яна журналистнинг жамиятдаги ўрни ҳақида ўйлантириб қўяди. Бу ҳолда журналист ҳам маърузачи, тарғиботчи ёки сиёсатчи бўлиб қолмайдими, булар билан журналист ўртасида қандай чегара, фарқ бор? Агар журналист ана шулар ролига кирса, унда у кимнинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак?

Журналистиканинг вазифалари ҳақидаги дебатлар — баҳс, мунозаралар ҳали охирига етмаган, ҳануз бу соҳада туғилаётган саволларга тайёр жавоблар йўқ. Бундан қатъи назар, журналистнинг асосий, аниқ вазифаси — энг муҳим воқеа, ҳодисалар ҳақида хабар бериш, халқ-

ни таништиришдир. Матбуот ёки эфирда хабарларнинг жуда катта оқимидан энг муҳимлари эълон қилинади. Шунинг учун, янгиликлар изловчи ҳар бир мухбир, репортёр ўзига бундай савол бериши керак: бу хабар менинг тингловчим ё ўқувчимга нима беради?

## **Журналистнинг вазифалари**

Мустақил ахборот хизматлари жамиятнинг демократик асосларини сақлаш учун (ижтимоий адолатни қарор топтириш учун) зарурдир. Бу жараёнда журналистларнинг хизмати каттадир. Журналистларнинг жамиятда адолатни қарор топтиришга хизмат қилиш ҳаракати узок тарихга эга ва унинг илдизлари Фарб мамлакатларидаги либерал (эркин, инсонпарвар) матубот анъаналарига бориб тақалади.

1975 йилда Матбуот бўйича комиссиянинг таклифи ва Газета нашрлари ассоциацияси, Журналистлар Уюшмаси, Швед радиоси концерни қўллаб-қувватлаши билан Швеция парламенти — Риксдаг «Мамлакат ОА воситаларининг ҳозирги замондаги роли ва вазифалари ҳақида муносабати»ни баён қилди. Мана шу баёнодда демократик жамиятда ОА воситаларининг тўрт муҳим функцияси — вазифалари кўрсатиб берилган.

### **Хабар бериш функцияси**

ОА воситалари ахборотларни бериб туришлари керак, бу мамлакат фуқаролари муҳим ижтимоий масалаларга ўз муносабатини, билдириб туришлари учун зарур. Халқ вакиллари ўз навбатида ОА воситалари ёрдамида фуқароларнинг ёки айрим ташкилотларнинг турли сиёсий масалаларга оид муносабатлари қандайлигидан доимо хабардор бўлиб туришлари зарур.

### **Шарҳлаш функцияси**

ОА воситалари жамиятнинг умумий фикри кўзгуси сифатида ёки мутлақо мустақил ташкилотларнинг манфаатлари ифодачиси сифатида мамлакатда ва жаҳонда юз бераётган воқеаларни шарҳлаб боришлари зарур.

### **Назорат функцияси**

ОА воситалари жамоатчилик манфаатларини кўзлаб, ҳукумат ташкилотларини текшириб ва назорат қилиб туришлари керак.

## **Боғловчилик функцияси**

ОА воситалари мамлакатдаги сиёсий ташкилотлар, ка-саба уюшмалари ва жамоатчилик ташкилотларининг ички ва ўзаро алоқаларига ёрдам беришлари зарур.

Бу айтилганларнинг ҳаммасини мутлақо ҳақиқат деб айтиш қийин. Мисол учун, охириги бандда айтилган қои-да — ОА воситалари турли ташкилотлар ва партиялар-нинг ўзаро ахборот алмашувларига хизмат қилиши тўғри-микин?\* Тўғри, корхона ходимлари учун, партия ва ка-саба уюшмаси аъзолари учун ахборот бериб турувчи мат-буот нашрлари ҳам бор. Аммо бу нашрлар ўз ташкилот-лари, корхоналари раҳбариятига қарам ҳолда бўлиб, эр-кин матбуот нашрлари каби мустақил эмаслар. Ана шу ички нашрнинг вазифалари ҳам мустақил журналистика нашрлари вазифасидан фарқлидир.

Яна баъзилар айтадики, ОА воситаларининг асосий вазифаси ўз эгаларига даромад келтиришдан иборат. Ми-сол учун, коммерция (реклама) телеканаллари биринчи гада реклама берувчи корхона, ташкилотларга иложи борича кўп тингловчи (харидор) йиғиб беришдан иборат, аммо бошқа жиҳатдан, иқтисодий даромад олишга инти-лишни жиддий журналистикага алоқаси йўқ, дегувчилар мутлақ ҳақмикин?

Матбуот, ОА воситаларининг баён қилиш (ахборот бериш), шарҳлаш ва назорат қилиш вазифалари ўзаро зиддиятлашиб ҳам қолади. Бир мухбирнинг ўзи амалда мана шу уччала вазифани бир вақтда бажаролмайди\*. Аммо ҳар ҳолда журналистнинг вазифалари — текши-риш, хабар қилиш, шарҳлаш деб айтиш тўғрироқдир.

## **Текшириш**

Журналистиканинг назоратчилик функцияси шунда-ки, мухбирлар (ҳукумат халқ манфаати учун белгилаб

---

\* Аслида, бу ОА воситаларининг расмий вазифаси бўлмасада, мат-буот, радио, телевидение ахборотлари орқали мана шу ташкилотлар ва партиялар бир-бирининг фаолиятдан хабардор бўлиб туришлари та-бийийдир — тах.

\* Бу фикр бахслидир. Аслида, мухбир, журналист уччала вазифа-ни уддалаши — хабар бериши, шарҳлаши ва назорат қилиши ҳам мумкин — тах.

қўйган яхши ишларни вақтида бажармай ваъдасини бузаётган одамларни, турли фискал-фасод, ифво, қонунбузарликларни фош этиши зарур. Шу маънода журналистика сиёсий тузилмаларга, саноат корчалонларига ва ташкилотларига рақобатчи бўлиб кўринади. Швецияда ОА воситаларини (парламент ва ҳукуматдан кейинги) учинчи ҳокимият деб атайдилар. Бошқа кўпчилик мамлакатларда матбуот — журналистикани тўртинчи ҳокимият дейдилар.

Жамият ва давлат фаолиятидаги қонунбузарликларни, мансабларни суистеъмол қилган одамларни фош этиб туриш демократия фойдасига хизмат қилади (аслида шунинг ўзи мамлакатда демократия борлигини, қонунлар олдида барча фуқаролар ва мансабдорлар тенглигини кўрсатади). Журналистларнинг назорат қилиш, камчиликларни фош қилиш функцияси демократия мавқеини, кучини оширади. Турли можароларни фош этиш мамлакатда вазиятни юмшатади (яъни, халқ ўзига ёмонлик килаётганлар фош этилганини кўрса, эшитса — кўнгли тинчийди, норозилиги камаяди). Баъзи амалдорлар ва сиёсатчилар матбуотда ёки телевидениеда фош этилишидан қўрққани учун кўп ҳолларда суистеъмоллар, махинация-фирибгарликлар, қонунбузарликларнинг олди олинади. Одамларнинг матбуотда, радио ва телевидениеда ноҳақликларни фош этиб чиқишлари, баъзи ҳолларда ўз номини айтмасдан фош этишлари — демократиянинг асосий қуролларидан биридир. Турли можаролар ва фош этишлар кўпчиликда нохуш кайфият уйғотса ҳам, давлат ва жамиятдаги турли ташкилотларнинг фаолиятини мустақил текшириб турувчи матбуот, ОАВ борлиги — жамият ҳаётида демократиянинг асосларини ташкил этади.

Танқидий руҳда қаровчи мухбир кимлардир яшириб қолмоқчи бўлган нарсаларни очишга ва халққа кўрсатишга интилади. У хўжакўрсинга иш қилувчи, баланд-парвозлик билан «ишлар зўр» деяётган одамларнинг гапларини ҳақиқий аҳволга таққослаб кўради. Мисол учун, мактаб директори мухбирнинг болаларга тушлик овқат учун ажратилган маблағларнинг камайтирилиши болаларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатмайдими, деган саволига «Биз ҳозир ҳам болаларга аввалгидай сифатли тушлик таомлар беряпмиз, деб мактанади. Мухбир бу гапга ишонмайди. У (директорга билдирмасдан) ўқувчи-

ларнинг ўзидан, врач физиологдан, ошхона ходимларидан фикр сўрайди. Директорнинг сўзларини инкор этувчи фактларни топади. Бу фактларни текшириб, сабаб ва оқибатларни ўрганиб чиқади.

Аммо фош этувчи материалларни беришда ҳам журналист энг муҳимларини ажрата билиши керак. Газеталарда ва телеэкранларда берилаётган жуда кўп жанжалли ва сенсацион ахборотлар аналитик материалларни, қизиқарли хабарларни сиқиб чиқармоқда. Баъзи журналистлар мансабдорларнинг турли суистеъмоллари ва хатоларини кўрсатишга берилиб кетиб, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида юз бераётган муҳим воқеаларни ёритолмай қолмоқдалар. АҚШ матбуотида Оқ уйдаги можаро, Билл Клинтон билан Моника Левински ўртасидаги ишқий саргузашт ҳаддан зиёд пуфлаб, кўтарилгани оқибатида жамият ҳаётидаги бошқа муҳим воқеалар эътибордан четда қолиб кетди.

### **Баён қилиш шакли**

ОА воситалари фақат камчиликларни, ноҳақликларни фош этиш билан чекланмай, мамлакатда ва дунёда бўлаётган барча муҳим янгиликлар билан халқни таништириб бориши зарур. Мухбир ўз ўқувчилари, тингловчилари, томошабинларига ахборот беради:

— Бугун маҳаллий ҳокимият фалон қарорини қабул қилди...

— Куни кеча маҳаллий сиёсатчилар билан ишбилармонларнинг учрашуви бўлиб ўтди...

— Эрта тонгда фалон кўчадаги фалон уйда ёнғин чикди...

Ахборотчи мухбирлар «Олтин қалам» нишонига ёки тафтишчи Журналистлар Ассоциацияси таъсис этган «Олтин қалам» мукофотига камдан кам сазовор бўладилар, шунга қарамай, ахборотчи мухбирларнинг иши жамият учун жуда муҳимдир. Шуларнинг хабарлари орқали фуқаролар жамиятда, мамлакатда содир бўлаётган янгиликларни билиб борадилар. Аммо парламентда муҳокама, баҳс, мунозара қилинган кўпдан кўп масалалар ҳақида совуқ, расмий хабарлар бериш билан чекланувчи мухбирлар журналистиканинг назорат қилиш функциясини эсдан чиқариб, ўз ишларини жуда жўнлаштириб оладилар. Улар жиддий камчиликларни текшириб, фош этиш

ўрнига, фақат бўлиб ўтган воқеаларни гапириб бериш ва шарҳлашга берилиб кетадилар. (Холбуки, мухбирларнинг фаолиятини серқирра бўлиши унга обрў ва шухрат келтиради).

## Шарҳлаш

Журналистлик касбида воқеа, ходисаларни шарҳлаш муҳим ўрин тутди. Шарҳловчи бирор воқеани ёки фармон, қарорни шарҳлар экан, турли ходисалар ўртасидаги алоқадорликни, буларнинг замирида нималар борлигини очиб беради. Аммо шарҳлаш — журналистнинг шахсий фикри эмас, балки бу воқеа нима учун юз берганлигини тушунтиришга интилишдир. Эресун денгиз бўғозида кўприк қуриш керакми, йўқми, деган масалани журналист ҳал қилмайди, аммо журналист шунча норозиликларга қарамай, нима учун кўприк қурила бошлангани сабабларини халққа тушунтириши керак.

Аммо репортёр воқеаларни таҳлил ва шарҳ қилаётганида шахсий изоҳлари билан воқеа мазмунига путур етказиб қўйиши мумкин. Баъзи шарҳловчилар ҳаётда қандай воқеа **юз берди** ва унинг сабаблари **нимада** эканлигини тушунтириш ўрнига, ҳаётда бу ишлар **қандай бўлиши керак эди**, деган фикрларни тақдим этишдан ўзини тия олмай қоладилар. Бундай вақтда меъёрни сақлашнинг йўлларида бири — муҳокама қилинаётган масаланинг мазмунидан четга чикмасликдир.

## Истиқболни кўриш

Қайси янгилик муҳимроқ? Хабарларнинг жуда катта оқимида фарқ бўлиб кетмаслик учун нима қилиш керак? Кўпчилик журналистлар ўзи учун ва аудиторияси — тингловчилари учун нима муҳимлигини ўзлари аниқлашга уринадилар. Бирор жуғрофий ёки ижтимоий соҳада ишлаётган репортёр ҳар бир янгиликнинг ўзагини ва мавзуини ўзи топиши керак. У янгиликларни, аввал билган баҳолаш усуллари билан чекланмай, кўпчилик учун муҳим воқеа, ходисалар ҳақидаги хабарларни излаб топиши керак.

Маҳаллий (бирор вилоятдаги) воқеаларни ёритувчи мухбир шу вилоят аҳолиси учун муҳим нарсалар нималар эканлигини билиши зарур. Бу ердагилар кўпроқ



нимани муҳокама қиладилар, бу муҳокамалар сўнггида қандай муҳим қарорлар қабул қилиниши мумкин? Вилоят, шаҳар тумандаги йирик корхоналарда иш қандай боряпти? Мактаблар учун ҳокимият ажратган маблағлар етарлими?

Мен сиёсий шарҳловчи бўлиб ишлаётган вақтларимда ҳар йили ҳали парламент иш бошламай туриб, Риксдаг бу йил қандай масалаларни муҳокама қилиши мумкинлигини билишга уринардим. Ечимини топмаган бир қанча масалалар ҳақида ўқиб, мулоҳаза қилиб, бошқалар билан бирга муҳокама қилиб, мавзуларим доирасини белгилаб олар эдим. Бир йили мен давлат бюджетининг дефицитини ўрганиш ва ёритиш билан шуғулландим, иккинчи йили Швециянинг Оврупо Иттифоқига кириши масаласи билан қизиқдим. Аҳолининг иш билан бандлиги (ишсизлар муаммоси), энергия таъминоти, ижтимоий сугурта — ўзим учун энг муҳим мавзулар доираси эди. Буларни аниқлаб олгач, мана шу йирик ва муҳим мавзуларни қандай қилиб қизиқарли ёритиш йўлларини изладим.

Бундай иш услубида — менинг тингловчиларим учун муайян вақт давомида, масалан, яқин ойларда қайси масалалар энг муҳим ҳисобланишини ўйлаб кўрдим, касбдошларимнинг шу ҳақдаги фикрларини сўрадим. Бу соҳада АҚШдаги Public journalism оқими публицистлари анча илгарилаб кетишган. У ердаги йирик нашриётлар, телестудиялар ва радиостанциялар тез-тез аҳоли билан анжуманлар, учрашувлар ташкил этиб турли масалалар ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганганлар.

Хуллас, биз оғир ва мураккаб, зерикарли, лекин аҳоли тақдири учун муҳим мавзуларни танлаб олишимиз мумкин, аммо шу мавзуларни зерикарли қилиб ёритишимиз мумкин эмас. Энг моҳир журналистлар қийин, давлат бюджетидagi дефицит каби зерикарли мавзунини мароқли ва қизиқарли қилиб ёрита оладилар.

## Янгликларни баҳолаш

Журналистни кундалик ишида қийнайдиган нарса жуда кўп янгликлар орасидан зарурларини танлаш ва баҳолашдир (тўғриси, аввал баҳолашиб, сўнг танланади). Баъзи таҳририятларнинг янгликларни нотўғри тан-

лаши танқид қилиб турилиши бежиз эмас. Китобимизнинг биринчи бобида биз ахборотларни қайси жиҳатларига қараб танланиши ҳақида сўз юритган эдик. Энди бу ишнинг мураккаблигини назарда тутиб, янгиликларни танлаш ва баҳолаш мезонларини баён қиламиз. Янгиликлар:

**1. Яқинда содир бўлган, «тандирдан янги узилган» бўлиши керак.** Хабар қанчалик актуал-долзарб бўлса, шунча қизиқарлидир, воқеа бўлганига қанча узоқ вақт ўтган бўлса, қизиқарлилиги шунча камаяди. (Баъзи воқеалар узоқ вақт ўтганидан кейин ҳам қизиқарли бўлиб қолаверади, масалан, «Титаник» кемасининг ҳалокати кейинги асрларда ҳам барчани қизиқтиради — тарж.) Газета номери босилаётган вақтда олинган янгилик барчани қизиқтиради. Шу хабар кейинги сонда чиқса, унчалик қизиғи қолмайди (бошқа газеталар ёки телерадиостудиялар эълон қилган бўлиши мумкин). Шунинг учун бу энди иккинчи даражали янгилик бўлиб қолади.

**2. Аввал маълум бўлмаган.** Воқеа аввалроқ юз берган бўлса ҳам, ҳали кўпчилик, омма билмаса, уни эълон қилиш қизиқарлидир. Шу мезондан келиб чиқиб, узоқ вақтларда содир бўлган воқеалар, ёки уларнинг айрим тафсилотлари кенг жамоатчилик учун янгилик ҳисобланади. (Масалан, Наполеон Ватерлоо жангида енгилиб қолганининг янги тафсилотлари, Марсда ҳаёт бор-йўқлиги ва ҳ.к.)

**3. Аудитория (тингловчи, ўқувчилар) кўнглига яқин мавзулар.** Жуғрофий ёким маънавий жиҳатдан бизга яқин воқеалар узоқда юз берган воқеалардан кўра қизиқарлироқдир. Янгилик юз берган жойдан қанча «узоқлашса», шунча аҳамияти камайиб боради. Масалан, хинд радиотингловчиси учун Болтиқ денгизида пассажирлар пароми фалокатга учраб, юзга яқин одамлар ҳалок бўлгани ҳақидаги хабардан кўра, Калькутта яқинида поезд фалокатида йигирма йўловчи ўлгани ҳақидаги хабар қизиқарли кўринади.

**Фаройиб, фавқулудда ҳодисалар.** Самолётнинг эсон-омон ерга қўнгани янгилик эмас, унинг ҳалокатга учрагани ҳақидаги хабар — янгиликдир. Бир одамни ит тишлаб олгани — янгилик эмас, бир одам итни тишлаб олгани — янгилик бўлади. Баъзи воқеалар, (бахтсиз ҳодисалар) кўнгилсиз бўлса ҳам, барча учун қизиқарлидир.

**«Тўхтов» янгилликлари.** Биз атрофимиздаги оламда доимо ўзгаришлар юз бериб туришига катта эътибор берамиз. Аммо баъзи корхоналар ишида ҳеч қандай ўзгариш йўқлиги, иш тўхтаб қолганлиги — муҳим янгиллик бўлиши мумкин. Масалан, ҳар йили дарё, сой, анҳорларга кўплаб заҳарли оқаваларини чиқарадиган корхонада тозаловчи қурилма ишламай тўхтаб қолганлиги — у тузатилиб ишга тушгунича — муҳим янгиллик бўлиб тураверади. Комиссия ишининг якунлари, хулосалари бўйича ҳеч иш қилинмаганлиги ҳам — эълон қилишга арзийдиган ахборотдир.

**Ноёб одамлар ҳақида.** Зерикарли, оддий одам ҳақидаги хабар қизиқарли эмас, ғалати, нодир хислатли одамлар ҳақидаги хабарлар қизиқарлидир. Машҳур кишилар ҳаёти кўпчилик учун қизиқарли. Аммо мухбир машҳур одам ҳаётидаги майда-чуйдаларни ёзавермасдан, ҳеч ким билмаган, ғалати одамларни излаб топгани яхшидир. Янги-янги қаҳрамонларингизни излаб топинг!

**Қизиқарли янгилликлар.** Янги хабар ўқувчи, тингловчиларда қизиқиш уйғотиши керак. Анча вақт давом этган воқеа ҳақида гапирилганда янги-янги тафсилотлар бирин-кетин очилиб, охири нима бўлар экан, деб қизиқиб турсалар, мухбирнинг маҳорати кўринади. Охири маълум вақтгача номаълум бўлиб турган сюжетли янгиллик журналистлар тилида cliff — hanger\* деб аталади.

**Мухбир (тахририят)нинг «ўз» янгиллиги.** Ҳар бир мухбир, тахририят ўзи излаб топган янгилликни бошқаларнинг янгилликларидан афзал кўради. Кўпчилик мухбирлар фалон ахборот фақат менда бор (бизда бор) деб, ғурурланиб юриши ҳам табиий ҳол. Кўпчилик тахририятлар теле, радио — эфирга ёки газета саҳифасига фақат ўзлари топган янгилликларни бериб борадилар ва бошқалардан олинган янги хабарларга ўрин етмай, қолади. (Бу масалада ҳам меъёрни билиш, адолатли иш тутиш керак.) Акс ҳолда, бошқалар топиб келган кўпгина янгилликлар ҳақида фақат воқеа бўлган жойдаги озгина одамлар билиб, кенг жамоатчилик улардан беҳабар қолишлари мумкин.

---

\* Cliff hanger — аудиторияни (тингловчи, томошабинларни) доимий қизиқтириб турувчи радио ёки телесериал — В. М.

Мухим янгиликлар. Янгиликларни танлашда мухбир фақат хиссиётларига суяниш билан чекланмай, уларни ақл тарозусида ўлчаб кўриши зарур. Журналистлар демократик жамият олдидаги бурчларини, вазифаларини яхши бажариш учун кўпчилик одамлар ҳақида, уларнинг яшаш шароитлари ҳақида, мамлакатда ва дунёда юз бераётган воқеалар ҳақида янги ахборот ва шарҳларни доимий бериб туришлари зарур.

### «Лаққа балиқ кўлга тушди...»

Янгиликларнинг муҳимлиги ҳақидаги мухбир ёки таҳририятнинг баҳоси тингловчилар, ўқувчилар баҳоси билан мувофиқ келса, яхши самара беради. Ўзларига қизиқ туйилган, лекин кўпчилик тингловчи, ўқувчиларни қизиқтирмайдиган янгиликларни берувчи таҳририятлар обрў, ҳурмат қозонолмайди. Худди мана шу ҳолат ҳозирги вақтда янгиликларни баҳолаш мезонларини қайта кўриб чиқишга монёлик қилади. Ким ҳам ўз тингловчиси, ўқувчисининг назаридан қолишни истайди?

Тасаввур қилайлик, ахборотлар оқими дарё бўлса, янги хабарлар ундаги катта ва кичик балиқлардир. Биз, мухбирлар биринчи навбатда халқ яхши кўрадиган, севиб истеъмол қиладиган балиқларни тутишга ҳаракат қилишимиз керак. Тингловчиларимиз, ўқувчиларимизга ёқмайдиган балиқлар «ташлаб юборилади», яъни, уларга эътибор бермайдилар. Модомики, бизнинг тингловчиларимиз, ўқувчиларимиз лаққа балиқни яхши кўрар экан, биз ўшандай балиқларни тутишга тўр ва қармоқларимизни мослаштиришимиз зарур.

Менинг аниқлашимга кўра, тингловчилар ва ўқувчилар оммаси ўзлари кутаётган янгиликлар берилишини истайдилар. (Кенг халқ оммаси иқтисодий тикланишни, моддий фаровонлик бошланиши, нарх-наво пасайишини ёки яна кўтарилмаслигини, солиқлар камайиб, нафақалар ва маошлар кўпайишини, яхши, ажойиб асарлар нашр этилишини, ишсизлик камайиб, иш ўринлари кўпайишини, табиат мусаффолиги сақланишини ва ҳоказолар ҳақидаги янгиликларни кутади). Акс ҳолда, кенг жамоатчилик газета, радио, телевидение бераётган янгиликлар дастурини ўқимай, эшитмай, кўрмай қўяди. Францияда чиқадиган «Le Provensal» кундалик газетасининг мазмунини ўрганиб чиққан олимлар аниқлашича, ахбо-

рот материалларининг 80% и газета ўқувчилари кутган янгиликлар бўлиб чиққан. Тингловчилар, ўқувчилар қизиқишига кўра, авиация ҳалокати ҳақидаги хабар узок сақланмай, тезроқ эълон қилиниши керак. Вазирлар маҳкамасининг истеъфога чиқиши газетанинг биринчи саҳифасида берилиши керак. Корхона йирик буюртма олгани, заводга янги бош директор тайинлангани ҳақида мақола берса арзийди. Мана шу каби, ёзилмаган қоидаларга амал қилмайдиган газеталар, теле ёки радиостудиялар кенг жамоатчилик олдида ҳурматини йўқотадилар.

Шу билан бирга, изланувчан, нигоҳи ўткир журналист ахборот дарёлари ва денгизларидан лаққа балиқдан ташқари яна ажойиб-ғаройиб жониворларни ҳам топиб, ўқувчиларни, тингловчиларини ҳайрон қолдириши мумкин. Биз, журналистларнинг ишимизда энг муҳими — оддий, кундалик ҳаётда ҳам кўпчилик кўрмай қолган ажойиботларни, янгиликларни кўра билишимиз керак.

Кенг жамоатчилик кутаётган хабарларни топиб ёриши ҳақидаги бу мулоҳазаларимиз баъзиларга номақбул кўриниши мумкин. Бундай одамлар бизга «халқнинг орқасидан юриш, эргашиш» яхши эмас, деб эътироз билдиришлари мумкин. Улар янглишадилар! Чунки 80% янгиликлар — халқнинг кутгани бўлса, қолган 20% янгиликларда биз ҳеч ким кутмаган, ажойиб-ғаройиб янгиликларни беришимиз мумкин. Биз, мухбирлар халқ яхши кўрган балиқларни тутишни ўрганиб олганимиздан кейин, ҳаёт дарёсининг гирдоблари ва камарларидан спорт, мусобақа, танлов учун керак бўлган балиқларнинг ғаройиб турларини ҳам овлайверамиз.

### 3. Режали ишланг!

Каерда, қандай вокеа рўй берганини билиб, уларни ёритадиган мухбир, репортёрлар бўлмаса, ахборотларни тўплашни ташкил этувчи тахририятлар бўлмаса, янгиликлар ҳеч қачон дунё юзини кўрмас эди.

Журналистикада кўпинча янгиликлар ҳақидаги хабарларни элакдан ўтказиб, танлаш ҳақида гап боради. Америка мухбирлари буни «хар кимнинг ўз beat — даласи бор, ўша далада унган нарсаларни теради», дейдилар. Полициячилар ҳам худди шундай, ҳар бири ўз худуди (участкаси)ни назорат қилиб туради. Yo cover a beat — ўз майдонини назорат қилиш демақдир.

#### Полиция билан алоқа

Yo cover a beat — бошқача айтсак, режали ишлашдир. Бу ишнинг оддий кўриниши — ҳар куни мухбир полиция идорасига телефон қилиб, «Нима янгиликлар бор?» — деб сўраб туришидир. Швеция тахририятларида бу юмушни одатда ёш мухбирларга юклайдилар. Аслида тажрибали журналистгина қизиқ янгиликларни сўраб-суриштира олади. Мен бир неча йиллар давомида шахсий тажрибамда қизиқарли янгилик топишнинг қийинлигини билганман.

Ёш мухбирлик чоғларимда мен ҳам ҳар куни полиция маҳкамасига сим қоқиб, навбатчи патруллардан нима янгиликлар бор? — деб сўрар эдим.

Ҳар куни полициячилардан олган маълумотларимни ён дафтаримга ёзиб, шулар орасидан қаерда ўғрилик, бахтсиз вокеа ёки ёнғин юз бергани ҳақида қисқа ахборотларни тайёрлар эдим. Полициячилар ҳам маҳаллий ОАВ ходимлари ҳар куни нималарни сўрашига қараб, мухбирларни нималар қизиқтиришини яхши билиб олган эдилар.

Аммо ҳар куни бир хил иш билан шуғулланаверсангиз ҳушёрликни йўқотиб, қизиқарли янгиликка эътибор бермай қўйишингиз мумкин. Берилиб, завқ-шавқ билан ишлайдиган журналистлар эса, ҳамма нарсаларни сўраб, суриштириб, охири қизиқ хабарни излаб топиб олади-

лар. Завқли мухбирлар ҳар куни полициячилар билан савол-жавоб қилишдан эринмайдилар. Агар журналист доимо бир хил тартиб қоидага кўр-кўрона амал қилаверса, қизиқ ва муҳим воқеаларга ҳам эътиборсиз қараб, ёзмасдан доғда қолиши мумкин. Мен ҳам ажойиб бир воқеани ёзмай, доғда қолганман.

Бир куни одатдагидек, полиция маҳкамасига кўнги-роқ қилиб гаплашаётганимда, Нортэллдаги навбатчи шаҳарча четидаги учиш майдонига бир гуруҳ миршаблар, ўт ўчирувчи ва «тез ёрдам» машиналари билан етиб боришганини айтди. У айтишича, кичик бир спорт аэроплани ҳавода эканлигида шасси — кўниш филдираклари ишдан чиқиб, кўнолмай қолибди.

— Охири нима билан тугади? — деб сўрадим полициячидан.

Айтишича, учувчи бир амаллаб аэропланни кўндирибди. Аэроплан ҳавода айланар экан, йўловчилардан бири шток — узун темир таёқ билан шассини туширишга муваффақ бўлибди. Полиция, тез ёрдам, ўт ўчириш машиналари қайтиб кетишибди.

— Қотиллик ёки жиноятлар ҳақида янгилик йўқми? — деб сўрадим одатдагидек.

Йўқ, ўша куни Нортэллда қотиллик ҳам, ўғрилик ҳам юз бермабди. Бугун ҳеч қандай қизиқ воқеа йўқ экан, деб, уйга қайтиб кетавердим. Лекин, йирик кундалик газета «Дагенс Нюхетер» мухбири бу воқеага қизиқиб, учиш майдонига тез бориб, ажойиб репортаж ёзиб чикарди.

Ҳар куни полиция маҳкамасидан сўраб-суриштириб, янгиликларни олиш ахборотлар оқимининг асосий ирмоқларини ташкил этади. Бу манбани ирмоқ, жилға эмас, балки туби чуқур дарёга ўхшатиш мумкин.

## **Ахборот майдонини чегариб олиш**

Маҳаллий газета ходими ёки халқаро мавзуда ишловчи мухбир ўзи хабар оладиган жойларнинг жуғрофий ҳудудларини чегариб, аниқлаб олгани яхши. Унинг майдони — бир шаҳарми ёки муниципал округми (туманми), мамлакатми, ҳатто қитъами? Чегараларнинг қандай аниқланиши ҳар бир тахририятнинг қайси йўналишда, қай мазмунда чиқишига, сиёсат майдонига ҳам боғлиқ. Радио, телевидение, газета ўқувчилари, эҳтимолий реклама берувчилари қаерда яшайди, шунга ҳам боғлиқ. Аммо мухбирларнинг ўзи ҳам янгиликларнинг майдони-

ни чегаралаб, аниқлаб олиши муҳимдир. Хорижий журналистлар бир-бирининг майдонига ўтмасликка ҳаракат қиладилар, агар бировнинг ҳудудига ўтиб қолсалар, ўртада низо чиқиши мумкин. Ҳатто, бутунлай бир қитъа (Осиё, Африка, Европа ва ҳ.к.) янгиликларини ёритувчи мухбир ҳам ўз газетаси таҳририятидан ўша қитъага бирор репортёр келиб қолса, уни ўзи учун хавфли деб ҳисоблайди.

Журналист яна ўз мавзулари доирасини ҳам чегаралаб олгани яхши. Ҳар бир таҳририятда ходимлар ўз мавзуларига ёки қизиқишларига қараб ишлайдилар.

## Манбаларни топиш

Журналист ўзининг жуғрофий ҳудудларини ва мавзулар доирасини аниқлаб олгач, мана шу майдонларда қандай ахборот манбалари борлигини билиб олиши керак. Бу ерда жамият учун қизиқарли оғзаки ва ёзма ахборот манбалари ҳақида гап боради.

Ҳар бир газета, теле ёки радиостанция муҳаррири ўзи ишлаётган шаҳар, вилоят (ёки мамлакатда) кимлардан ишончли маълумотлар олиш мумкинлигини аниқлаб, билиб олиши керак. Полиция маҳкамаси, ўт ўчириш командаси, кўпчилик ташкилотлар ва муассасалар ахборот манбаларидир. Масалан, шаҳар ҳокимияти мажлиси, турли комитетлар (комиссиялар)нинг йиғилишлари қачон ва қаерда ўтади, уларда қандай масалалар муҳокама этилади, қандай қарор қабул қилинди ва унинг сабабларини кимлар айтиб бера олади? Турли корхоналар, ташкилотлар ва уюшмаларда, суд, прокуратура идораларида, мактаблар, шифохоналар, болалар боғчаларида кимлардан янгиликларни сўраб олиш мумкин? Мухбирда шу саволларга жавоб бера оладиган одамларнинг рўйхати, манзиллари, телефон рақамлари бўлиши керак. Янгилик олиш мумкин бўлган манбаларни яхши билган, улар билан яхши алоқа ўрнатган мухбир муваффақиятли ишлай олади.

## Ёзма манбалар

Швецияда ОАВ мухбирларининг (баъзи истиснолардан ташқари) исталган жойдан ахборот олиш ҳуқуқи давлат Конституциясида кафолатланган. Мамлакатнинг Асосий Қонунида ахборот олиш-бериш эркинлиги, ман-



банинг номи (исталса) айтилмаслиги, фуқароларнинг расмий ҳужжатлар билан танишув эркинлиги (ошкоралик) ҳақидаги моддалар таҳририятлар учун доимо ахборотлар оқиб келишини таъминлайди. Швециядаги ҳукумат ва муниципал (хокимият) идораларининг барчасидаги ёзма (кирувчи ва чикувчи) ҳужжатлар (хатлар, ҳисоботлар, баённомалар ва ҳ.к.лар) кенг жамоатчилик вакиллари учун очиқлиги ОАВ фаолиятининг асосий иш тамойилини белгилайди. Фақат журналистгина эмас, балки истаган фуқаро ўз номини ва нима учун қизиқаётганини айтмасдан ҳар қандай ташкилотга кириб, рўйхатдан ўтказилган хатлар ёки бошқа ҳужжатларни кўриш ҳуқуқига эгадир. Швецияда ошкоралик тамойили 1976 йилда Матбуот эркинлиги ҳақида Қонун билан мустаҳкамланган. Швециядаги бу Қонун нодир бўлиб, бошқа кўпчилик мамлакатларда учрамайди.

***Эркин фикр алмашув ва ҳар томонлама ахборот алмашуви мақсадида ҳар бир фуқаро расмий ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқига эгадир.***

Матбуот эркинлиги ҳақида Қонун, 2-боб, 1-банд.

Ошкоралик тамойили ҳар бир шахс учун, жамоатчилик учун очиқ ҳисобланган ҳужжатлар билан танишувга имкон беради. Яширинлик ҳақида Қонунда кўзда тутилмаган, ҳар бир идора, муассасага юқоридан топширилган ёки ўша жойда тузилган ҳужжатлар билан таниша олади.

Аммо, Қонунда ёзилгани билан, журналистлар ёки бошқа фуқаролар ўзлари қизиққан ҳужжатларни идоралар, ташкилотлардан сўраб олишлари осон иш эмас. Швецияда бошқа жойларга нисбатан ошкоралик кенг йўлга қўйилган. Шунга қарамай, мухбир сўраган ҳужжатни бермаслик учун идоралар ва ташкилотлар турли баҳоналарни топадилар.

Мухбир ўзига керакли ҳужжатни идора, корхона ё ташкилотнинг девонхона (канцелярия) дафтаридаги рўйхат рақамларидан топади, ёки (кўп ҳолларда) «Фалончи сизларга фалон вақтда топширган ариза (ёки шикоят хати)нинг оқибати нима бўлганини айтиб бероласизми» деб сўраш орқали билиб олади.

Швецияда мансабдорлар мухбир ёки арзгўй фуқаро сўраган ҳар қандай ошқора ҳужжатни «шу заҳоти» ёки «қисқа муддатда» топиб беришга мажбур. (Фақат баъзи

махфий хужжатлардан ташқари.) Матбуот эркинлиги ва Сўз эркинлиги ҳақида Қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи Адлия вазирлиги канцлери мухбир ёки фуқаро сўраган бирор хужжатни топиб беришни пайсалга солган, бу масалада одамларни оворай сарсон қилган мансабдорларни аяб ўтирмайди. Қонун-қоидага кўра, сўралган хужжат бир неча дақиқада топиб берилиши керак.\* Лекин амалда гоҳо бу иш бир кунга ёки бир неча кунга чўзилади.

## Оғзаки манбалар

Журналист ишида кўпинча оғзаки манбаларни топиш осонроқ ва муҳимроқдир. Халққа тушунарли қилиб айтиладиган янгилик ёки воқеа хали ёзма хужжат шаклига тушмаган бўлиши мумкин. Мухбир доимо бирор воқеани ёки янги хужжатнинг мазмунини тушунтириб берадиган одамларни излайди ва топади. Ҳар бир идора, корхона ёки ташкилот, муассасада мухбир учун янги хабарларни айта олувчи одамлар топилади. Баъзи мансабдорлар, хизматчилар мухбирга янгиликни айтиб беришни ўзларининг хизмат бурчи деб биладилар, бошқалари Сўз эркинлиги ва Матбуот эркинлиги ҳақидаги Қонунларга асосланиб ахборот берадилар. Баъзи ахборот берувчилар ўзларининг номлари айтилмаслигини истайдилар. Мен кўп йиллик иш тажрибамда кўрдимки, муҳим янгиликларни билган кўпчилик одамлар ўзи билган, ишонган мухбирга айтиб беришни хуш кўрадилар.

Бошловчи журналистнинг биринчи қиладиган иши — ўз ҳудудидаги корхоналар, идоралар, ташкилотларда янги хабарларни айтиб бера оладиган бошлиқлар ёки хизматчиларнинг исми-шарифини, манзиллари, телефон рақамларини ёзиб олишдан иборат, токи зарур бўлиб қолганида улардан тез ахборот олиш мумкин бўлсин. Сал кейинроқ, мухбир ўз ихтиёри билан янгиликларни айтиб берувчи одамлардан иборат ахборот тармоғини тузиб олиши мумкин. Баъзилар янгиликларни самимий, беминнат айтиб берадилар. Баъзи ходимлар (ёки ишчилар) ўз корхонасида, идорасида юз бераётган ноҳақликларни мухбир ёзиб чиқишини, аммо ўз номи айтилмаслигини истайди. Агар бошлиқ мухбирга ким айтганини билиб қолса, иш чатоқлашади. Бирор корхонада бўлаётган низолар ва жанжалларни ходим мухбирга айтиб беради, аммо унинг номи матбуотда берилса, ишдан ажраб қолиши мумкин. Шунинг учун ахборот манбалари — хабар бе-

\* Матбуот эркинлиги ҳақидаги Қонун, 2-боб, 12-банд.

рувчиларнинг кўпчилиги номи яширин қолишини истайдилар.

Оддий ишчи, шифохонада ҳамшира ёки энага, дўконда сотувчи, шунингдек, баъзи мансабдорлар, дипломатлар ёки сиёсатчилар ўз иш жойларида юз бераётган воқеаларнинг матбуотда ёритилишини хоҳлайдилар, аммо номларини яширишни афзал кўрадилар. Ахборот бериш эркинлиги ва манбанинг номини айтмаслик ҳуқуқи — демократияни сақлашнинг асосий ҳимоя воситаларидир. Бу соҳада кўп йиллар ишлаш давомида мен мухбирнинг манбалар билан ишлашининг қуйидаги қоидаларини ишлаб чиқдим:

***Иложи борича, манбани ошкора айтишга интилиш.***

***Ахборот бериш шартларини манба билан яхшилаб келишиб олиш зарур.***

***Манбаларни ҳеч қачон ошкор қилмаслик (Манба шунга итаса).***

***Ахборот манбаларига танқидий ёндошиш.***

***Манбалар кўнглида ўзингизга нисбатан ишонч уйғотиш ва шу ишончни оқлаш керак.***

## **On the record (Матбуот учун)**

Соғлом маънавий муҳитда яшаётган, ишлаётган корхонада, идорада, сиёсий партия ёки ташкилотда ошкоралик ҳукм суради. Ошкоралик — эркин фикр алмашувининг асосий шарти, ўзагидир.

***Швециянинг ҳар бир фуқароси бирор ёзувчига ёки бошқа муаллифга, шунингдек, ноширларга, таҳририятларга, ахборот агентликларига, фильмлар ишлаб чиқарувчи ёки овоз ёзиб олувчи фирмаларга, радиодастурларда, фильмларда, овоз ёзиб олишда фойдаланиш учун ҳар қандай соҳага оид ахборотларни ошкора қилиш ҳуқуқига эга. У, шунингдек, ҳар қандай соҳада маълумотлар йиғиш, уларни матбуотга ёки бошқа ошкоралик воситаларига бериш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқларни шу Қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, ҳеч қандай асосда чеклаш мумкин эмас.***

Сўз эркинлиги ҳақида Қонун, 1-боб, 2-банд.

Ахборот йиғиш ва уни матбуотга беришнинг асосий шартларидан бири — журналистга ахборот берувчи шахс ўз номини (мухбирга) айтиши, ўз фикрини ҳаммасини ёки исталган қисмини *On the record* — матбуотга бериш мумкинлигини кўрсатиши керак. У мухбирга ахборот беришдан аввал, суҳбат ошкора бўлишини айтиб қўйиши, буни қоғозда (протоколда) қайд этиши керак.

Муаллифнинг фикрларидан парча келтирганда, мухбир албатта қўштирноқ ишлатиб, ажратиб кўрсатиши керак. Афсуски, Швеция оммавий ахборот воситаларида кўпинча мухбир билан муаллиф сўзлари аралашиб кетади, суҳбатдош сўзларига эътиборсиз қаралиб, муаллиф сўзларини мухбир хулосалаб айтиб юборади. Мухбир муаллиф сўзларини баён қилаётганида, қўштирноқ берилмайди. Аслида муаллифларнинг узун нутқларини умумлаштириб, ихчамлаш мумкин, лекин шунда ҳам мухбир билан муаллифнинг сўзлари аниқ ажралиб туриши керак.

## Келишиб ишлаш

Ахборот олишнинг асосий тамойили — ошкора сўз айтишдир, аммо баъзи ҳолларда манба, муаллиф номи яширин қолишни истайди. Бундай вақтда мухбир ўз манбаининг яширинлигини таъминлаши, уни ҳимоя қилиши керак. Швецияда ахборот берувчи таҳририят томонидан олий даражада ҳимоя қилинишини яхши билади. Бу демократиянинг асосий шarti бўлиб, бундай ҳолат фуқароларга баъзи корхона, ташкилотлар ёки ҳукумат йўл қўйган камчиликлар, ноҳақликларни ошкора танқид қилишга имкон беради.

Швецияда ахборот бериш эркинлиги ва манба номини яширин кафолатлари шунга имкон берадики, журналистлар юз бераётган воқеаларга чуқурроқ кириб борадилар ва турли далилларга йўл топадилар. Элчихона — дипломатия оламида жуда яхши ишланган ва пухта ўйланган «ўйин қоидалари» бор. Дипломат ёки ташқи ишлар вазирлиги ходими мухбирга бирор муҳим воқеа, ҳодиса ҳақида ахборот беришни истайди. Лекин ўз номини ошкора этилмаслигини ва унинг сўзларидан цитата олинмаслигини илтимос қилади.

Масалан, швед журналисти шафқатсиз диктатура авж

олган учинчи дунё мамлакатига борди, дейлик. Швеция элчиси билан суҳбатда мухбир бу мамлакатда телба бир диктатор ҳукмронлик қилаётганлигини эшитади. Элчи мухбирга мамлакат қамоқхоналарида азоб чекаётган кўпгина сиёсий маҳбуслар ҳақида муфассал ҳужжатларни келтиради, Швеция мамлакати бу жафокаш маҳбусларга ёрдам бериши имкониятларини ҳам айтади. Шундай қилиб, дипломат мухбирга мамлакатдаги ҳақиқий аҳволни кўрсатади. Бундай маълумотларни мухбир расмий доиралардан ва уларнинг тарғиботчиларидан олиши жуда қийин ва ҳатто мумкин эмас эди. Мана шундай вазиятда мухбир дипломатдан газета, теле ёки радиодастурда ошкора чиқишини талаб қилиши мумкин эмас. Мухбир бу ҳақда материал тайёрлар экан, дипломат билан келишиб олган ҳолда, бу маълумотлардан ёрдамчи далиллар сифатида фойдаланади.

Мамлакат миқёсидаги сиёсий доираларда ҳам шундай вазият юз бериши мумкин. Мисол учун шаҳар ҳокимиятида йирик партиянинг вакили бўлган бир делегат шаҳар мэри ҳақида ўз фикрини матбуот учун очиқ айта олмайди. Олайлик, овчилар жамиятининг аъзоси бу ташкилотда илдиз отган махинациялар ва порахўрликларни ошкора фош этишга журъат қила олмайди. Лекин бу иккала вакил ҳам ўзлари ишонган мухбирга ҳақиқий аҳволни гапириб беришни истайдилар. Ёки бошқа бир мисол. Ҳукумат мажлисида мамлакатдаги ишсизлик ва ишсизларни нафақа билан таъминлаш учун маблағ ажратиш ёки бошқа бирор нозикроқ масала муҳокама қилиниб, қаттиқ баҳс-мунозаралар бораётган бўлсин. Расмий равишда мамлакат ҳукумати аъзолари шу мажлисда қабул қилинган қарор учун коллектив равишда масъулиятни ўз зиммаларига олади. Министрлар муҳокама, мунозара вақтидаги фикрлар хилма-хиллигига қарамай, қабул қилинган қарорни яқдиллик билан маъқуллашлари керак бўлади. Лекин қарор қабул қилинганча мажлис залида, ёпиқ эшик ортида нималар юз бераётганини, кимлар тарафдор, кимлар қарши чиққанини ва бу одамлар ўз фикрларини қандай асослаганларини мухбир билмайди. Аммо кенг жамоатчилик буни билишни истайди. Лекин ҳеч бир вазир ичкарида юз берган фикр олишувлари ҳақида очиқ гапириб беришга журъат этмайди.

Ахборот олишнинг ягона усули — хабардор одамлар билан суҳбатлар ўтказишдир. Йиғилиш тафсилотлари-

дан бохабар ёинки унда шахсан иштирок этган киши ишончли мухбирга бўлиб ўтган ходисани ипидан игнаси-гача айтиб беради. Репортёр олган ахборотидан фойда-ланиб, эхтимол, айрим сўзларни цитата сифатида келти-риши ҳам мумкин. Бунда у шу сўзларни айнан ким айтганини изоҳламайди.

## • Off the record (Матбуот учун эмас)

Кимдир шундай дейиши ҳам мумкин: юқорида келти-рилган мисолларда сиёсатдон ёки дипломат мухбир би-лан Off the record — «матбуот учун эмас» шартига кўра гаплашишган эди. АҚШда кўп тарқалган бу ибора Шве-цияда деярли қўлланилмайди. Америка журналистикаси-да «Матбуот учун эмас» ёхуд «Баённомадан ташқари» тушунчаси расмий тарзда мустаҳкамланган ва — аниқ белгилаб қўйилган.

НАТО штаб-квартираси «Мансабдор шахсларнинг ОАВ ходимлари билан мулоқотига доир асосий қоида-лар»нинг расмий изоҳини ишлаб чиққан. Мазкур иккала тараф қабул қилган қоидалар мухбирлар олган ахboro-тидан фойдаланишларини тартибга солади.

On the record (матбуот учун) — шахс айтган ҳамма гаплар сўзма-сўз цитата қилиб олинishi мумкин. Бунда унинг исм-шарифи ёки эгаллаб турган лавозими бевосита кўрсатилади, нотик ё мансабдор шахс билвосита кўрса-тиб ўтилади. Мухбирлар билан суҳбатнинг худди шу тури офицерлар ва командирлар учун тавсия этилади.

Background (фон) — манбани аниқлаштирмай ҳам фойдаланиш мумкин бўлган ахборот. Келишув шартлари турлича бўлиши мумкин. Суҳбатдош мухбирдан ўз исми, мансаби ва ташкилот мақолада ёзилмаслигини талаб этиш-га ҳақлидир. Шунингдек, репортёр ахборотни ўзи ўтказ-ган текширув махсули сифатида аудиторияга тақдим эти-ши мумкин.

Off the record (матбуот учун эмас) — журналистик мақолаларда эълон қилинмайдиган маълумотлар. Ахбо-рот репортёрга маълумотлар билан шахсан танишиб чи-қиши ва баҳолаши учун тақдим этилади. Тушунмовчи-ликлар бўлмаслиги мақсадида НАТО штаб-квартираси мухбирлар билан мулоқот юритишнинг бундай усулидан фойдаланмасликни мансабдор шахсларга тавсия этади. Фавқулудда ёки ғайриоддий вазиятлар бундан мустасно-дир. Шунда ҳам ОАВ билан алоқа учун масъул юқорида

турган офицер билан маслаҳатлашилгандан кейингина шу усулни қўллаши жоиз бўлади. Швецияда ва қолаверса, бошқа кўп мамлакатларда ҳам мухбирлар, ҳам ахборот берувчилар орасида ана шу атамаларни тушунтириш борасида чалкашлик ҳукм суради. Аксарият «баённомадан ташқари»ни «фон» билан аралаштириб юборадилар. Репортёр ўзининг мансаби унга ахборотни ўз исми-шарифи ва лавозимини кўрсатмай туриб эълон қилиш учун бераётганига ишончи комил. Аммо репортёр манбанинг сўзлари цитата қилиб келтирилиши мумкинми, йўқлигини ҳамда манба оммага қандай таништирилишини аниқламайди. Бошқалар эса НАТО фикрлари тарафдоридир. Бундай мухбирлар учун «матбуот учун эмас» ибораси корреспондентга ахборот уни эълон қилмасликка, балки ўзи учун сақлаб қўйишга ваъда берганидан сўнггина мухбирга тақдим этишини англатади.

Мен НАТО штаб-квартирасининг мансабдор шахслари билан ОАВ вакиллари мулоқотининг бундай шаклига нисбатан ишонмаслигига қўшиламан. Камина фикрича, ишга тадбиқ этмаслик шарти билан маълумотлар олиш ҳақида ўз манбаи билан мутлақо келишмаслик зарур. Агар мухбир ахборотдан фойдалана олмас экан, у холда ахборотнинг унга нима кераги бор? Репортёр маълумотларни бошқаларга бериш учун йиғади. У доимо кимдандир олган маълумотларини ишлатиши зарур. Бу ерда мухбир меҳнатини солиқ йиғувчи ишига қиёслаш ўринли. Тасаввур қилинг-а, солиқ йиғувчи пулларни ола туриб, бир неча йирик пулни чўнтагига солаяпти. У эса бу пуллар ўзиники эмаслигини, балки жамиятга тегишли эканлигини билади. Мухбир ҳар хил манбалардан оладиган ахборот ҳам худди шундай якка ўзига эмас, балки муштарийлар, томошабинлар ёки тингловчиларга ҳам тегишлидир.

Бунинг яна бир бошқа муҳим жиҳати бор. Агар репортёр бирдан худди ўша ахборотни ўзга, анча ошқора манбадан олса-чи, унда нима қилиш керак? Репортёр аввал берган ваъдасига ҳануз боғланиб қолганми ёки маълумотларни ошқор этиши мумкинми? Гоҳ-гоҳ вазиятни ҳал этиб ҳам бўлмайди. «Матбуот учун эмас» суҳбати услубини кўпинча «мухбирга воқеанинг жирканч тарафи ҳақида тасаввурга эга бўлиш фойдами», деб ҳимоя қилишади. Ҳолбуки, бундай иш услубида шундай тузоқлар яширинганки, булар мухбирга мутлақо тўғри келмайдиган алоқаларга олиб келиши мумкин.

## Фон

Таърифлашдаги чигалликлар шунга олиб борадики, суҳбат «матбуот учун эмас» мавзусида ўтказилажаги ҳақида шартлашиб олиб, на репортёр, на унинг ҳамсуҳбати бу охир оқибат нимани англатишини мутлақо билмай қоладилар. Шундай вазият иккала томон учун ҳам хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, мен «Off the record» каби мужмал тушунчани қўлламаслигингизни маслаҳат берган бўлардим.

Суҳбат шартларини репортёр билан манба мулоқотдан илгарийёқ аниқ ифодалаб, муҳокама этишлари лозим. Токи томонлар суҳбат шартларини ўзгартириш ҳақида бир қарорда тўхтайдиган дақиқага қадар бош воя «матбуот учун» шакли бўлмоғи зарур. Албатта-да, мана шу ўзига хос ёзилмаган келишув мухбирни белгиланган шартларга риоя қилишга мажбур этади. Агар репортёр манба билан уни ўз мақоласида қандай кўрсатишини келишиб олса, бу ҳам яхши.

Иккала тараф манбанинг сир сақланиши ҳақида келишиб олгунга қадар айтган ҳамма гапларни цитата сифатида келтириш мумкин. Респондентнинг шахси ҳамда эгаллаб турган амалини ошкор этмаслик талаби суҳбат тугагандан сўнг иккала тарафга қўйилиши мумкин эмас. Мухбир билан суҳбатлашаётган амалдор тўсатдан ўз сўзларидан қайтганини маълум қилиши ёки мухбирдан суҳбат сўнгида ўз махфийлигини ҳимояланишини талаб этиши мумкин эмас. Бироқ интервью бериб ўрганмаган одамлар атамалар ёки шартларнинг нозик жиҳатларини билишмайди. Шунинг учун репортёр уларга мавжуд қоидалар ҳақида аниқ ахборотни тақдим қилиши лозим. Амалиётда шундай ҳоллар ҳам бўладики, анча-мунча тажрибали манба «матбуот учун» суҳбат пайтида ўз махфийлигини ҳимоялашни яққол равишда талаб этган ахборотни айтиб қўйиши ҳам мумкин. Бундай пайтда манбанинг ҳамма айтганлари эълон қилиниши мумкин, лекин ўз ахборотчисини сақлаб қолишдан манфаатдор репортёр суҳбатни бошидан охирига қадар «фон сифатида» баҳолашига тўғри келади.

Умуман олганда, мухбир ташаббусни ўз қўлига олиши, яъни, суҳбатдошни суҳбатлашиш қоидалари-ю шакллари орасида алдамаслиги лозим. Одатда бу ўзини бир мунча қатъиятсиз ҳис этган одамларни тинчлантиради. Шахсан ўзим суҳбатдан аввал аъло савияли манбалар



билан биз мулоқотнинг бошқа кўринишига ўтишга қарор қилганимизга қадар суҳбатимиз «фон учун» ўтказилиши ҳақида келишиб олганман. Мен «фонни» шундай таърифлайман:

**«Фон» учун суҳбат шуни англатадики, репортёр манба учун берган ҳамма ахборотдан фойдаланиши ва унинг исталган гапини эълон қилиши мумкин. Фақат шу шарт биланки, манба шахсияти асло ошкора этилмайди. Манба Конституцияда мустаҳкамланган мухбирнинг ахборот берувчини ҳимоя қилиш бурчини далил қилиб келтиради.**

## **Ўз манбаларингизни ошкор этманг!**

ОАВ таҳририятларига ахборот тақдим этган шахнинг махфийлиги кафолатланган. Бу шуни англатадики, мухбир ўз ахборотчиси исмини ошкор қилишга ҳаққи йўқ, «хокимият ёки бошқа жамоат органларига»<sup>\*</sup> эса репортёр олган ахборот манбаларини излаш ёки очиш таъқиқланган. Ушбу қонунларни бузган мансабдор шахс ёки мухбир швед суди қарорига кўра жазога — пуллик жарима ёки бир йилгача муддатга қамоққа олинишга маҳкум этилиши мумкин. Репортёр манба ошкор этилгани учун ҳуқуқий жавобгарликка тортилиши мумкин. Аммо ҳеч бир мухбир бизнинг давримизда бундай жиноят учун жазоланмаган.

Албатта, манбаларнинг жазоланмаслиги ва махфийлиги ҳақидаги умумий қоидадан истиснолар ҳам бор. Агар ахборот берувчи таҳририятга давлат хавфсизлигига таҳдид соладиган маълумотларни ёхуд эълон қилиниши ортида жосуслик ёки хоинлик мақсадида яширин ахборотни олиб келса, у ҳолда суд маҳкамалари шу ахборот манбасини қидириб топишга ва уни тергов қилишга ҳақлидир. Бундай жиноятлар оғир ҳисобланади. Шунинг учун суд репортёрдан манбанинг ошкор этилишини талаб қила олади.

Айтиб ўтиш керакки, манбаларни излаб топиш ва ошкор этишга таъқиқ фақат муассасалар ва ташкилот-

<sup>\*</sup> Матбуот эркинлиги тўғрисидаги Қонун, 3-боб, 4-банд.

ларга тааллуқли. Аммо корхоналар ёки хусусий шахсларга эмас. Худди мухбир ўз ҳамкасбидан қандай манбалардан фойдаланишини сўраганидек, хусусий фирмадаги иш берувчи ҳам ахборотни ёйган одамнинг пайига тушиши мумкин. Бу қидирувлар нима билан яқунланади, ҳаммаси кўп жихатдан репортёрга боғлиқ. Манбадан унинг яширинлиги кафолатланган шарт билан маълумотлар олган мухбир нафақат ҳуқуқий, балки маънавий жавобгарликни ҳам ўз зиммасига олади. Шу боис мухбир маънавий мажбуриятларга риоя қилган ҳолда манбани пинҳон сақлаши зарур. Ҳатто ҳокимият ёки суд маҳкамалари уни ошкор этишни талаб қилишса ҳам. Бу эса Швецияда камдан-кам рўй беради.

## Зўраки ёлғон

Баъзан манбаларни ёқлаш учун ёлғон ва бузиб кўрса-тишни оқлаш мумкин. Ахборот берувчи одамларнинг фақат жудаям чекланган доирасига маълум бўлган суҳбат тафсилотларига сизни бағишлай туриб, фош бўлиш таҳдидига учрайди. Ҳамма гаплар мухбирнинг мақоласида келтирилиши ва ишлатилиши мумкинлиги ҳақида ўзаро келишиб олишингизга қарамай, амалиётда бу кўпинча ножоиздир. Негаки бу манбанинг ошкор бўлишига олиб келиши мумкин. Баъзида, бунга йўл қўймаслик учун репортёр ўз хабарида айтилганларни сўзма-сўз етказишдан воз кечади. Ўзим ҳам баъзи маълумотларни ниқоблашимга, ҳаттоки фақатгина манба изларини йўқотиш учун яққол ноаниқликлар ва хатолар киритишга кўп марта мажбур бўлган.

Мабодо манба ва репортёр бир-бирини жуда яхши билишса ёки аъло муносабатда бўлсалар, унда мухбир олган ахборотини ўз ҳамкасбига бергани маъқул. Ана шу мухбирнинг фош этадиган хабар муаллифлигидан бош тортганидир. Гарчи, ўз манбасини ҳимоялашнинг мазкур усули хабар учун шон-шараф ва ҳурматни бошқасига ўтказишга мажбур бўлган репортёрнинг ўзи учун хийла азобли бўлса-да, самаралидир.

Мухбир «фон учун» суҳбати шартларига мувофиқ ёзишга ва фойдаланишга ҳақли бўлган ахборотга эгаллигига қарамай, манбани ҳимоялаш бўйича талаблар бу ахборот қўлланилишини чеклайди. Репортёр эса муҳим

ахборотни оммалаштираётганида эҳтиёткор ва удабу-ронлигини намоён қилиши керак. Кўпинча ўз манбасини вазир, ҳукумат девонхонасида юқори лавозимни эгаллаган амалдор, марказий партия раҳбарияти вакили ва бошқалар қиёфасида намоён этиш мутлақо ортиқчадир. Бундай аниқлаштириш гумонлар ва манбани ўйлаб тағига етишга уринишлар учун замин яратади. Агар ҳаттоки, ахборот берувчи — партия раҳбари ёхуд маҳаллий маъмурият бошлиғи ҳам, кўп ҳолларда уни бирмунча ишорасиз, айтайлик, нуфузли манба деб аташ яхшироқ. Албатта, агар гапларнинг муаллифига илова бериш умуман керак бўлганда шундай қилинади. Аммо агар ахборот тақдим этувчи — парламент ноиби бўлса, уни Молия вазирлигида ишлайдиган шахс этиб кўрсатиб, очиқ-ойдин алдамаслик лозим. Бундай ёлғон шунга олиб келиши мумкинки, тор одамлар доираси тамомила асоссиз равишда шубҳа остига тушиб қолади.

Кўпинча манба тақдим этган оғзаки маълумотлар ёки фикр худди ўша мавзудаги оммавий маълумотларни пайдо қилади. Бундай ҳолларда яширин манбани пеш қилишга ҳеч зарурият туғилмайди. Жамоатчиликка тушунарли хужжатлар келтирилса бўлгани. Яъни, сизда яширин ахборот берувчидан ҳам маълумотлар борлиги билан мақтанмаслик зарур. Ахир, бу сиз махфийлигини сақлашдан манфаатдор бўлган одамларга нисбатан гумон уйғотиши мумкин-да.

## Мухбир доимо хизматдами?

Шундай қилиб, мухбир ўз мақолаларида фойдалана олмайдиган ахборотни манбалардан олмаслиги керак. Хўш, айтайлик, бир репортёр дўстлари билан зиёфатда тўсатдан меҳмонлардан бирининг қизиқарли, фош этишга тайёр хикоясини эшитиб қолса, унда у нима қилиши керак? У меҳмон эса хонада мухбир борлигини билмасачи? Болалиқдаги дўстингиз сирини яширмай, унинг ишхонасида қандай воқеалар бўлаётгани ҳақида сизга сўзлаб бераётган бўлса-чи, унда нима қилмоқ керак? Хизмат тақозосига кўра — ёпик ахборот билан таниш бўлган кўшни ёки қариндошлардан биронтаси бу ахборотни сиз билан ўртоқлашганида қандай иш тутмоқ зарур?

Баъзи мухбирларнига таъкидлашича, бунга ҳар ким ҳар хил қараркан ва репортёр доимо хизматдами —

хизматда бўлиши керак экан. Лекин дўстликнинг ҳам журналистика каби ўз ахлоқ қоидалари бор.

Репортёр бўлиб узоқ йиллар ишлаганим сабабли, ушбу масалаларга, муносабатим анча вазмин бўлиб қолди. Ўз дўстларини сотиш яхши эмас. Қариndoшлик ёки дўстона муносабатлар мухбирни шундай вазиятга тушириши мумкинки, у топшириқни холисона бажара олмайди. Шунга чуқур ишончим комилки, репортёр ўз шахсий ҳаётидаги айрим лавҳаларда маълумотлар билан ишлашдан ихтиёрий равишда воз кечиши лозим.

## Ишонч яратиш

Махфий ахборот манбалари билан ишлаш нозик масала. Бу иш мухбирдан худди дорбозларга ўхшаб мувозанатни сақлашни талаб қилади. Манба билан муносабатлар бетакаллуф бўлиши мумкин эмас. Айни вақтда, агар сиз ишонч мухитини яратмоқчи бўлсангиз, бу муносабатлар ҳаддан ташқари совуқ ҳам бўлмаслиги даркор. Ўз шахсини яширишни ният қилиб маълумотлар берган одам мухбирга ишонч билдирган бўлади ва ўзини ошкор бўлиш хавфи остига қўяди.

Ахборот такдим этувчи манба мухбир олган маълумотларидан унинг ошкор бўлишига олиб келмайдиган тарзда фойдалана олишига ишониши керак. Шунингдек, ахборот берувчи, репортёр зарурият туғилган чоғда ўз маънавий бурчига содиқ қолган ҳолда уни ҳимоя этиш учун ҳамма нарсани қилишига умид боғлаши керак. Маънавий мажбуриятлар қонунда кўзда тутилмаган-да. Улар — манба ва мухбир ўртасидаги ишончли муносабатлар натижасидир. Ўз навбатида мухбир ўзига ҳаққоний ахборотни етказётганларига ва айёрлик қилмаётганларига ишониши учун асослари бўлиши лозим. Бундай вазиятда репортёр ва манба ўртасида ўзига хос алоқа ўрнатилади. Баъзан мухбир ишончга сазоворлиги нуктаи назаридан қараганда бироз шубҳа уйғотиши мумкин. Ахир охир-оқибатда, икки тараф ҳам демократик жамиятда ўз ўрни ва вазифаларини англаб етиши зарурлиги ҳақида гап кетаяпти-ку.

Мухбир ўз манбаларига жиддий эътибор бериши зарур. Хусусан, бу шуни билдиради-ки, у манбалар билан мунтазам алоқани сақламоғи ҳамда ўзига такдим этилган маълумотлар қандай фойдаланилгани хусусида уларга хабар бериб туриши лозим. Репортёр манбадан олинган маълумотларга асосланган хомаки мақола ёйинки сюжет

матнини нухасини телефонда ўқиши ёки жўнатиши мумкин. Агар репортёр ва ахборот берувчи маълумотлар кўрсатилган муддат эртароқ эълон қилинмаслиги ҳақида келишган бўлсалар, мухбир сўзининг устидан чиқиши шарт. Ҳатто рақобатчилар ундан ўзиб кетишлари хавфи бўлса ҳам.

Ўз манбасини муҳофаза қилишнинг яна бир усули — олинган маълумотлар тасдиғини ўзга манбалардан ёхуд расмий, жамоатчиликка очик ҳужжатлардан излашга ҳаракат қилишдир. Агар ахборотни бошқа йўл билан топиш мумкин бўлса, яширин муаллифни мисол қилиб олишга зарурият туғилмайди. Мақола эълон қилинганидан сўнг манба мухбирнинг яширинликни сақлаш ҳақида берган ваъдасида турганини кўриб, ўзини эркин ҳис этади. Яширин манбадан олинган маълумотлардан қандай фойдаланаётганини мухбир манба эгасига очикчасига айтиб бериши яхши. Аммо бунда мухбир ахборот берувчига бошқа манбалардан ҳам фойдаланаётганини зинҳор ошкор этмаслиги зарур.

## **Манбаларга танқидий муносабат**

Ўз манбасини ҳимоялаш усулларида бири — янгиларини орттиришдир. Бу нафақат маълумотларни текшириш ва эҳтиёт чора кўриш имкониятлари учун, балки манбани ўзини хавфсизлантириш учун ҳам яхшидир. Агар мухбир мавзу устида ишлай туриб, бир неча хабардор шахслар билан суҳбатлашса, унда уларнинг аксарияти ҳатто агар улар жуда камгап бўлсада, айнан ўзларини ахборотнинг илк манбаидек тасаввур этадилар. Янгиллик эълон қилинганидан сўнг мухбир суҳбатлашган одамларнинг кўпчилиги ким буларнинг ҳаммасини сўзлаб бергани устида бош қотиришади. Уларнинг ҳар бири ўздан гумонсирамасликлари учун вақтинча шахсларини яширадилар.

## 4. Тайинли нарса ҳақида гапиринг!

---

Американинг ABC телекомпанияси ўз янгиликларини эълон қилишда уч асосий бирликни шиор қилиб олишган: Assigasy, Brevity ва Clarity, ушбулар айнанлик, лўндалик ва равонлик деган маънони ифодалаб, журналистика фанининг асослари деб ҳисобланади.

Хабарнинг нозик кўринишда бўлиши ахборот тарқатишнинг асосий талабларидан биридир. Ўқувчи, ва тингловчиларимизга берадиган ахборотимиз имкони борича аниқ ва текширилган бўлмоғи даркор. Радио ва тележурналистлар учун эса лўндалик, ихчамлик айниқса муҳимдир, чунки улар улкан ва мураккаб ҳодисаларнинг баёнини ҳам санокли дақиқаларда бериб улгуриши, баъзан эса бир неча сонияда оммага масаланинг моҳиятини етказиши керак бўлади. Бунинг учун эса ёзилган матннинг тили ҳаммага тушунарли ва равон бўлиши лозим.

Айнанлик, лўндалик, равонлик. Мана шу уч тушунча қаторига мен тўртинчисини — тайинлиликни қўшган бўлардим. Фақат тайинли нарсагина кишини диққатини торта олади. Бу сиёсатга ҳам, журналистикага ҳам бирдай тегишлидир. Тайинли маълумот ва тафсилотлар доим эътиборни тортадики, бу ёзма матбуотга нисбатан вақт ва кетма-кетлик жиҳатидан анча чегараланган телерадио эшиттиришларда доим асқотади.

### Мувофиқлаштириш

Янгиликларда кишиларнинг қандайдир кечинмалари ҳақида, бирор нарса устида бош қотириши тўғрисида ёки кўпчиликка дахли бўлган масала қабул қилиниши ҳақида гап кетмоқда, дейлик. Журналист ўз хабарини ойдинлаштириб, ушбу хабарни тингловчи томошабиннинг руҳига олиб кириши керак бўлади.

Энг осони воқеий янгиликлар давомида мижозларга ҳодисани ўз бошидан кечгандай қилиб етказиш. Эшитув-

чилар оммаси ходиса иштирокчиларини кўриш ва эшитишни исташи табиий. Репортёр ходиса ҳақидаги хабарни гувоҳни сўзлатиш орқали баён этиш имконига эга. 1995 йил кузида «Эстония» паромининг ҳалокати Швецияда барчани қайғуга ботирди, айниқса, тирик қолган йўловчилардан Сара ва Кентларнинг гаплари кишиларни ларзага солди. Уларнинг ҳикояси инсонларни ўша фалокатли тунда ўзларини «Эстония» паромида деб ҳис қилишига имкон берди.

Бирор кишининг қисмати ҳақида ҳикоя қилганимизда мавзу ҳалокат ва фалокат ҳақида бўлмаган тақдирда ҳам, эшитувчи ва томошабинга ўша киши ўрнида ўзини кўришга ёрдам беради. Кўпчилик сиёсатчилар мураккаб сиёсат йўли ёки қарорини ҳам бир киши ёки оила мисолида яхшироқ англаши мумкин. Журналистиканинг асосий талабларидан бири ҳам йирик ва мураккаб воқеа-ходисани оддий кишилар ҳаёти мисолида ёритишдир.

Туғруқхона ёпиб қўйилганлигини кўзи ёриши арафасида аёл тилидан баён қилиш мумкин. Ўша аёлга сиёсатчиларнинг қарори қанақа таъсир қилган? Заводнинг ёпилиши ишчи ва унинг оиласига қандай таъсир этади? Нафақачининг иқтисодий ҳолати телефонда гаплашиш нархининг оширилиши оқибатида қандай ўзгаради? Сиёсатчилар ва ҳукуматнинг қарорлари ҳаётга қандай таъсир этиши мумкинлигини кўпчилик оддий кишилар баёнидан билиб олади ва масаланинг моҳиятига яхшироқ тушуниб этади.

Баъзан чигал ва мураккаб муаммоларнинг ечимида бошқаларга ёрдам берадиганлар ҳам бундан холи эмас. Швециянинг молия вазири, шахсан ўзлари давлат бюджети лойиҳасини парламентга топширади. У Давлат Девонхонасидан то Риксдаггача ўзининг одатдаги сайрини бошлайди, у энди семиз папкаларни кўтариб юрмайди чунки бутун давлат бюджети кичкинагина компакт дискка жойлашган, у буни журналистларга мағрур бир ҳолатда кўрсатади. Ушбу кичик бир парча нарса давлат бюджети лойиҳаси каби мураккаб бир мавзуни анча соддалаштириб етказишга ёрдам беради.

Сиёсий музокараларда асосий эътибор унинг қатнашчиларига, хусусан, унинг камчиликларини кўрсатувчи, талаблар қўувчи ва танқид қилувчиларга қаратилади.

Жуда мавҳум даракларни ҳам воқеа қатнашчиларига «ҳавола қилиш» йўли билан осон қабул қилинадиган нарсага айлантириш мумкин. Агар бундайлар топилмаса, унда бирор жабрланувчи ёки ходисага дохил кимсаларни жалб қилмоқ керак. Давлат бюджети лойиҳаси акс эттирган дискни компьютерга қўйиб, биз унинг жамиятга нафи ҳамда турли ижтимоий табақалар турмушига қандай таъсир эта олишини аниқлаймиз. Муайян сиёсий ва иқтисодий қарорларнинг ҳаётга дохил бўлган табақалар турмушини алоҳида олинган ҳар бир шахс ҳис эта олишига эришиш журналистиканинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Бироқ бу вазифага берилиб кетиб, сийқаси чиққан ўхшатишлар ва алмисокдан қолган қолиплар домига ҳам тушмаслик лозим. Швед ОАВда кейинги чоғда таназул қурбонининг тимсоли — эрсиз болали она — даромади ўзи ва боласини боқиш учун етмайдиган тимсол пайдо бўлди. Бошқа бир кенг тарқалган тимсол эса, бу қимматбаҳо кўшкларда яшовчи ҳамда нафақаларнинг қисқариши натижасида тез орада ушбу кўшкларини сотишга мажбур бўлишидан шикоят қилаётган оилалар — Швециядаги офир дамларнинг рамзи.

Баъзи журналистлар эса, жиддий таҳлил қилинадиган мавзуларни ҳиссий, кўнгилни бузувчи воқеа тарзида тақдим қилиб, ўз вазифаларини жўнлаштирадидилар, танқидий таҳлилдан қочадидилар. Мазкур қарорнинг орқасидан нималар кўринади? Бу қарорга муқобил бошқаси борми, бўлса қанақа? Қарор қандай оқибатларга олиб келади, узоқ келажакда нималар беради? Репортёр мана шундай саволларга жавоб топмоғи даркор.

## Томчида қуёш акс этади

Журналистикада аниқлаштириш ҳиссий баённи талаб этади, шунга қарамай ҳикоя кимдир, нимадир ҳақида бўлсада, у умумий мавзунинг қисми бўлмоғи шарт. Бир киши тақдири ҳақидаги баён йирик бир ходисани ойдинлаштиришга хизмат қилиши керак. Ҳар бир мавзуда кўзга яққол ташланмайдиган томони бўлиб, у тайинли мисолларда юзага қалқимоғи лозим.

Саксонинчи йилларда швед радиоси қошидаги «Эхо» янгиликлар муҳарририяти ўз тингловчиларига швед Телекоммуникация идорасидаги ўзгаришлар — эски тутум-



даги идорадан замонавий ташкилотга айлантириш жараёни ҳақида дарак бермоқчи бўлди. Бу мавзу радио учун оғир ва мавҳумлиги аён. Бироқ бир норози кайфиятдаги аёлнинг муҳарририятга қўнғироғи радиоэшитувчиларнинг кизиқишини уйғотишга ҳамда ўзларининг ушбу вазиятдаги ҳолатини билишга туртки бўлди. Моника Трегеombo номли бу аёл мазкур Телекоммуникациянинг иш юртиш услубини «унга телефонда гаплашгани учун ногўғри ҳисоб юборилганидан шикоят қилганида, ташкилот телефонини ўчириб қўйганлигини» айтиш билан ошкор қилиб қўйди. Унинг бу чиқиши муҳарририятга тинимсиз қўнғироқ бўлишига йўл очиб берди: кўплаб тингловчилар, Мониканинг шикоятида ўзларининг мазкур ташкилот билан бўлган муносабатини кўрди. Тайинли бир тасодиф Телекоммуникация ташкилотидаги катта камчиликларни юзага чиқариб қўйди.

Борди-ю тайинли бир воқеа ҳақидаги хабар умумий бир муаммонинг қисми бўлмас экан, бу дарак йирик масалаларни ҳал этиш, мавжуд тартибни фoш қилишга ёрдам бермайди, табиийки, хабар ўз қийматини кўпчилик учун йўқотади. Тайинли ҳодисани айтиш билан бирга муҳим нарсани ҳам айтмоқ керак. Алоҳида бир мисолни танлаб олар эканмиз, уни нима учун танлаганимизни ҳам асослаб беришимиз зарур.

## Ҳикоя драматургияси

Аввал тайинли нарсани ҳикоя қилиб, ундан кейин мавҳум томонга ўтиш радио ва телевидение баёни техникасининг энг азиз қондаларидан биридир. Олдин репортёр муаммога ҳужжатли аниқликлар киритиши, кўрсатиши билан, оммани аниқ намуналар билан моҳиятга етаклаб жалб қилмоғи керак. Томошабин ёки тингловчи воқеа ичига кириб борар экан, ўз-ўзига савол қўяди: нега бундай бўлдийкин? Сабаб? Кўпчиликни қизиқтириб қўйиб репортёр иккинчи босқичга — тушунтиришга ўтади. Агар журналист ўз баёнини мавҳумликдан бошласа, омма муаммони илғаб ололмай, унда сюжетни билишга рағбат уйғонмайди ва қўл-силтаб қўя қолади. Доим масалани аниқлашдан бошлаш ва бунда тайинли томон мавҳумдан олдин юрмоғи шарт! Теледраматург Боб Фосс айнан мана шу услубга чақиради.

Матбуотда, телевидениеда ҳамда радиода драматур-

гик усуллар ўзаро фаркланади, албатта. Газетада янгиликлар тўғридан-тўғри, пардаларсиз берилади. Газета мақолалари кўпинча, энг муҳим нуқталардан бошланиб, энг зерикарли тафсилотлар билан тугайдики, баъзан керак бўлиб қолса, бу қисмини қисқартириш мақола мазмунига путур етказмаган ҳам бўларди. Радио ва телевидениеда ҳам йирик ва муҳим ҳодисалар баёни юқоридаги каби тўғридан-тўғри, шартаки бўлса, одатий репортажлар эса, драматургик ҳикоя қоидаларига мувофиқ берилади. Мавзу яхшилаб идрок қилинган тугун, ечим ва ўрталikka эга бўлмоғи керак. Воқеалар ривожини ва зиддиятини акс этади. Эфирда бевосита кетаётган драматургик яхши, пухта ишланган репортажнинг охириги қисмини қирқиш кичик бўлса ҳам бир фожиага тенгдир.

Репортёр ва тасвирчи ҳам суратга туширадиган еридаёқ мавзунинг бошланиши ва охирини муҳокама қилиб, ўйлаб олиши керак. Кичик бир хабарни суратга олишда теледраматургиянинг қандайдир алоҳида усулларини қўллашга эҳтиёж йўқ. Швед телевидениеси янгиликлар дастури одатда, интервью олинадиган объектдан бошланади. Мавзунинг бошида тасвирчи камера билан «саёхат» қилиб, охириги кадрларда эса «қайтаради».

Репортёрдан аввал камеранинг «саёхати» билан биз томошабиннинг диққатини тортибгина қолмай, томошабин билан зимдан битим тузамиз ва унда нима ҳақида гап кетишини шипшитамиз. Бу биз қатъий амал қилишимиз керак бўлган мавзу чегараларини белгилаб олишимизга кўмак беради. Сюжет учун бир мавзунинг ўзи етарлидир, унинг кўпайиши зарарли. Агар репортажни Стокгольмдаги марказий кўприкдаги автомобил тикилишини кўрсатишдан бошласангиз, фикрингизни айнан шу мавзуга йўналтиринг, бироқ, сиз мавзудан чиқмадим, деб Эресун кўприги битгандан кейин бу ерда ҳам шундай бўлиши мумкинлиги ҳақида гапириб қолсангиз, унда томошабинни чалғитган бўласиз.

Сюжетнинг дастлабки кадрлари ва уни ҳис этиш бу ўзига хос драматургик «қуйруқ» бўлиб, уни ҳикоячи томошабинга ташлайдики, бу билан унинг диққатини тортади ва кейинги ҳодисаларга қизиқтиради. Бу кадрлар сюжет доирасидан чиқиб кетмаслиги ҳамда кўрсатув давомида ривожлантириб борилиши керак. Мантиққа мос бўлиш учун ҳам қўлида давлат бюджети билан Риксдаги кетаётган молия вазирини кўрсатганингиздан кейин охирида Парламент биноси эшигини очиб кириб кетаётгани-

ни ҳам кўрсатишингиз шарт. Ушбу сюжетни охирлаш вариантларидан бири сифатида молия вазири Риксдагнинг мажлисида давлат бюджети лойиҳасини спикер қўлига бериб, ўзининг шу ердаги ўриндигига ўтиришини кўрсатишни тавсия этиш мумкин.

Ҳикоя қилишнинг драматургик услублари томошабинларнинг воқеани қабул қилишини қулайлаштиради. Бу жуда қудратли куч бўлиб, суистеъмол қилиш уни майнавозчилик воситасига айлантириши мумкин.

Эҳтиёт бўлинг! Кадрлар — одамни ютиб юборади! Қўлтиғида семиз папка билан Риксдаг биноти томон шаҳдам қадамлар ташлаб бораётган молия вазири ҳақидаги кадрлар Швеция телеэкранларида 60-йилларда пайдо бўлган эди. Бу вазият алоҳида бир руҳий ҳолат бўлмай, одатий ҳаракатларни ифода этувчи ҳамда кадрлар орқасида яхшигина матнни баён этиш учун қулай бир вазиятдир. Тележурналистга унинг ҳикояси мазмунини очиб боровчи тасвирлар қатори даркор. Кадрлар видео баённинг асоси, айти пайтда репортёр ҳикоясининг тўлдирувчиси. Тасвирлар тизмаси билан матн биргаликда репортёрга худди радиожурналист каби ҳамма етказмоқчи бўлган нарсани сўз орқали бериш эҳтиёжини қондирмайди. Келинг, юқорида келтирилган Парламентга давлат бюджети лойиҳасини топшириш мисолини кўриб чиқайлик.

Телевидениени юзаки ҳиссий восита деювчилар ҳам учраб туради. Бу унчалик тўғри эмас. У жуда таъсирчан ҳамда хабардорлик манбаи бўлиши ҳам мумкин. Радиожурналист сўз билан ифодалашга мажбур бўлган кўп нарсани, тележурналистнинг айтишига ҳожат йўқ, чунки томошабин кулимсираб турган вазир Эрик Осбринкнинг ўзини, ёмғир ёғиб туришига қарамай, қайси томонга кетаётганини ҳамда давлат бюджети лойиҳаси туширилган диск қанақа бўлишини кўриб турибди. Кўриш натижасида тежаб қолинган онлардан телерепортёр томошабинга лойиҳа мазмунини чуқурроқ тушунтириш учун фойдаланиш имконига эга.

Кадрларнинг ўзи гапиришига эришишга интилинг. Бироқ, айти пайтда чуқур маъноли тасвирлардан ҳам огоҳ бўлинг. Бундай тасвирлар томошабин диққатини асосий ғоядан чалғитади. Мана шу ҳолатни кадрларнинг «одамхўрлиги» дейишади. Кадр шундай ёрқин, ҳаяжонли ёки гаройиб бўлиши ва томошабин ўшанга тикилиб, кадр ортидаги баёнга бефарқ бўлиб қолиши мумкин.

Швецияда мана шундай журналистиканинг дастлабки мумтоз намунаси ҳам оқ-қора телевидение даврида бунёдга келган. Бу 1961 йилда бўлган. Тиш доктори кабинетида репортёр томошабинларга алоҳида стоматологик ёрдам суғуртаси комиссияси иши якунлари ҳақида гапириб бера бошлади. Тасвирчи йирик планда врачнинг мижозини вижиллатиб тишини бурғилаётганини кўрсатади. Шу ондан бошлабоқ журналистнинг гаплари томошабинга етиб бормай, унинг диққати тўлалигича ўриндикда ўтирган бечоранинг аҳволига йўналади.

Яна бир мисол. Репортёрнинг мамлакат мудофааси ҳақидаги гаплари асносида ҳарбий учоқ учоқэлтар (авианосец)га қўниш кадри намоён бўлади. Томошабин, бор эътиборини экранга қаратиб, учоқнинг қандай қўнишини кузатади, мудофаа саноати муаммоси унинг хаёлини бир четида ҳам қолмайди. Тасвирлар тизмаси матнни «ямлаб» қўйди.

«Ямлаш»нинг бироз юмшоқ шакли матн билан тасвирий тизма ўзаро қовушмаганида юзага келади. Жумладан, репортёр Борис Ельциннинг номини тилга олса-ю, бу пайтда кадрда Билл Клинтон кўриниб турса. Ёки мухбир автомобиллардан чиқаётган газларнинг атроф-муҳитга ёмон таъсири ҳақида гапириб турса-ю, экранда велосипедчилар тўдаси кўриниб турса.

Бу ходисанинг зидди ҳам бўлиб, уни «апельсин телевидение»си дейишади. Бунда ҳаддан ташқари мутаносиблик бору, бироқ бу матн ва тасвирнинг соддагина мослигидир. Репортёр «апельсин» сўзини талаффуз қилиши билан кадрда апельсин пайдо бўлади, у «олма» дейиши биланок, олма кўринади. Бу матн билан кадр ўртасидаги уйғунликни сақлаш учун интилиш натижасидир. Тайинлилик фойдали, аммо мушоҳада ва зарифлик сюжет сифатини оширади.

Радиоматн	Тасвирий тизма	Тележурналист матни
Шундай қилиб, бугун Эрик Осбринкнинг дебюти. Журналистлар, суратчилар, тасвирчилар суронли тўдаси билан ўраб олинган янги молия вазири ҳукумат девонидан то Риксдаггача давлатнинг янги бюд-	Парламент биносининг тоmidан ёки бинонинг юқори қаватидан суратга тушириш: журналистлар, тасвирчилар, сураткашлар молия вазири томонидан яқинлашиб келаётган киши томон ўз камераларини	Бугунги дебют икки томонламадир — ҳам молия вазири янги, ҳам давлат бюджети лойиҳасининг шакли янги. Ҳукумат ишсизликка қарши навбатдаги қураш дастурини тақдим этиб, маориф

<p>жети лойиҳасини топшириш учун анъанага мувофиқ пиёда келди. Лойиҳа фақат мазмун жихатидан эмас, балки шакл жиҳатидан ҳам янгичадир. Бу гал вазир оғир папкаларни, кўтариб бели букилмади, унинг қўлида биттагина компакт-диск. Давлат бюджетининг лойиҳаси тўлалигича ушбу шахсий компьютерга мўлжалланган камлакнинг ҳамма ранглари мужассам қилган компакт-дискка жойлашган. Эрик Осбринк ёқимли жилмайиб, қўлида ўз маҳсулотини кўз камаштирадиган сариқ-зангори рангли тасмага ўраган ҳолда ёмғирда кийимлари ивиб кетган, уни ўраб олган репортёрлар орасидан йўл очиб борарди.</p>	<p>қадаган. Йирик планда: молия вазири кўприқдан ўтиб Парламент биноси томон йўналади. У мамнун жилмайган. Ёмғир шивирляпти. Титр (исми, амали). Сариқ-зангори тасма билан ўралган компакт-диск. Вазир тўлик бўй-бас-ти билан ва кузатувчилари репортёрлар тўдаси орасидан ўзига йўл очиб бермоқда.</p>	<p>учун маблағни икки баробар оширади, айни пайтда энергия учун ҳамда ишбилармонлик учун солиқларни оширади. Шахсий компьютер учун компакт-диск. Бунга давлат бюджет-ти лойиҳасининг барча янги моддалари жойлашган, уни парламент тасдиқлаши ёки тўлалигича қайтариши мумкин. Бу жараён ҳукуматга янада кўпроқ ҳокимият берилганлигини кўрсатади.</p>
---	---	--

## Тафсилотлар

Радиога тасвирлар беришнинг имкони йўқ, бироқ баён қилиш йўли билан воқеа ҳақида тасаввур ҳосил қила олади. Ҳикоя қилиш, ифода эта олиш санъатини яхши эгаллаган репортёр ўз ҳикояси билан телевизион сюжетга нисбатан кўпроқ натижага эришиши мумкин. Лекин бунинг учун радиожурналист ходисанинг майда икир-чикирларигача билиши ҳамда уни ўз нутқида тингловчига еткази олиш қобилиятига эга бўлмоғи ва бу билан тингловчи фикран воқеа жараёнини ўз тасавурида ҳосил қила олишига муваффақ бўлмоқ керак. Бу журналист ўз матнини кўпайтирсин ёки тафсилотлар, изоҳлар билан тўлдириб юборсин дегани эмас. Бунинг учун тингловчида воқеа содир бўлган жойда бўлгандек туйғу ҳосил қиладиган бир-икки нозик тафсилот етади. Мазкур дав-

лат бюджети лойиҳасини парламентга топшириш радиоматнидаги журналистларнинг суронли тўдаси, камалакнинг ҳамма рангларини мужассам қилган компакт-диск, кўз камаштирадиган сариқ-зангори рангли тасма кабиларни мисол келтириш мумкин. Тўғриси бу сўзларни матндан умуман олиб ташлаш ҳам мумкин, унда информативлик ва натижа кетидан қувилган бўлади, бироқ бу ҳолда сюжет оғирлашиб, қабул қилиш қийинлашади.

Ўзининг баёни воситасида тингловчини воқеа содир бўлган жойга фикран етаклай олган репортёр компакт-дискнинг мазмунини гапиришга ўтиши мумкин. Бу жараён радиожурналистдан телерепортёрга нисбатан кўп вақт талаб қилади, албатта. Тележурналистлар иш қондасининг бошида матндан ортиқча сўзларни чиқариб ташлашдир.

Бу қоидага газетчилар ҳам амал қилишади. Газета матни кучайтирувчи сўзларсиз ҳам бўлаверади. Бунда матн ифодали, мазмунли бўлиб, воқеа-ҳодисанинг шарт-шароити акс этмоғи керак.

## Метонимия ва метафора

Репортёр нотиклик санъати услубларидан хабардор бўлиши ва уни иш жараёнида қўллаши лозим бўлади. Метонимия — бу бутуннинг парчасидир. Турли сабаблар оқибатида телевизион кўрсатувларда биз воқеа-ҳодисаларнинг айрим бўлак, парчаларинигина намоиш этамиз, ўша парчадан томошабин бутун ҳақида тасаввур ҳосил қилиши керак бўлади. Кадрлар ва товуш воситасида томошабин бўлиб ўтган воқеани кўз олдига келтиради. Кинофильм ва телефильмлар томошабинга кадрлар тилини тушуниб олишни ўргатди.

Кадрда ўқ отувчини кўрсатмасдан, йирик планда милтиқнинг курогидаги бармоқларнигина кўрсатиш билан томошабинда ўқотар ҳақида тушунча ҳосил қиламиз. Агар экранда кўлида бир даста қизил гул тутган эркак тез-тез соатига қараб бетоқат бўлаётган, кадр орқасидан турли тиллардаги овоз эшитилаётган ҳамда самолётлар келиб кўнганлиги ҳақида суҳандоннинг гаплари эшитилиб турган бўлса, аёнки, бу эркак қўналғада ўз севгилисини кутмоқда.

Метонимия телевизион драматургиянинг фавқулодда бир ифода воситаси бўлиши мумкин. Швед тасвирчиси Дан Йоме 1989 йил Рождество арафасида руминиялик аскарлар ўз чегараларидаги «Руминия социалистик рес-

публикасига хуш келибсиз» деган ёзувларни олиб ташлаётганини суратга олишга муваффақ бўлди. Ушбу шиорнинг орқа томонига эса «Farewell» деб ёзилган эди. Бир неча сониялик тасвир Руминиядаги жиддий воқеани ифодаси эди. Дан Йоменинг бошқа бир репортажида баҳорнинг қуёшли кунларини бирида Москванинг автомашиналар билан лиқ тўла кўчасида, автомашина оқими томон бир қаровсиз ит югуриб бориши акс эттирилган. Мазкур тасвир воситасида тасвирчи қайта қуриш даврининг қарама-қаршиликлари ва фожиасини ифодалай олган.

Метафора — тушунчани образли ифодалаш. Кум соат умрнинг ўткинчилиги рамзи бўла олади. Метафора шоирнинг қуролидир, тележурналист учун ҳам муваффақият келтира олади. Кимнингдир бўридай очлигини, кимнингдир эшакдай қайсарлигини, яна бировнинг уккидай донолигини дийдорий восита билан кўрсатиш мумкин. Қалтираб, маҳкам шишага ёпишиб олган қўл ижтимоий сиёсатнинг рамзи бўла олади. Швед репортёрлари социал-демократлар сайловчиларнинг ҳурматини йўқотганлигини ифодалаш учун сўлиган гулни\* намоёиш этиш рамзий воситасидан тез-тез фойдаланиб турадилар.

## Равонлик

Оммага материал тушунарли бўлиши учун журналистнинг ахборотни тайинли тасвирлаши, рамзлардан фойдаланишининг ўзи етарли эмас. Бундан ташқари у мавзунини яхши билмоғи ҳам зарур. Ўзи воқеа ва ҳодисани яхшигина англаб етган кишигина у ҳақида аниқ ва равон сўзлаб бера олиши мумкин. Репортёр масалага назарий жиҳатдан тайёр ҳамда қобилиятли бўлиши талаб қилинади.

Швед радиоси оммани ва дастурларни ўрганиш бўлимининг ходимлари Улле Финдал ва Биргитта Хойер ўз тадқиқотлари давомида ОАВларида баён қилинган омманинг у ёки бу ҳодисанинг қабул қилиш жараёнига таъсир қилувчи айрим омилларни ажратиб кўрсатадилар:

Сабаб ва оқибатни айрича олиш. Маълумки, тингловчи ва томошабин биринчи навбатда воқеа содир бўлган жой ва унинг иштирокчиларига эътибор беради. Гап, аввало, тайинли жуғрофий тафсилотлар: жой номлари ва маълум-машҳур кишилар, идоралар, ташкилотлар ҳақида бормоқда. «Афғонистонда... орасида тўқнашув бўлиб

\* Гул Швеция социал-демократлари рамзидир.

ўтди...» ёки «Вольво ўзининг 200 ходимини ишдан бўшатди». Сюжет мазмунидаги ушбу унсурларни тингловчи беихтиёр эслаб қолади, айти пайтда унинг сабаб-оқибатлари эса иккинчи даражали бўлиб қолади. Ахборотнинг шу йўсинда берилиши натижасида омма берилаётган хабардан айрим эпизодларни юлиб олади, яъни узук-юлук қабул қилиш содир бўлади.

Ходисанинг сабаби ва унинг оқибатини йўл-йўлакай, шунчаки айтиб эслатиш ҳам етарли эмас. Информацион хабарда масаланинг моҳиятини очиб бериш: унинг сабаби ва келиб чиқадиган оқибатларини кўрсатиб бериш марказий ўринда бўлмоғи лозим. Ана шундагина омма сюжетни тўлиқ қабул қилиш имконига эга бўлади, зотан ҳар бир ходисанинг вужудга келиши ва мантикий ривожидир.

Шундай қилиб, сюжетни оммага тушунарли қилиб етказишнинг шартлари у ёки бу ходисанинг келиб чиқиш жараёнини, унинг мантикий оқибатларини лўнда ва равон усулда тушунтиришдадир.

Финдал ва Хойер ушбу жараёнда тасвирий тизманинг танланиши ва монтажи муҳимлигини таъкидлайдилар. Ходисанинг тайинли тафсилотларини намойиш этиш қийин эмас, бироқ бу ҳол баъзан сюжетни чала қабул қилишга олиб келади. Сабаб ва оқибатларга доир тасвирий намойиш томошабинга воқеани кузатиш ва тўла тушунишига ёрдам беради. Бу вазиятда тасвир билан овознинг мутаносиблиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Тез ҳаракатланувчи кадрлар, кадрларнинг тез-тез алмашилиб туриши ёки журналист гапираётган мавзуга ёпишмайдиган кадрлар эса мазмунни илғаб олишга халақит беради. Материални намойиш қилиш ва сўзлаш тезлигининг ҳам ўз ўрни бор. Ниҳоятда тез гапириш, паузаларга амал қилмаслик, кўпинча, томошабиннинг мазмунни англаб сингдиришини қийинлаштиради. Тайинсиз ёки мавҳум маъноли атамалар ва тушунчалардан фойдаланиш ҳам худди шу оқибатга олиб келади. Мавҳум рақамларга тайинли мазмун бағишлаш ҳам яхши. Ҳамма томошабин ёки тингловчи 230 гектар ерни кўлами ҳақида тушунчага эга деб ўйлайсизми? Шунча майдонга қанча кўчат ўтказиш мумкин? Ушбу ишни икки нафар киши бажарса, бунга қанча вақт сарфланади? Миллион доллар нима ўзи, унга қанча шиша пиво ичиш мумкин? Миқдори қанча катта бўлса, кишиларга у шунчалик мавҳумлашиб боради. Бир неча сония ичида 120 миллиард долларни тасаввур қила оладиган киши борми?



Репортёр ўз тафаккури воситасида тасаввур қилиниши қийин бўлган мавхумий сонлар, тушунча ва образларни кўпчиликка тушунарли бўлган шаклда етказишга интиломго керак. «Литературная газета»нинг муҳбири Анатолий Рубинов тайинлилаштиришни журналистнинг бекиёс қуролига айлантиришга муваффақ бўлганлардан, у бунга совет замонининг турғунлик даврида эришди. Унинг алоқа вазирлиги ишига танкидий қарашида тайинлилаштиришнинг намунали мисолини кўриш мумкин. Рубинов почта ишини синаб кўриш учун ўз-ўзига юз марта хат жўнатади. У бу хатларни Москвадаги турли почта қутиларига ташлаб, ҳар бирини қайд қилиб қўяди. Тажрибада мақсад соат 10 гача қутига ташланган хат ўша куни эгасига етиб боради, деган қоида текшириб кўриш эди. Рубинов бошқа москваликлар каби бу қоидага ҳеч вақт амал қилинмаслигини биларди, бироқ унга далиллар керак эди.

Юзлаб жўнатилган хатлардан биронтаси ҳам ўша куни унга келтирилмади. Хатларнинг кўп қисмини ўз почта қутисидан учинчи кун олган бўлса, қолганларини яна бир неча кундан кейин олди. Рубиновга энг кечикиб келган хат почта ишига жавобгар бўлган идора-алоқа вазирлиги ёнидаги қутига ташланган эди. Энди муаллифда тайинли маълумот, далиллар, тафсилотлар бор-у, бироқ мақола ёзиш учун ҳали тизимли бир мавзу керак эди.

Лев Толстой музейида ёзувчининг кўпгина ёзувлари ва хатлари сақланади. Омади юришган Рубинов шу ерда почта тамғаси тайинли бўлган хатни топиб олди. 1890 йилнинг 22 январида Лев Толстой Москвадан Петербургдаги оммавий кутубхона директориға хат жўнатади. Почта тамғаси хат эгасига эртаси куни етиб борганлигидан гувоҳлик беради. Ўша пайтда поезд Москвадан Петербурғга 14 соат юрганлигини ҳисобга олинг. Рубинов тажриба ўтказган вақтда эса «Москва — Ленинград» тез юрар поезди қатнарди. Рубинов яна бир хат йўллади. Бу гал у бир вақтлар Толстой яшаган кўчадан Ленинград кутубхонаси директориға хат жўнатди. Бу хат эгасига биласизми, неча кунда, 4 кунда зўрға етиб борди.

Рубинов олиб борган журналистик тафтиш кўрсатдики, совет замонасига нисбатан Толстой даврида почта анча илдам ишлаган экан. Хат эса шундай бир тайинли далил эдики, алоқа вазирлиги ундан қочиб қутила олмас эди.

Тайинли тафсилот заминида ошкор қилувчи танкиднинг портлатувчи кучи яшириниб ётиши мумкин.

## 5. Тайёрланмоқ ва эшитмоқ!

Дейдиларки, интервью санъатдир. Санъат эса чегараловчи қоидалар ва кўрсатмаларни ёқтирмайди. Бирок, айти пайтда энг истеъдодли, қобилиятли рассом ҳам ўз ижодини тасвирлаш қоидаларини ўрганишдан бошлайди. Балки, келажакда уни бузиш учунми! Интервью репортёрдан муайян қоидаларга амал қилишни талаб этади, гарчи самарали интервью яхшилаб савол беришдан анча кенг камровли ҳодиса бўлса ҳам.

Келинг интервью олиб бориш йўсини ҳақида эмас, балки интервью олиш усули ҳақида гаплашайлик. Агар буни яхши ўзлаштирсак, биз шундай саволлар ўйлаб топамизки, жавоблари додиратадиган, тагдор ва ошкор қилиб ташлайдиган бўлиши мумкин.

### Ҳозирланиш

Мухимларнинг мухими репортёрнинг интервьюга изчил киришувидир. Гап мавзуси ҳақида у бемалол фикрлайдиган, ҳатто у ҳақида интервью берувчидан кам билмайдиган бўлиши керак. Журналист тўсатдан, кўпол саволлар (бу ўртача савиядаги оммага мос келади) бериши лозим деган фикр нотўғридир. Фақат масаланинг моҳиятига тушуниб етадиган инсонгина салмоқли савол кўя олиши мумкин. Илк, дастлабки савол баъзан бошқаларга жуда жўн, содда бўлиб туюлиши мумкин, аммо журналистнинг бундай савол кўйишидан мақсади бўлади. Интервьюга тайёрланиш дегани, берилган саволга қандай жавоб бўлишини олдиндан тахминий бўлса ҳам билиш деганидир, бундай ҳоллар кейинги муқобил саволларни ҳам аввалдан ҳозирлаб кўйиши мумкин. Журналист гап тайинли масала ҳақида кетадиган интервьюларга, масалан, тайинли лойиҳа ёки давлат комиссиясининг иши ҳақидаги интервьюларга ҳам тайёргарлик кўрмоғи лозим.

Аввал муҳокама қилинмаган ҳукумат ёки парламентнинг таклифлари ҳақидаги суҳбатга тайёргарлик кўриш ҳаммасидан қийин, бироқ бу ҳолатда ҳам репортёр мав-

зу ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиши талаб қилинади. Бу ўринли саволлар бериш ва қиёсий изоҳ беришга имкон яратади. Газетадан кўчирмалар, ўз қайдлари, интернет саҳифалари журналистга мўлжалланаётган суҳбатга материал танлашда ёрдам беради ҳамда интервью берувчи назарида чаласавод бўлиб кўринишдан асрайди. Ҳозирлик кўришнинг яна бир йўли мазкур соҳани яхши ўзлаштирган кишилар билан суҳбатлашиб, маълумот тўплаш ёки интервью берувчи киши билан олдиндан суҳбатлашишдир.

Ҳозир радио ва телевиденида олдиндан интервью атамаси тез-тез ишлатиб турилади, бунинг маъноси дастурни олиб борувчи ёки тахририят тадқиқотчи журналистнинг интервьюга таклиф этилган кимса билан то кўрсатув ёки эшиттириш ёзиб олингунга қадар уюштирилган суҳбатидир. Бу олиб борувчи ёки репортёрга масалани қанчалик тўғри қўйилганини аниқлаш, маълумотларни текшириб кўриш имконини бериш билан бирга суҳбатдошининг ҳам мўлжалланаётган мавзунини тасаввур қилишига кўмак беради. Бу йўсин журналистга ўша соҳада билим олиш ва суҳбат мавзусига кириб бориш имконини беради.

Ҳозирлик кўриш бирор шахс портрети билан боғлиқ ишларда ҳам катта аҳамияга эга. Маълумот тўплаш учун ўша шахснинг дўстлари билан суҳбат, ишдошлари билан учрашиш, қаҳрамонининг аввалги интервьюларини эшитиш ва кўриш, унинг мақолалари ва нутқларини кўриб чиқиш кабилар тайёргарлик ишларининг табиий таркибий қисмларидир. Бироқ мана шундай жиддий тайёргарлик асносида журналист ўзи тўплаган маълумот юки остида қолиб кетиши хавфи ҳам бор. Муҳокама манбаи бўлмиш ҳодиса ёки шахсни ташқаридан туриб кузатиш натижалари кўп ҳолларда бир портретдан иккинчисига кўчириб ўтказилади. Мужмаллик, афсона, нотўғри ахборотлар вақт ўтиши билан мустаҳкам ўрнашиб, кўрсатув ва мақолалардан ўрин ола бошлайди. Бора-бора интервью қаҳрамони қандайдир афсонавий бир инсонга айланиб қолади. Архив материаллари асосида интервью-портретга тайёргарлик кўрувчи журналист олд фикр домига тушиб, мазкур шахс ҳақидаги яқка шахс қараши, тасаввурига берилади ва журналист учун ушбу кишининг аслида ҳозир нималар деяётгани, қилаётгани аҳамиятсиз бўлиб қолади. Интервью-портретга тайёргарликнинг энг муҳим шартларидан бири ишга олд фикрсиз киришдир.

## Саволни тўғри қўйиш

Аслида мукамаллик назаридан интервьюга ҳозирлик кўраётган репортёр соатлаб кутубхонада китоб, маълумотнома, газеталар, архив ёзмаларини ўқиб, титкилаб чиқиши, айни чоғда олд интервью уюштириши ва маълумот тўплаш учун суҳбатлар ўтказишга ҳам улгуриши керак бўлади. Лекин муҳарририятнинг тикилинч ишлари, асабий ҳолати, улгуриш зарурияти каби асл вазиятдан келиб чиқилганда, ишлар доим бошқача кетади. Қўпинча интервьюга ҳозирлик жараёнида ўз касбдошлари билангина маслаҳатлашиб олишга ҳам зўрға улгуришади.

Журналист биринчи навбатда қандай интервью олмакчи, нима ҳақида, мақсади нима эканлигини белгилаб олиши шарт. Бу дегани, журналист олдиндан бериладиган саволларни белгилаб, ёзиб қўйиши деганидир. Атрофлича идрок қилинган, қисқа, лўнда ва жўн саволлар энг яхши саволлардир. Масалага киришишда баъзан журналистнинг қизиқувчанлиги иш беради: мен анчадан бери билишга қизиқардимки ёки бизнинг тингловчиларимиз ёхуд томошабинларимизга мана бу нарсаларни билиш қизиқарлидир...

Ҳар бир савол масаланинг фақат бир томонига тааллуқли бўлмоғи жоиз. Бирваракайига икки саволни қўйсангиз, интервьючи ўзига нобоп бўлган саволдан сирпаниб чиқиб кетишига имкон берасиз ва аслида бир саволга жавоб олишингиз мумкин. Савол сўроқ оҳангида бўлиши, зинҳор тасдиқ оҳангида бўлмаслиги муҳим. Саволни қўйишда интервьючининг ўз фикрини, ҳиссини, бошидан кечирганини баён қилиши учун имкон бўлишини ҳисобга олмақ керак. Шунинг учун ҳам «Ҳа» ва «Йўқ» билан қутиладиган саволлар ташламасликка эътибор берилади. Бошқаларга ғалати, қўпол бўлиб кўринадиган айрим саволлар гоҳида ҳеч қутилмаган, чуқур ва қизиқарли жавобларга ҳам олиб келади. Мана, шундайлардан бир нечаси:

- Ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?
- Нимани назарда тутяпсиз?
- Сиз қандай тасаввур қиласиз?
- Энди нима қилмоқчисиз?

Саволлар гайёрлаш журналистдан жиддий меҳнат талаб қилади, бироқ бу интервью давомида ҳозирлаб қўйилган ёзувларидан зарра четга чиқмаслиги керак дегани

эмас. Қоралама аслида журналистда ўзига ишонч туйғусини бериб, унинг ўзини бемалол тутишга имкон беради. Мен ёзмаларим дафтарчасини доим қўлимда, ушлаб турман, аммо унга камдан-кам қарайман. Саволларни тузгач, ҳеч қачон уни ёдлаб олмаганман.

Канадалик репортёр, ёзувчи ва журналистика домласи Жон Савотски интервью олиб бориш услуги устида кўп йиллардан бери иш олиб боради. У тавсия қилган услубларнинг асосийлари шундан иборатки, саволлар очик-ойдин, холис (бетараф) ва содда бўлмоғи керак. Очик саволлар интервьючини савол мазмунини ўйлаб, бор имконияти доирасида жавоб беришга мажбур қилади. Мазкур ҳолатда сиз фақат масаланинг изоҳинигина эмас, балки сўралувчининг ўз қарашини ҳам эшита оласиз. Лўнда жавоб бериладиган саволга «ха» ёки «йўқ» деб жавоб берган интервьючи кейинги тўлдиришида ўз жавоби йўналишини буриб юбориш имконига эга бўлади.

Саволлар холис бўлмоғи зарур. Ана шундагина интервьючи суҳбатнинг марказида бўла олади, борини тўкиб солади. Журналист қараши бўёғи билан сурорилган савол эса, суҳбат марказига журналистнинг ўзини қўяди.

Репортёр саволларни тузиб, уни кўчириб бўлгач, кичик бир тест ўтказса бўлади. Интервьючи тузилган саволларга жавоб бера оладими, у ушбу соҳада қанчалик маълумот-ахборотга эга, содир бўлган ҳодисага у жавобгарми?

Интервьюга тайёрланишнинг йўлларида бири — тузилган саволларга ўзининг жавоб бериб кўриши. Ўзинг ўша саволга жавоб бера оласанми? Мана шу кичик тест журналистни интервьюни кўнгилдагидек ўтишини таъминлайдиган навбатдаги муқобил саволларга етаклайди. Агар ўзингизни ўзингиз саволга тутгингиз келмаса, уни касбдошларингизга ёки бирор дўстингизга бериб кўринг. Сиёсатчилар матбуотчилар билан учрашишдан олдин машқ ўтказадилар. Бунда унинг ҳамкасблари журналистга ахборот берувчи сифатида саволлар берадилар. Мана шундай иш билан боғлиқ ўйинлар уларда баъзан масала билан яхши боғланмаган умумий жавоблар бериш малакасини ҳосил қилади. Интервьюни касбдошлар доирасида қўйиб кўриш — тасодифий, қутилмаган ҳолатларга тайёрланишнинг энг яхши йўлидир. Бундан ташқари, журналист ушбу жараёнда — бир неча дақиқа давомида ўзи тузган саволларнинг долзарблиги ва тўғрилиги борасида қаноат ҳосил қилиши мумкин.

## Табу — таъқиқ

Айрим савол турларини манъ этишга тўғри келади. Жон Савотски интервью олувчи журналистнинг «бало-қазоли» 10 гуруҳининг рўйхатини тузган:

**Ҳа, йўқ сўзларига жавоб бўлувчи саволлар**

**Сўроқ гаплар ўрнига тасдиқловчи гапни ишлатиш**

**Бирваракайига икки савол**

**Мураккаб, кўп маъноли саволлар**

**Жавоби ўзида бўлган саволлар**

**Саволда изоҳ ва ўз фикрини ифодалаш**

**Саволда тахмин ва уйдирма бўлиши**

**Саволда кимларгадир, нимагадир тамға қўйиш**

**Саволда муболағага йўл қўйиш**

**Тушуниш қийин бўлган чигал саволлар**

Афсуски, ушбу таъқиқларга биз кўп ҳам эътибор бервермаймиз, юқоридаги зикр этилган кўрсатмаларга амал қилмасдан тўлиқ ахборот олиш ва тарқатиш имкониятларини ўзимиз чегаралаб қўямиз. Репортёрлар йўл қўядиган энг кўп хатолардан бири жўнгина жавоб талаб қиладиган саволлар қўйиш ва сўроқ гап ўрнига тасдиқ гапларни қўллашидир. Интервью олиш санъатини мукамаллаштириш воситаларидан бири репортёр ўзининг эфирга узатилган эшиттириш ва кўрсатувларини қайта кўриб, эшитиб, юқоридаги рўйхат асосида таҳлил қилиб чиқиши ҳамдир.

Жон Савотскининг «бало-қазоли гуноҳ»лари сирасига мен бир саволлар туркумини тиркамоқчи эдимки, бу саволларни ташлаш мумкин-у, бироқ унинг жавоблари билан тингловчи ва томошабинларни азобга қўйиш шарт эмас. Гап тайинли маълумотлар олиш, рақамларни аниқлаш ёхуд воқеанинг ички томони ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мақсадида бериладиган ихчам саволлар устида кетмоқда. Албатта, репортёр воқеа ҳақида маълумот, билгиларга эга бўлиши ҳамда уни оммага тушунарли, содда қилиб етказиши шарт. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, ахборотларни умумлаштирувчи киши сиёсатчи ёки

кандайдир аскарый лавозим эгаси эмас, балки репортёр-дир. Интервью у ёки бу масаланинг чигал томонларини тингловчига, ўқувчига интервьючининг нуктаи назаридан, унинг ҳиссиётлари, таассуротлари воситасида етказилмоғи керак, интервью қуруқ рақамлару, ҳиссиз ҳодисалар баёни бўлиб қолмаслиги учун ҳам шундай қилинади.

— Жаноби капитан, портда неча киши ҳалок бўлганлигини айта олмайсизми?

— Тежаш мақсадида нечта болалар боғчаси ёпилиши мумкин (маҳаллий маъмурга савол)?

— Ишлаб чиқаришни чет элга кўчириш оқибатида қанча киши ишдан бўшатилиши мумкин?

Бир қараганда, бу саволлар унчаям ёмон эмас, бироқ ушбу саволларни кўйиш ва жавобини сўзлаб бериш билан биз ўз мавқеимизни бошқаларга бўшатиб беряпмиз. Журналист, фақат журналист йирик — 23 жараёни ҳақида гапириб бериши керак. Бизнинг — ўчирувчи масъулга берадиган саволимиз қуйидагича бўлиши керак: Нега сиз орқангизда — чиқиб турган бир аснода журналист билан суҳбатлашяпсиз? Маҳаллий маъмур эса, нима учун фалонга болалар боғчасини ёпишга қарор қилганлигини гапириб бериши лозим. Директорга муассасанинг даромади ҳақида, ишлаб чиқаришни четга чиқаргач, тузилган — битим\* ҳақида савол бериш керак.

Репортёр далиллар келтиради, масъул кишилар эса, нега, нима учун шундай бўлганлигини тушунтириб беради.

Бироқ, гап икки зид фикр бир-бири билан тўқнашадиган вазиятларда ҳам далилли саволлар бериш ўзини оқлайдигина эмас, ҳатто зарур ҳамдир. Бу муайян ҳодисанинг гувоҳи бўлган киши суҳбатига ҳам тегишли бўлиб, хикояни давом эттириш учун уни тасдиқловчи саволлар бериб турилади.

Менга қолса, «Агар бундай бўлса, сиз нима қилардингиз?» қабалидаги саволларни мутлақо манъ қилардим. Бундай саволларни суҳбатдан чиқариб ташлаш осон бўлиб, улар мазмунли суҳбатнинг белига тепади. Яна бир маслаҳат: ... «шундай бўлишига сиз кафил бўла оласизми?» тарзидаги аҳмоқона саволдан доим нари юринг.

\* Бу шундай битимки, унга биноан бош директор ўз лавозимидан нима сабабдан ва қай таҳлилда кетишидан қатъий назар муайян муддат давомида унинг ўзига берилиши керак бўлган маблағ бўлиб, унинг микдори доим жуда катта бўлади.

## Тузилиш (Таркиб)

Интервьюга тайёргарлик асносида сиз фақат саволлар тузиб, уни қайд қилиб қўйиш билан чекланмайсиз, балки унинг тузилишини ҳам пухта ўйлаб қўясиз. Журналист суҳбат жараёни тартибини, унинг тугуни, якуни ва суҳбат асносини драматургия қондаларига асосан ишлаб чиқади. Бу хусусан, оммавий ахборотнинг электрон воситалари учун муҳимдир, чунки бунда савол ва жавоблар кўпчиликка эшитилиб туради. Газетачи эса, интервью тугагач, жавобларни ўзи мақбул кўрган тарзда жойлаштириши мумкин. Тўғри, ҳозирги кунда радиожурналистга ҳам монтаж қилиш мушкул иш эмас, ҳатто теле-репортёр ҳам монтаж кўмагида суҳбатни ўзи истаган тарзда бера олиши мумкин, барибир, аслида саволларни мантиқий изчиллик асосида берган маъқул. Ана ўшанда интервьюнинг сифати анча яхшиланади. У муайян тартибли ва пухта бўлади.

Бировларга унча ёқинқирамаган саволларни беришдан чўчимаслик керак. Кўпинча репортёрнинг ўзи экспертнинг ҳиди келиб турадиган айланма, чигал, «ақлли» саволлар ўйлаб чиқариб, ишни пачава қилиб қўяди. Баъзи бировлар ўзини энди жуда етилган, тажрибали журналист ҳисоблаб, оддий жайдари саволлар беришдан тортинади. Яқиндагина йирик, долзарб бир ҳодиса ва воқеанинг иштирокчиси бўлган инсонга «қалай, энди?» хилидаги жуда жўн саволдан нега бошлаб бўлмайди?

Бу одми савол эндигина гаровликдан қутилган, маҳкама биносидан ҳозиргина озод қилинган айбланувчида ҳам, сайловда ғолиб чиққан сиёсатчида ҳам, югуриш бўйича ютиб чиққан спортчида ҳам ўзининг ҳисси, ҳаяжони, кечинмаларини сўзлаб беришига мойиллик туғдирадики, бу албатта, томошабин учун ҳам, тингловчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам бирдай қизиқарлидир. Бу саволни турлича шаклда ўзгартириш мумкин, монтаж вақтида қирқиб ташлаш мумкин, лекин ундан асосий мақсад — воқеа-ҳодиса иштирокчисининг ҳис-ҳаяжонини, кечинмасини жойида ифода этишидир.

Иккинчи бир содда, жўн, табиий бир савол бу, «нега?» бўлиб, уни жамиятда тортишув ва мунозараларга сабаб бўлган муайян қарор қабул қилинишидаги масъул



шахсларга бериш мумкин. Қандайдир муҳим ва қизиқарли ҳодиса рўй берар экан, ҳар биримиз уни нега ва қандай содир бўлганлигини билгимиз келади. Шунинг учун ҳам ушбу икки савол кўрсатилган вазиятларда суҳбатни бошлаш учун қўл келади.

Суҳбат охирини эса келажакка қаратилган «Энди нима қилмоқчисиз?», «Кейинги қадамингиз қандай бўлади?» каби одми саволлар билан тугатиш мумкин. Ажабланарлиси шундаки, жўн саволлар бериш, энг дадил ва тажрибали журналистларга хосдир.

Пухта тайёргарлик кўрилган интервьюда уни тадрижий тартибли ва мантиққа мос бўлишини таъмин этадиган бир неча асосий саволлар бўлади. Бундай саволлар интервьюнинг устунлари, унинг драматургик заминидир. Шунинг билан бирга унда муқобил ёки кезакдаги саволлар деб аталувчи сўроқлар ҳам бўлади. Булар суҳбатдош жавобига уйғун ҳолда изоҳловчи, аниқловчи ёки рад қилувчи саволлар бўлади. Бу саволларни тайинли бир интервью учун олдиндан тайёрлаб қўйиш ёки муштарак бир шаклни ишлаб чиқиш мумкин.

Интервью таҳлилини уч ўлчамда ўтказиш мумкин: Асосийси — мавзу, олдиндан ўйлаб қўйилган муқобил ва кутилмаган саволлар. Интервьюнинг устунини суҳбатни бошловчи, уни ривожлантириб борувчи ва яқунловчи олдиндан тайёрлаб қўйилган асосий саволлар ташкил этади. Иккинчи ўлчам, олдиндан тайёрланган муқобил саволлар бўлиб, улар «агар суҳбатдошим бундай деса, бу саволни бераман, агар бошқача жавоб берса, мана бунисини бераман, яна бошқачароқ сўзласа, унда уни-буни сўрайман» қабалида тузилган бўлади. Учинчиси, кутилмаган, вазиятдан келиб чиққан саволлар. Бу интервьюдаги энг мураккаб ҳолат бўлса, ажаб эмас. Сиз олдиндан ўйлаб қўйган саволингизга ҳеч кутилмаган жавоб оласиз ва бу жавобга сиз тезлик билан муносабат билдиришингиз керак. Интервью давомида доимо кутилмаган нарсаларга шай турмоқ лозим. Интервьюда кескин, фавқулотда ўзгариш суҳбатнинг қизиқарлилиги белгисидир. Ана шундагина суҳбат ҳеч кутилмаган тус олади, демак, вазият юмшайди ёки аксинча, кескинлашади.

Интервьюни воқеани ўзидан, куннинг янгилигидан бошланг. Гаровдан озод қилингандан, ўзини қандай ҳис қилишини, истеъфо берган вазирдан, нега бу қарорга келганлигини (F1). Биринчи жавоб репортёр томонидан олдиндан ҳозирлаган савол билан ойдинлаштирилиши мумкин (F2).


— Шунча киши орасидан нега фақат сизни қўйиб юборишди?

— Кеча нега айнан мана шу саволга бошқача жавоб бергандигиз?

Ойдинлаштирувчи саволлардан сўнг журналист асосий мавзуга (F3) қайтади ва кутилмаган жавоб олади (S3), буни у интервьюнинг кутилмаган қисмида давом эттириши керак (F4), бу яна бир ойдинлаштиришни талаб қилиши мумкин (F5), журналист буни асосий мавзуга қайтишдан олдин бажариши керак (F6).

Яна бир олдиндан тайёрланган муқобил саволга (F7) кутилмаган жавоб бўлади. Бу мўлжалланган асосий саволларнинг бири жавобдан келиб чиқадиган суҳбат аснодаги савол билан алмашилишига олиб келади (F8).

Ундан кейин мўлжалдаги (F9) саволга (F10) ўтилади: Тахминан — Энди нима қилмоқчисиз? деган савол келажакка ҳавола қилувчи жавобга олиб келиши мумкин (S10).



## Тинглаш қобилияти

Интервьюга жон бағишлаш учун, суҳбат маромига мос саволлар бериш учун репортёрда тинглаш қобилияти бўлмоғи керак. Интервьюга тайёргарлик қўриш, саволлар тузиш-у уни ёзиб олиш бу ишнинг ярмидир. Ўз суҳбатдошини жон қулоғи билан тинглаш муваффақиятли интервьюнинг иккинчи ярмидир. Жуда изчил тайёргарлик натижасида репортёр ўз саволларини шунчаки

бефарқ бериши ва суҳбатдошининг жавобини тингламаслиги мумкин. Бундай журналистнинг калласини: «Тугат, тугат тезроқ, калтафаҳм, мен тезроқ навбатдаги эсингни тескари қиладиган саволимни беришим керак» деган ўй қоплаб олган бўлади. Бундай ишнинг оқибатида бир маромли, қолипли ва совуқ интервью туғилади.

Тўғридан-тўғри эфирда интервью олиб борувчи ҳар бир журналист унинг суҳбатдоши суҳбат давомида тўсатдан кутилмаган нарсани гапириб юборишидан чўчийди. Тинглаш қобилиятига эга бўлган репортёр аини чоғда вазиятдан чиқиб кетиш истеъдодига ҳам эга бўлиши керак. Гап жавобнинг тайинлилик томонида эмас, балки интервьюнинг ҳаяжонли томонида. Агар суҳбатдош маъюс, эзилган ҳолатда бўлиб, у паст оҳангда гапирса, журналист ҳам унинг ҳолатига мос оҳангда, гапириш тезлигига уйғун тарзда бўлмоғи зарур. Бунинг аксича, олимпия ўйинларининг бахтли чемпиони қулоғига ўз саволларини шипшитиб қўйиш ёки унга ғамхўрлик қилишнинг кераги бўлмаса керак. Журналист жавоблар мазмунини, суҳбатдоши кайфиятини кузатиб бора олиши даркор. Интервью чоғида бир дам ҳам хушёрликни йўқотмаслик керак: жавобда кимнингдир шаънига тегувчи, баҳоловчи иборалар кетиб қолса, уни жавобсиз қолдирмаслик лозим. Бундай ифодаларни журналист ўз вақтида изоҳлаши ёки унга эътироз билдириши зарур бўлади. Ноаниқ ифодалар, тушунарсиз атамалар эса ойдинлаштирилиб берилади. Айрим ҳолларда, интервью олиб борувчи журналист суҳбат йўналиши ва усулини кескин ўзгартириши зарурияти ҳам туғилади. Агар суҳбатдош кўпчилик меҳрини қозониш учун ўзини гўё қийин аҳволда қолган, таъкиб қилинган қилиб кўрсатмоқчи бўлса, журналист интервьюни кимнидир айбловчи оҳангда олиб бориши тўғри бўлмайди. Яна таъкидлайманки, кўп нарса суҳбатдошни тинглаб эшитишга боғлиқ.

Интервью пайтида жойлашишга ҳам эътибор керак. Интервьючига жуда яқин ўтириш тавсия қилинмайди, чунки биринчидан, кадрда сиқиклик вужудга келади, иккинчидан, суҳбатдошнинг диққатига таъсир қилиб, бемалол жавоб бера олмайди. Бошқа томондан эса, ундан жуда узоқ ҳам ўтирмаслик керак, чунки бундай ҳолда зўриқиш, зўраки муҳит ҳосил бўлади. Қандай жойлашишни ҳал қилишда ўз туйғунгиз ва тажрибангиздан келиб чиқиш яхши. Муҳими, иккала томон ҳам ўзини

кулай ва эркин сезсин. Репортёр суҳбатдошининг кўзига қарай олишни ҳам билиши муҳим.

Ҳоҳида сўзлаётган кишига репортёрнинг бир қараши ёки қошининг ҳаракати сўзловчининг мавзуни давом эттириши учун етарли бўлади. Телевизион интервьюда интервьючи саволларга жавоб берар экан, кўзларини ҳар томон ўйнатиб қарамасдан ёки тошдай қотиб камерага тикилмасдан журналистга қараб бемалол сўзлагани маъқул. Интервью бериб кўникмаган кишига камера олдида ўзини қандай тутиш кераклиги тушунтирилади. Агар суҳбатдошингиз гапириб туриб, сизнинг кўзларингизни изласа, унинг қарабини сиз ҳам қабул қилишга ўрганинг.

Радиорепортёр суҳбатдошининг гапларини бошини кимирлатиб ёки табассум билан маъқуллаши мумкин, бироқ тележурналист шундай қилса, томошабиннинг энсаси کوتади ва суҳбатни илғаб олишига халақит беради. Радиорепортёрнинг интервьюда ҳадеб тасдиқлаб туриши, ортикча кулги ва ҳаяжон ифодаси ҳам ана шундай салбий таъсир этади. Савол ташлагач, радиожурналист жим ўтириб, жавобини эшитиши мақбулдир. Суҳбатдошнинг сўзини чала қолдириб бўлиш ярамайди, унга фикрини охиригача айтишга имкон яратиш керак. Бу фақат суҳбатдошга бўлган эҳтиромнигина намоён қилиш бўлмай, монтаж жараёнини ҳам енгиллаштиради. Икки овоз бирданига гапириб турган, бир овоз иккинчисини бўлиб турадиган ёзув билан ишлаш қийин кечади. Албатта, баъзан сўзга тушиб кетган сўзамол суҳбатдошни бўлиб қўйиш зарурияти бор. Бироқ, буни майин оҳанг билан, имкони бўлса, бўлиш сабабини тушунтириб бажариш яхши. Малакали репортёр суҳбатдошини нафасини ростлаш учун бироз дам олишини кутиб туради.

Сирасини айтганда, сукут сақлаш баъзан энг яхши саволнинг ўрнини босади. Журналистнинг савол маъносига қараши, бошининг ҳаракати ёки сукут ҳеч қутилмаган жавобларга сабаб бўлиши мумкин.

Суҳбатдошини эътибор билан тинглаган малакали репортёр суҳбат давомидаёқ баъзи қисқа ва мазмунли ифодаларни танлаб олиб, интервьюнинг дастлабки ёки охириги жумласи сифатида фойдаланиши мумкин. Шундай бўлганда, журналист ҳали суҳбат чоғидаёқ монтаж ишларини ҳаёлан бошлаб юборган бўлади.

Кўринадики, савол ташлаб қўйган журналист жавоб-

ни диққат билан тинглаш, кутилмаган, қизиқ жумлаларни ўтказиб юбормаслик билан ишнинг кейинги босқичи интервью монтажга ҳам тайёргарлик кўради. Репортёр вазифасига қанчалик ҳозирланганидан қатъий назар, у суҳбат сўнгида камера ёки магнитофон ўчирилгандан кейингина бемалол тин олади.

Ҳар бир журналист унинг интервьюси бемалол ва табиий суҳбат шаклида ўтишини хоҳлайди. Бироқ, тан олмоқ керакки, бунга эришиш қийин кечади. Репортёр ҳам, суҳбатдош ҳам бу икки кишининг одатдаги суҳбати эмаслигини, уларнинг ҳар бир сўзини томошабин ва тингловчи кузатиб турганлигини ҳис этадилар. Ҳатто жуда эмин-эркин, табиий ҳолда ҳам микрофон ва камера бу суҳбат олдий эмаслигини эслатиб туради. Микрофон қаршисида маҳмадона сиёсатчи дудуқланиб, тутилиб қолиши, телестудия вазирни ҳам ваҳимага тушириши мумкин.

## Интервьюларнинг турлари

Журналистлар доирасида интервьюни «синхрон» деб ҳам аташади. Бу атаманинг пайдо бўлиши илдизлари ҳали овозлар алоҳида махсус тасмаларга ёзиладиган дастлабки овозли фильмлар даврига етиб боради. Монтаж вақтида овоз ва тасвирни уйғунлаштириш керак бўларди. Тўғри, ҳозир бу усулдан ҳеч ким фойдаланмайди, бироқ ушбу тушунча йўқолиб кетмади ва атама сифатида журналистлар орасида сақланиб қолди.

Ахлоқий норма ва амалий усуллар тўлалигича интервью турига боғлиқдир. Умрида бирон марта интервью бермаган киши билан тажрибали сиёсатчидан интервью олишда бир хил ёндошиб бўлмайди. Қарашлар интервьюси, кўзи билан кўрганлар интервьюси, конфронтация интервьюси, матбуот конференцияси ва фактик интервьюлар бир-биридан фарқ қилади.

Қарашлар интервьюси — интервьюлар ичида энг кенг тарқалгани. Бунда суҳбатдош машҳур сиёсатчи ва олим айтиши чоғда ҳеч ким танимайдиган ўткинчи бўлиши мумкин. Бундай интервьюдан мақсад интервьючининг аниқ бир масала бўйича фикрини билишдир.

— Эресун бўғози орқали кўприк қуриш ҳақида сиз нима дейсиз?

— Уни атроф-муҳитга таъсири бўлармикан?

— Нимани назарда тутаясиз?

Бундаи интервьюларни мураккаблаштириб юбориш ярамайди. Унинг мақсади интервьючиларнинг қарашларини ифодалашгагина қаратилган. Саволга жавоб бераётган кишининг фикрини кейинроқ, бошқа қарашлар билан тўқнаштириш ёки репортёр саволлари билан тўлдириш мумкин. Бундай интервьюда кенг тарқалган услублардан бири бир суҳбатда икки томонни ҳам акс эттириш бўлиб журналист саволларида бир-бирига зид қарашлар акс этган бўлиши керак. Интервьюнинг бу турида журналист сиёсатчига икки сиёсий қарама-қарши кутбга эга бўлган саволлар билан мурожаат қилса, йирик муассаса раҳбарига акционерни ҳамда ташкилот ишчиларини қандай ташвишлари борлиги ҳақида сўраши жоиз. Бу ҳолатларда журналист суҳбатдошнинг далил ва исботларини эшитиш учун савол беради.

Маҳмадона сиёсатчи билан суҳбатда уни сиқиштириб талвасага тушириб қўйиш учун ҳам журналист хужумкор йўлни танлаши мумкин, лекин кўчадан ўтаётган одамга нисбатан доим хушмуомала бўлмоғи даркор. Бу деганимиз, кўчадан ўтаётган Худонинг оддий бир бандасига мураккаб савол бериб бўлмайди, ёки унинг жавобини рад қилиб бўлмайди, деганимиз эмас. Бирор нарсага норозилик билдирган, бирор қарор-қонундан қониқмаган ҳар бир инсон ўз фикрини тушунтира олиши ва уни химоя қила билиши зарурдир. Кўпгина журналистлар оддий кишилар билан суҳбатда уларни ранжитмаслик учун кескин, ўткир саволлар беришдан ва инкор қилишдан атайлаб қочадилар.

**Кўрган киши билан интервью** — фалокат, касофат ёки жинойт каби воқеа-ҳодисаларни кўрган, билган киши билан суҳбат.

- Нима бўлганлигини сўзлаб берсангиз!
- Нималарни ўзингиз кўрдингиз?
- Бунинг ҳаммаси қандай бўлди?
- Ҳозирги туйғуларингиз қанақа?

Кўрган киши билан суҳбат бошланишида репортёрнинг жим туриши энг яхши саволдан ҳам кўпроқ самара беради. Айни пайтда бундай интервьюларда репортёрга жуда кўп масъулият юкланади. Довдираб, эсхонаси чиқиб кетган кишилар, кўпинча, ўзларини одатдагидек тута олмайдилар: ўз хатти-ҳаракати ва ҳаяжонини бошқара олмайдилар. Автомобил фалокати билан эндигина ўғлидан ажраб қолган она, суҳбат давомида вос-вос бўлиб,

хатто кулиб юбориши мумкин. Буни телевизор экранида кўрсатиш журналист томонидан ҳам, мухарририят томонидан ҳам, жуда катта хато ҳисобланади. Биз фожиани бошидан кечирган кишилар ҳиссиётини ҳурмат қилишга мажбурмиз.

Кўрган кишининг суҳбати радио ва телевидениенинг энг ром қилувчи ва қизиқарли амалий томонларидан биридир. Гувоҳ ёки иштирокчининг воқеа-ҳодиса ҳақида ўз сўзлари билан гапириб бериши ва бу ҳақда газетада ўқиш орасида жуда катта фарқ бор. Ушбу вазиятда репортёрнинг вазифаси суҳбатдошининг гапларини турли саволлар ва лукмалар билан бўлмасдан, охиригача эшитишдан иборатдир.

**«Қарама-қарши» интервью.** — мутлақо бошқача жанр. Бундай интервьюда биз ҳукмдорларни танг аҳволга туширишимиз, ўз хатти-ҳаракатларини изоҳлаб беришга мажбур қилишимиз мумкин. Танқид қилинувчи унга берилган дашномларга тўлиқ жавоб бериш имкониятига эга бўлиш билан бирга, унга кўплаб шафқатсиз очиб ташловчи саволлар берилишига ҳам тайёр бўлиши керак.

— Сиз хизмат қарз васиқангиздан нима учун шахсий манфаатингиз йўлида фойдаландингиз?

— Тунги клуб сизга ёққандир-а?

— Сизни хотинбоз деювчиларга нима дея оласиз?

— Саунада фоҳишалар билан нима қилдингиз?

Бундай интервью тайёргарлик ва уни ўтказиш тартиби бошқаларидан анча фарқ қилади. Бунда интервьючи билан ёзув бошлангунга қадар самимий суҳбат қуришнинг иложи йўқ, унга саволлар билан олдиндан танишиб олиш имкони берилмайди, синов суратга олиш имкони йўқ. Бундай интервью олиб боришнинг суръати ва йўли ҳужумкор бўлади. Энг ашаддий ва ўтқир саволдан кейин тутақиб хонадан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Агар, интервьюни айнан шу саволингиздан бошласангиз, умуман интервью олишдан маҳрум бўлишингиз ҳам эҳтимол.

Танг аҳволга туширилган сиёсатчи ёки амалдор кўп ҳолларда «Чеккер» усулини қўллашади. Бу усул дастлаб 1952 йилда сайлов олди компаниясида Ричард Никсон томонидан қўлланган эди. Ўша пайтда сенатор Никсон ўз номзодини АҚШ вице-президентлигига қўйган пайти. Никсонни сайловолди компанияси чоғида пора олган-

ликда айблашаётган эди. Никсон тўрт томонидан бўлаётган сиқув, ҳужумдан ҳимояланиш учун нутқ сўзлашга қарор қилди. Сиёсий кураш тарихида биринчи марта бу нутқ тўғри эфир орқали узатилди. Бўғрилиб ва бўзариб кетган Никсон камерага тик қараб, Америка халқи олдида ўзи ишлаб топган ва ишлатган ҳар бир цент устида ҳисоб беришга тайёр эканлигини билдирди. Унинг бечора хотини қундуз ёқали пальто сотиб ололмай, оддийгина пальто билан қаноат қилишга мажбур бўлибди. Ҳозирга галва эса, деб таъкидлади Никсон, ичи қора либералларнинг бетиним ифвоси оқибатидан бошқа нарса эмас. Улар бу борада шунчаликка бориб етибдиларки, уни олачипор Чеккер\* итини совға (яъни пора) сифатида қабул қилишда айблабдилар.

Камера тўғрисида тантанавор оҳангда: «Майли, улар оғзига келганини қайтармасинлар, барибир биз итни ўзимизда олиб қоламиз» дейиш билан, у томошабинлар хурматини қозонди ва камера рўпарасида турган киши хотинини ҳамда ҳайвонларни сеувучи инсон, деган тасаввур қолдирди. Уни сайладилар. Балки, бу сайланиш ўз навбатида тарихий ўзгаришларга ҳам олиб келгандир.

«Чеккер»нинг усули аслида ўзига нисбатан ҳурмат ва ҳамдардлик уйғотиш бўлиб, «ичи қора журналистларнинг ягона мақсади эса бошқаларни қоралаш, уларга зиён етказиш, мен ва менинг каби тазйиққа учраган оиламга адолатсизлик қилишди, бизни заҳарлайдилар, сиқувга оладилар». Ажабланарлисиси шуки, ушбу мутлақо очиқ-ойдин тактик усул жуда кўп сиёсатчиларга ҳар хил сиёсий жанжалларда қўл келади, қўл келмоқда ва уларга галаба келтиради, келтирмоқда.

Интервью олиб борувчи репортёр мазкур усулни суҳбатдоши қўллаб қолишига доим шай турмоғи ва у қўйган тузоққа чап бермоғи керак. Интервьючи йиғламсираб, унга нисбатан адолатсизлик бўлаётгани, тазйиқ ва таъқиб қилинаётгани ҳақида гапира бошлаган пайтда журналист қийин аҳволга тушиб қолади, яна бир оғир, шарманда қилувчи савол беришга тортинади.

«Чеккер» усулидаги тузоқнинг мақсади ҳам ана шунда. Репортёрга «ўлганнинг устига чиқиб тепавер» деб, таъна қилгандай вазият вужудга келтирилади. Ушбу вазиятдан чиқиб кетишнинг энг қулай йўли — суҳбат мав-

\* «Checker» — шахмат тахтаси.



зусини кескин ўзгартириб, тингловчи ёки томошабинга суҳбатдошининг кўз ёшлари сохта эканлигини кўрсатишдир.

— Оммавий ахборот воситалари сизга нисбатан қандай адолатсизлик қилди?

— Сизнинг ётовингиз деразасидан ким суратга туширган бўлиши мумкин?

— Бу қачон бўлган эди?

Астойдил ва хотиржам берилган саволлар суҳбатдош ўзича камера ёки микрофон олдида ҳосил қилмоқчи бўлган сохта обрўни тезда чилпарчин қилиши мумкин. Журналистларни айбловчи баёнотига аниқлик киритиши учун берилган қўшимча саволлар эса, унинг ўзини тум-тарақли усулини фош қилишга олиб келади. Агар репортёр ўзига қўйилган кўз илғамас тузоқни пайқамай, айбловчи оҳангда фош қилувчи саволларни қаторлаштириб ташлайверса, сўзсиз, интервьючи омманинг мойиллигини қозонади. Тажовузкор саволлар доим кўзланган мақсадга етаклайвермайди. Аксинча, совуққонлик ва ишонч билан берилган ҳамдардлик ва холислик оҳангидаги саволлар кўпроқ самара беради.

Матбуот конференцияси шароитида тўлақонли интервью олишнинг ўзига хос қийинчилиги бор. «Чеккер» усулини қўллаган амалдорлар ҳатто бир-бирини турткилаб, ҳар бири ўз саволини беришга шошилаётган бир тўда репортёрлар қуршовида ҳам сувдан қуруқ чиқиш имконига эга. Одатда мудроқ кайфиятда ўтадиган швед пресс-конференцияларида саволлар камдан-кам берилса ҳам. Баъзида маҳаллий маъмурларнинг матбуот-конференциясида лўқма ташловчилар кам топилади. Одатда Швецияда ўтказиладиган матбуот конференцияларининг ўзига хос тартиби бор: пресс-конференция ташкилотчиси воқеа-ҳодисани, қарорни, умуман масалани батафсил баён қилади, ундан кейингина мухбирлар савол беришига имкон туғилади. Теле ва радиожурналист пресс-конференцияни тўлиқ ёзиб олгани маъқул. Бу кейинроқ бирор ишда асқотиб қолиши мумкин. Агар гап Бош вазирнинг истеъфоси каби йирик ва муҳим масала устида бўлса, тингловчи, томошабин унинг бундай қарорга келишининг тафсилотларини тўлиқ эшитиш ва билишдан манфаатдордир.

Швеция матбуот-конференцияларининг хусусиятларидан бири шуки, журналист ҳали гапиришга ижозат бе-

рилмасидан олдин ҳам гап олиши мумкин. АҚШда президент матбуот-конференциясида эса, президентнинг ўзи ёки унинг матбуот котиби танлаган журналистларига сўз берадилар. Бошқаларга эса, шуларнинг омадлисига бирор нарсага шарҳ беришга изн берилади.

Бундай вазият ҳукуматдорларга ахборот устидан чекланмаган назорат ўрнатиш имконини беради. Ёқтирмаган журналистларни пайқамаслик, ёқимсиз саволларга жавоб бермаслик мумкин. Агар президент конференция охирида шарҳ борасидаги ягона изн берилган саволга тегиб ўтса, шунинг ўзи катта гап. Шунинг учун ҳам швед журналистлари узоқ йиллар давомида матбуот-конференцияси ташкилотчилари томонидангина ОАВ ходимларига сўз бериш тартибига қарши чиқиб келдилар. Бу кураш жараёни кўп ҳолларда ишга ҳалал бериб, матбуот-конференцияларини лўли бозорга айлантириб юборди, мухбирлар бир-бирига қарамай бор овози билан савол беришар, бир-бирига ҳалақит беришарди. Розенбад Давлат девонининг Белла Венеция залида ўтказилган матбуот-конференциясида биринчи қаторда ўтирган радио ва телерепортёрлар ҳар бири ўз саволини бериш учун, бир-бирини бўлиб, бир-бири билан талашиб кетишди.

Тўғри эфирда бир неча бор тўс-тўполондан кейин, журналистлар матбуот конференциясида репортёрларнинг ўзини тутиши ҳақида қоида ишлаб чиқишга жазм қилдилар. То, тадбир бошлангунга қадар репортёрлар йиғилиб, ким биринчи савол беришини келишиб оладиган бўлишди. Албатта, бунда биринчи савол бериш ҳуқуқи матбуот конференциясини тўғри эфирга берувчи муҳарририят мухбирларига берилди. Норасмий келишувга биноан эса, бунга парламентдан репортаж олувчилар уюшмаси аъзолари орасида келишилган, савол берган мухбир мавзуни яна икки ёки уч савол билан давом эттириши мумкин, бироқ бундан кўп эмас, кейин бошқага навбат бериши лозим бўлади. Бу ихтиёрий битим энг эпчил ва удабурон репортёрларни залда ҳукмронлик қилишига йўл қўймайдиган омилдир.

Савол беришни ҳеч эплай олмаган журналистга кўмак тариқасида, қабул қилинган келишувга биноан, конференцияда бир зум вужудга келган жимликдан фойдаланиб, ўрnidан туриб, бор овози билан қисқа, ихчам, лўнда савол беришга руҳсат берилиши бўлди. Одатда, бу тўсат-

дан портлаган бомба самарасини беради: залда ўтирган гапга чечан репортёрлар ҳам бир лаҳза лол қолади. Бироқ, бу усулни суистеъмол қилиш ярамайди, чунки у ўз самарасини жуда тез йўқотади.

## Хулқ масаласи

Интервью олмоқчи бўлган кишингизнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилишингиз даркор. Агар у мўлжалланган интервьюнинг шарт-шароитини: қайси қаналда берилиши, қайси дастурда кўрсатилиб, қанча вақт давом этишини, масаланинг моҳиятини билишни истаса, имкони борича бу билан ҳисоблашмоқ керак.

Белгиланган суҳбатнинг қамраб олувчи масалаларини аввалдан аниқлаш қийин, бу зарур ҳам эмас. Зотан, уларнинг кўпи суҳбатдошнинг жавобидан келиб чиқади, бундан ташқари доимо кутилмаган ва тўсатдан берилган савол-жавобларга имкон қолдириш зарурияти ҳам бор. Бошқа томондан қаралса, репортёр суҳбатдошига интервьюнинг мақсади, йўсини ҳақида гапириб бериши ва муҳокамадаги мавзунини ойдинлаштириши мумкин.

Агар интервьючи бирон-бир қарори ёки қилмиши учун танқид қилинса, у танқидга жавоб бера олиши учун ҳолис ва ҳалол имконият яратмоқ лозим. Афсуслар бўлсинки, кўпгина репортёрлар бунга амал қилмайдилар. Бу интервьючига нисбатан ахлоқсизлик ва адолатсизликдир. Интервьюни интервью берувчи учун тузоққа айлантириш ярамайди. У ўз шаънига билдирган дашномлар учун жавоб бера олиш имконига эга бўлиши керак. Бошқа томондан мухбир ҳамма саволларни унга олдиндан маълум қилишга бурчли эмас. У бу саволларни ўрни келганда беришга, қайсидир жавобига аниқлик киритишни талаб қилишга, ҳатто суҳбатдошини тўсатдан берилган савол билан шошириб қўйишга ҳақлидир.

Ёзиб олинган интервьюнинг монтажи ҳам ҳалол қилиниши керак. «Ҳа», «йўқ»қа алмаштирилмайди, жавоблар тўлиқ берилади, фикр маъзига таъсир этадиган даражада қирқилмайди, чайналинмайди. Репортёрнинг саволи бошқа савол билан алмаштирилмайди. Овоз ва тасвирий тизма замонавий техникадан фойдаланган ҳолда лўттивозлик қилиш ахлоқ нуқтаи назаридан мутлақо мумкин эмас. Репортёрда жуда катта масъулият бордир.

Агар интервью берувчи киши интервьюда қатнашиши

учун муайян шарт-шароитлар яратилишини талаб қилса, унда мухбир ёки унинг мухарририяти нима қилиши керак? Биринчидан ҳар бир киши интервью беришга мажбур деган қонун йўқ. Иккинчи томондан, ОАВ вакиллари билан суҳбатдан ўзини олиб қочаётганларга журналист саволлар беришга ҳақлигина эмас, ҳатто бурчлидир.

Аслида, интервью беришини сўраган ҳар бир одамингиз суҳбат учун муайян шартларни қўйиш эҳтимоли бор. Мухарририят, агар бу талабларни ўринсиз деб билса, уни рад этишга тўла ҳақлидир. Дастурни олиб борувчи қўйилган талаблар мухбир саволларига жавоб беришдан қочишнинг бир баҳонаси эканлигини билдириши ва таҳририят вазиятдан чиқиб кетишнинг бошқа йўллари топиши мумкин. Жумладан, ўша саволларга жавоб беришни муҳолифат вакилларидан ёки танқидчиларидан илтимос қилиши билан бирга саволларни ўзинигина ўқиб бериши ёки жавоб беришни истамаган кишига жамоатчилик орасида рўбарў келиб унга саволларни яна ташлаши ва буни қайта-қайта бажариши ҳам мумкин.

Интервьючининг рад этиши мухарририятнинг мазкур масала бўйича далил ва танқидий фикрини оммага етказишга ҳалал бера олмайди. Швецияда сўз эркинлигининг энг муҳим узви бўлган бу банд 50-йилларда ҳам ҳали ҳаммага равшан эмасди. Ўша чоғларда «агар сиёсатчи, амалдор, масъул ходим ёки қарама-қарши томонлардан бири интервьюда қатнашишдан бш тортса, радио ўша шахсга қаратилган танқидини ичига ютиши лозим, деган ёзилмаган бир қоида амал қиларди. Узоқ ва қизгин давом этган тортишувлардан кейин 1956 йилда бу табу бекор қилинди. Ҳозирги кунда Швециядаги бирор таҳририят журналист саволларига жавобдан ўзини олиб қочган бирон сиёсатчи ёки мансабдор шахсни танқид қилишни тўхтатиб қўймайди. Дастур олиб борувчи ёки журналист интервью берувчи ёлғон сўзлаётган пайтда буни очиқ ва жойида айтишга ҳам тўлиқ ҳақлидир.

Ахлоқ нуқтаи назаридан мансабдор шахс мўлжалланган интервьюга бирор журналистни танлаши мутлақо йўл қўйилмайдиган ҳолатдир. Биз сиёсатчига ёки муассаса бошлиғига ўзига мойил бўлган журналистни, ўзи ёқтирган канални танлашига йўл қўя олмаймиз. Мазкур вазифани ким яхши уддалай олишини фақат мухарририятнинг ўзи ҳал этмоғи мақбулдир. Сиёсатчи ёки мансаб-

дор бериладиган саволлар матнини олдиндан талаб қилиши, ҳатто тўғри эфирда қатнашишини ҳам талаб қилиши мумкин, бироқ, айти пайтда, таҳририят ҳам бу талабларни тўлиқ рад этиш ҳуқуқига эгагина бўлиб қолмай, у билан интервью ўтказишдан мутлақо воз кечиш ҳуқуқига ҳам эгадир. ОАВ мансабдорлар, сиёсатчилар, ташкилот директорлари ўзлари ҳамкорлик қилишни истаган мухбирларни эмас, балки муҳарририятни танлаш масаласига унчалик эътибор бермайдилар. Иложсиз қолган сиёсатчи ўзи танлаган канал журналисти саволларига жавоб беришга қўнар экан, вазиятнинг ўнғайсизлигига қарамай, муҳарририят қаттиқ рақобат муҳитида кўпинча бунга рози бўла қолади. Бундай оқибатлар билан бизнинг тўстўполон замонимизда курашишнинг ягона йўли — таклифни қабул қилган муҳарририятни ҳам, уни танлаган сиёсатчи ёки мансабдор шахсни ҳам танқидий таҳлил қилувчи очиқ мунозара ташкил этишдир. Бу усулни баъзан, ОАВ нишони бўлиб қолганлар теле ва радио каналларни бир-бирига гиж-гижлаб қўйиб ўзи биров нафас ростлаш учун ҳам қўллайдилар.

Интервью берувчи, кўп ҳолларда, эфирга узатишга тайёр бўлган интервьюнинг ёзуви ёки матни билан танишиб чиқишга имкон сўрайди. Агар гап радио ва теле янгиликлар дастурида кетадиган синхронлар устида бўлса, унда бу истакни бажаришнинг иложи йўқ ҳисоб. Борди-ю, етарли асос бўлсагина, тайёрланган ёзувни телефон орқали эшиттириш мумкин бўлади. Бу репортёр ёки муҳарририят монтаж ёки матни эшиттириб интервьючининг изини олиши керак, деган фикрга олиб келмаслиги даркор. Масалани бу тарзда қўйишнинг ўзи мумкин эмас. Шунинг билан бирга, матн ёки ёзув билан танишиб чиқасиз, деган ваъдани олган киши, интервьюни эфирга узатишни бекор қила олиш ҳуқуқи деб тушуниши ҳам мумкин. Аслида унда бундай ҳуқуқ йўқ. Швецияда эфирга узатиш ёки нашр этишни ҳал қила оладиган ягона инсон **масъул ноширдир**, радио ва телевиденида **масъул узатувчидир**. Бу ҳуқуқ ҳеч қачон интервьючига берилишига йўл қўйилмайди. Репортёр интервью берувчида матни ёки ёзувни, то у омалашгунига қадар тасдиқлашим мумкин, деган заррача тасаввур ҳосил бўлишига йўл қўймаслиги лозим. Шартларни олдиндан келишиб олмасдан интервью беришига қўнган киши интервьюни эфирга узатишни тўхтатишни талаб қилишга

ҳаққи йўқ. Чоп этилган, эфирга узатилган нарсалар учун масъул ношир ва масъул узатувчи жавобгардир.

Репортёр ҳам, унинг муҳарририяти ҳам ёзиб олинган интервьюнинг асосий мазмунини беришдан манфаатдор бўлиши керак. Айрим ҳолларда эксперт чақириб, эълон қилишга тайёр маҳсулотни — репортёрнинг шарҳлари ва матни билан биргаликда кўрсатиш мумкин. Бу хатолар ва ноаниқликларнинг олдини олишга имкон беради. Онда-сонда муҳарририят учун керакли бўлган интервьюни олиш учун муҳарририят интервью берувчи билан турли хил битимларга келишиши учраб туради, бундай битимлар мазмунан баъзи кишиларга журналистика принципларига зид бўлиб туюлиши мумкин. Бундай вазиятда олдиндан муҳаррирга ёки бошқа раҳбарга мурожаат қилиб, масалани биргаликда ечмоқ фойдали бўлади.

У ёки бу материални йиғиш, оммалаштириш ва бир тўхтамга келиш борасида швед оммавий ахборот воситаларининг муҳарририятлари кенг ҳуқуқларга эгадир. Репортёр жамоат жойида олдиндан келишиб олмасдан, унинг хоҳиши бор-йўқлигидан қатъий назар мансабдор шахс олдида микрофонни ёки камерани ишга тушириб, суҳбатни бошлаб юбориш имконига эгаллиги шуларга бир мисолдир. Ёзиб олинган тасма муҳарририятникидир. Кимки, мана шундай интервьюга дучор бўлса, у ким бўлишидан қатъий назар — ҳукумат вакилими, мансабдорми ёки оддий фуқароми барибир, унинг оммалашуви олдини ола олмайди. Швед ОАВ репортёрлари огоҳлантиришсиз ёзиб олишга қонуний ҳақлидирлар. Журналист гурунгда ўзи иштирок этиб, уни яширин ёзиб олиш ҳуқуқига ҳам эга. Журналист ўзи иштирок этмаган суҳбатни яширин тарзда ёзиб олиши айғоқчилик деб баҳоланади ва швед жиноий ҳуқуқига асосан қамалиш мумкин бўлган жиддий жиноятлардан ҳисобланади.

Қайсидир иш усуллари қонун билан ҳал этилгани, ҳали бу ахлоқий жиҳатдан тўғри дегани эмас. Швециянинг жуда кўп муҳарририятлари яширин тасвир ёзиш, овоз ёзишларни чегараловчи ўз қоидаларини ишлаб чиққан. Асосий қоидалардан бири шундай интервью берувчи киши ёзув бошлангани ёки давом этаётгани ҳақида огоҳлантирилиши шарт. Бу қоидадан фақат муҳим ва зарур вазиятларда, бошқа илож қолмагандагина чекинилади. Бундай вазият жиноят содир этилиши, товламачилик, ҳужжатларни аниқлаштириш каби бошқа йўл билан

ошкор этишнинг имкони йўқ вазиятлар бўлиб, унда яширин камера, микрофон ишга туширилади.

Бу усул билан маслаҳатчилар солиқ тўлашдан қутилиш йўлларини кўрсатиб, ёрдам берадиган банкларни фош этиш мумкин. Яширин камера воситасида соғлом кишиларга касаллик варақаси ёзиб пора олган шифокорлар, қора бозор чайқовчилари, ирқчилар фош этилган. Яширин камера билан ишлаш, журналист ишининг бир қисми бўлиб, ундан мураккаб, чигал вазиятларда фойдаланилади, лекин зинҳор уни суистеъмол қилмаслик зарур. Яширин камерани ишлатишни ният қилиб олишга, уни материал устида ишлашини драматургик шаклига айлантиришга йўл қўйиб бўлмайди. Швед телевидениеси ва радиоси ушбу усулни қўллашни чегараловчи ўз қоидаларини ишлаб чиққан. Яширин камерада тасвирга туширилган тасвирий тизмалардан, яширин магнитофон билан ёзилган тасмалардан фойдаланиш шахс дахлсизлиги принципини бузиши мумкин. Бундай ҳолатлар матбуот, радио ва телевидение бўйича Комиссиянинг муҳокамасига ҳам қўйилиши мумкин.

Бирмунча мамлакатларда репортёрлар телефон орқали сўзлашувларни суҳбат баённомаси учун диктофонларга ёзиб оладилар. Айрим муҳарририятларда буни бир истисно деб эмас, балки қоида сифатида қабул қиладилар. Ёзиш асносида журналист суҳбатдошига сўзлашув ёзиб олинаётгани ҳақида шама ҳам қилмайди. Бу ҳолатда диктофон ён дафтарча вазифасини ўтайди. Бундай ёзув оммалаштириш учун, эфир учун мўлжалланилмайди. Агар суҳбатдошингиз сизга сўзлашувимиз ёзиб олин-яптими, деб сўраб қолса, жавобдан ўзингизни олиб қочманг, яхшиси, амалий мақсадлар юзасидан ёзиб олинапти, деб тўғри жавоб беринг.

Ва ниҳоят, муаллифнинг аччиқ тажрибаси тазйиқи билан бир неча ҳаётий маслаҳатларини қабул қилинг:

Интервью беришдан аввал батареякаларни текшириб кўринг, ғамлаб олишни ҳам унутманг!

Интервью бошланганда, магнитофон ёки камерангиз ишга туширилганига қаноат ҳосил қилинг!

Интервью давомида имкон топиб, тасмага овоз ёки тасвир ёзилаётганини текшириб кўринг!

Яна бир маслаҳат: Интервьюни қуйидаги савол билан тугатишга одатланинг: — Суҳбатимизда ҳеч нарса эсимиздан чиқиб қолмадими?

## **6. Воқеалар оқимига тўсқинлик қилманг!**

---

Телевидение ва радио оммавий ахборотнинг тасвирий воситасидир. Тасмага воқеа туширилгач, биз у ҳақида оммага кадрлар ва овоз ёрдамида ҳикоя қила оламиз. Тингловчи ва томошабинлар ҳодисани бевосита кўрувчиларига айланади, ўқувчилар эса одатда, бундан анча кеч хабар топадилар.

Ушбу бобимиз теле ва радиожурналистлар репортажи ёзувининг техник томонига бағишланади. Ҳозирги замон радиорепо̀ртёри айни пайтда техник ва овоз оператори бўлиб, бу ундан ёзиб олиш ҳамда монтаж қилиш малакасини ҳам талаб қилади. Тележурналистга оператор ва видеомонтаж режиссёри ёрдам беради, шунга қарамай, у бу касбларнинг нозик томонларини билиши керак. Радио ва телевидениенинг муштарак томони шундаки, энг яхши сюжетлар воқеалар репо̀ртёр кўз ўнгида баъзида кутилмаган ўзгаришлар содир бўлаётганида, репо̀ртёр бўлаётган ҳодисага аралашмай, унинг кетиш жараёнини кузатишида бунёдга келади.

Осон йўлни изламаңг. Шиддатли ёмғирда ҳам, қорли бўронда ҳам журналист муҳарририятдаги хузурли муҳитни ташлаб топшириқни бажариш учун чиқиши лозим, акс ҳолда унинг юмуши студияда ёзиш-у, телефонда интервью олишга айланиб қолади. Телерепо̀ртёр архив материаллари учун матн ёзувчига айланиб ўзининг ҳаётини жўнлаштириб юбормаслиги керак. Бизнинг вазифамиз қаердадир нимадир содир бўлиши кутилган ерда ҳозир у нозир бўлишдир.

### **Телерепо̀ртаж**

Тележурналист ўз муҳарририятидан радиорепо̀ртёрга нисбатан кўпроқ чиқиб кетиши қоида тарикасидадир. Телевидение кўриш воситаси бўлгани учун ҳам журналистга воқеа содир бўлган жойдан тасвирлар керак, албатта имкон қадар сифатли. Бу ўз навбатида таҳририятда янгиликлар сараланишида ўз аксини топмай қолмайди. Зерикарли ва ноқулай кадрлар муҳим бир янгилик баро-



барида кўрсатиб борилса, уни унча муҳим бўлмаган, лекин яхши, сифатли тасвирланган кадр томонидан кесиб қўйиш мумкин. Бундай ҳолат, афсуски тележурналистикамиз ҳаётидаги ҳақиқатдир.

Воқеанинг қоқ ўртасида тезкор тасвирга олиш имконияти телевидениени кўп жиҳатдан устун бўлган ахборот берувчи воситага айлантиради. Воқеалар жараёни ҳақиқатининг кўрсатувчи аслига уйғун кадрлар томошабин хотирасига ўқмон билан кириб, воқеалар жараёнини кузатишига ва тушунишига кўмак беради. Айнан шундай бўлишига интилиш керакдир. Телевидение кадрлар тасвирий тизмали ва матнни овозга кўчириш йўли билан эмас, балки айнан кадрлар ёрдамида янгиликларни етказувчи воситадир. Телевидениенинг янгиликлар муҳарририятида ишлаш журналистдан кўпчилик билан ишлаш малакасини талаб қилади. Радиорепортёр эса кўпинча ёлғиз ишлайди, бинобарин, у бир пайтда журналист, овоз оператори ва монтажчидир. Телерепортёр ҳозирча яқка ўзи ишлай олмайди, гарчи замонавий техника ёзиш ва суратга олиш жараёнини анча енгиллаштирган бўлса ҳам. Яқин келажак тележурналистини ҳозирданок видеожурналист деб аташ бошлайдилар. Унинг иш юзасидан вазифаси овоз ёзиш ва тасвир, монтаж ва репортёрнинг одатий юмушини қамраб олади.

Кўплаб мамлакатлардаги каби Швецияда ҳам суратга тушириш гуруҳи бор-йўғи икки кишидан — репортёр ва оператордан ташкил топади. Улар имкон қадар уйғунликда ишлашлари керак. Журналист ҳам, оператор ҳам олган топшириғи ҳақида сюжетнинг мақсади ҳақида, нимага эришишлиги ҳақида аниқ бир тасаввурга эга бўлмоғи даркор. Улар материалнинг муаллифдошлари сифатида материални томошабинларга ҳавола қилишади, демак, бири-бирини ишда яхши тушуниши муҳимдир. Репортёр мўлжалланган сюжет ҳақидаги ўй фикрларини оператор билан ўртоқлашади ва уни қандай тасаввур қилишини тушунтириб беради. Оператор эса, ишдошига материални тасвирлаш учун қандай суратга тушириш ҳақида таклифларини билдиради. Суратга туширишда энг яхши самарага, қоида тарикасида, сюжетнинг ўзи ва мақсадини репортёр каби яхши англаб етган операторгина эриша олади. Журналист ҳам, ўз навбатида, операторнинг ишлаш усулидан бохабар бўлиши лозим бўлади.

Томошабинга муҳим ва қизиқ нарсани фақатгина суратга олинган материал устида репортёр, оператор ва

видеомонтаж режиссёри ўзаро якин бўлиб, баҳамжихат ишлашганда етказа олади. Бироқ тифизлик шароитида, ишчи кучи ва асбоб-ускуналар етишмаслиги оқибатида, биз масалани жўн, содда, осон ҳал қилишга ўрганиб қолганмиз.

Суратга олиш гуруҳи учун энг муҳим ва оғир синовлардан бири — ҳодисанинг қай томонга ўзгаришини билмасдан туриб, воқеа жойида суратга олишдир. Сюжет мағзига мос келадиган, уни акс эттирадиган рамзларни репортёр ва оператор биргаликда топиши керак. Бундай шароитда репортёр операторнинг ёрдамчиси, керак бўлса, унинг бир кўзи бўлмоғи лозим.

## **Воқеа ўзгаришини тасвирлаш**

Бир кишининг хонага кириб келишини телевизорда кўрсатиш жуда жўнгина нарса бўлиб кўринади. Аслида бу сахнани операторнинг яқка ўзи бир уринишда олиши амалда мумкин эмас, гарчи экранда бу атиги 10 сонияда ўтиб бўлса ҳам. Оператор ҳаракатни турли нукталардан ва турли оний кўринишларда олиши керак.

У камера томон келяпти.

Ёпиқ эшикнинг ўртача катталиқдаги кўриниши.

Даҳлиз томондан эшикнинг дастасига қўл узатди.

Эшик дастаси йирик планда.

Эшикни очишидаги елка томондан кўриниши.

Камера рўбарўсида юз кўриниши билан хонанинг ичидан олинади.

У сандалда ўтирибди.

Турли ҳажмдаги планларда суратга олиш, бир онда турли жойда бўлиши учун оператор бир неча қисмларга ўзини парчалай олмайди. Бундай ишни биргаликда ишлайдиган икки ёки уч оператор бажариши мумкин. Ёлғиз киши буни ҳодисанинг кетма-кетлигини биров ўзгартириш йўли билангина эплай олади. Айнан бир хил ҳаракат бир неча марта такрорланади ва оператор буни тасмаларга тушириб олади, яъни тасвирга туширишнинг бир неча табақаларини ҳосил қилади. Буни бажаришнинг ҳам доим имкони бўлавермайди, чунки бу жараён суратга олинувчининг розилиги иродаси билан ҳам боғлиқдир.

## Қаҳрамонингизни кўп овора қилманг!

Юқорида баён этилган йўл телевизион сюжетни бошлаш учун анча етарли бўлган услубдир. Бирок, журналист унинг ҳаммасига амал қилиши шарт эмас. Кириш кадрлари зарур албатта, бирок, ким уни биз айтган мисоллардаги каби кетишига кафолат беради? Кўплаб муҳарририятларда кенг жамоатчилик томонидан қабул қилинган ишлаш услубларини янгилаш ҳақидаги баҳслар давом этмоқда. Биз томон юриб келаётган кишини тасвирловчи кадрларга норвег журналистлари «gaing» деган унвон ҳам бериб бўлишдики, унинг маъноси «пиёда». Теледраматургиянинг ушбу услубини «пиёданинг азоблари» деб атаган танқидчилари ҳам ўзича ҳақлидирлар. Дахлиз бўйлаб қадам ташлаб юраётган киши сахнаси, репортёр ва операторнинг биргаликда юзага чиқарган сахналамасидан (постановкасидан) бошқа бир нарса эмас. Сахна манзараси бу ўринда суратга олувчи гуруҳ билан интервьючи орасида ғайритабиий муносабатни вужудга келтиради. Репортёр ва оператор ашаддий танқидчидан режиссёрга айланиб қолади. Улар бечора бир олимга ёки бедаво бир вазирга тез ёки охишта юришни, қаёққа қарашни — камерагами ёки бошқа томонгами, эшикни қандай очишни, ўриндикқа қандай ўтиришни ўргатади.

Дахлиз бўйлаб юриш, эшикни очиб хонага кириш ва ўриндикқа ўтиришни ишлаб турган камера қаршисида бажариш, бунинг устига буларнинг ҳаммасини одатий ва табиий эркин-эмин ҳолда бажариш осон эмас. Оператор буларнинг ҳаммасини бир неча табақа суратга олиши унга йирик планли турли кадрлар кераклигидангина эмас, балки интервьючи ўзини етарлича табиий тутмаслиги, адашиб кетиши, унга тайинланган нарсаларни эсдан чиқариб қўйиши билан ҳам боғлиқдир. Вазир, олим ёки ташкилот директори масъул кишидан бирданига хаваскор артистга айланиб қолади, репортёр эса уй режиссёрига айланади: «Қани, яна бир марта кўрайлик! Жаноби вазир, биров астароқ юришнинг иложи бормикан, камерага қарамасликка ҳаракат қилинг!»

Ахлоқий ва касбий нуқтаи назаридан мавжуд шароитдан келиб чиқиб ишлаш афзал. Қаҳрамонингиз ҳаётидаги одатий ва меъерий ҳолатларни суратга олишга ҳаракат қилинг. Вазир ёки профессор иш вақтида бўш дахлизни кезиб юриши одатий бўлмаса керак.

Профессорлар кун бўйи дарс бериши, компьютер билан ишлаши, турли асарлар ўқиши ва ёзиши одатий бўлса керак. Вазирнинг эса маърузалар қилиши, сайловчилар билан учрашуви, турли мажлисларда қатнашиши табиийдир. Интервью қахрамонининг ҳар қандай тўсатдан содир қилган табиий хатти-ҳаракати, ҳар қандай сунъий саҳналамадан яхшироқдир. Операторга уч оёқли камерага нисбатан репортаж камераси билан ишлаш осон, яъни воқеанинг кетиши, интервьючининг ҳаракатларини акс эттириш осон бўлади.

## Мухит

Энг қисқа хабар тариқасидаги сюжетнинг ҳам боши ва охири бўлади. Репортёр ҳали суратга олиш пайтидаёқ бошланғич ва охири кадрларни белгилаб олиши керак, бу кадрлар суратга олинган бўлиши ёки олиниши мумкин. Бундан ташқари репортёр сюжетни тақдим этиш асносидаги «лида» билан уйғун дастур тасвирларини акс эттирувчи кадрларга ҳам эга бўлиши лозим. Швед телевидениесининг SVTI «Актугет» янгиликлар дастури тақдим тасвири сифатида дастурнинг логотипидан фойдаланади. У экраннинг ўнг томонида пайдо бўлиб, суратга олиш ва илк тасвир тизмани тартибга туширишда муайян маъно касб этади.

Интервью ўтказишга танлаган жойингиз имкон қадар табиий ва айна пайтда ёқимли бўлишига интилинг. Тасвир тизмаси фақат қўшимча хабар бериш воситаси бўлиб қолмай, айна пайтда, интервью мазмунини ҳиссий қабул қилишга ёрдам бериши маъқул. Интервьючининг орқа томонида кўриниб турадиган нарса, баъзан рамзий маъно касб этади. Тез орада ёпилиши кутилаётган атом реактори станциясининг директори билан реактор саҳнида эмас, балки унинг иш хонасида суҳбатлашиш яхшироқ. Шаҳарни тарихий қисмини янги темир йўл қурилиши муносабати билан бузишга шайланган йўл бошқармаси директори билан эса, саҳнида темир йўл кўзга ташланиб турадиган жойни танлаш тузук бўлади. Интервью ўтказиладиган жой ҳам репортёрнинг, ҳам унинг суҳбатдошининг кайфиятига, руҳига таъсир этади. Интервью билан боғлиқ нарсалар ёки уни ўтказиш жойигина эмас, балки орқа томон ҳам муҳимдир. Агар дунёга машҳур жарроҳ Сизга операция хонасида интервью беришга розилик берган экан, уни касалхонанинг деворига орқа қилиб турган

холда олиш жуда нўноклик бўларди, энг яхшиси эса, уни операция хонасида суратга олиш тўғрироқ бўлади (агар, ўша пайтда бу ерда операция кетмаётган бўлса, акс холда бу ерда суратга олиш кадр «одамхўрлиги»га намуна бўлиб қолади).

Композиция боқимидан интервьючи орқасида рангли ёки қорамтир доғ кўриниб тургани яхши, бу экрандаги тасвир ясси бўлиб қолмаслигини таъминлайди. Юз қисми тўғридан туширилган ёруғлик билан ёритилиши керак. Керакли даражадаги ёруғликни, қисқа муддатга бўлса ҳам топиш қийин эмас. Хатто камеранинг кичкина лампаси ёки оддий нурнинг ёруғи ҳам етарлидир. Кадр ўртачадан кўра йирикроқ бўлиши мумкин. Елка ёки кўкрак кадрнинг қуйи чети учун аниқ бир чегара бўла олади. Агар томошабинга интервьючининг иккала кулоғи ҳам кўриниши таъминланса, яхши бўлади. Интервьючи саволга жавоб бераётганда, унинг юзи кадрда кўриниб, репортёрга қаралганлигини кўрсатиш учун оператор ва репортёр имкон қадар бир-бирига яқин туриши лозим.

Сухбат давомида орқа фон ўзгармай тургани яхшидир. Фермердан интервью олаётганингизда, интервьючининг орқасида ишлаётган тракторчи ёки ўтлаб юрган сигирлар кўриниб туриши кераклигини унутманг. Шунинг билан бирга орқа фон томошабиннинг бутун эътиборини тортиб кетмаслиги керак. Агар сухбатдошингиз гултувакка орқа қилиб турган бўлса, сиз бу ҳолат кадрда масъул ходим ёки таниқли олим бошидан кактус ўсиб чиққандай кўринмаслигига қаноат ҳосил қилинг.

Орқасида турган расм тевараги (гардиши) унинг калласини ҳам ўраб тургандай бўлиб қолмасин.

Кадрнинг композицияси очик-ойдин бўлиши керак. Оддий, унча мураккаб бўлмаган майдон композицияни қабул қилиш ва тушуниш осон. Олдинги план кадр тағмазмунини қабул қилиш керак, акс холда тасвирий тизма ясси бўлиб қолади. Такрорий (контровый) ёруғлик тасвирнинг мужассам бўлишига ва гулларни жилоланишига ёрдам беради.

## **Қахрамон ва операторлар ўрнини белгилаш**

Интервью қатнашчиларининг одатий жойлашиши қуйидагича: интервью берувчи репортёрнинг рўпарасида, унинг орқасида бироз чапроқ ёки ўнғроқда оператор бўлади. Оператор камера воситасида вақти-вақти билан

«бориб», «келиб» интервьючининг тасвирини икки план орасида ўзгартириб туради. Бир план — бу кенг ўртача йирик (белгача), бунда интервьючи тахминан қорнидан юқори қисми олинади. Баъзан олдинги планда репортёрни ҳам орқа томондан «энсасини қўшиб кўрсатиши мумкин. Швецияда бу усулни «энсага отиш» ҳам деб атайдилар. Иккинчи планда эса, интервью берувчининг елкадан юқори қисми олинаиб, юзи йирик планда берилади.

Гапирувчи бошининг устида «ҳаво-бўшлиқ» доим бўлиши кераклигини унутманг, интервьючининг юзи ёндан олинганда эса, ўнг ёки чап томонда ана шундай «ҳаво-бўшлиқ» қолдиринг. Интервьючи назари қаратилган макон кадри ўнг ва чап томонлари унинг орқа томонидаги маконга нисбатан анча кенг бўлиши кераклигини унутманг. Бир қоида борки, унга биноан олд томондан сал кийшайтириб суратга олиш мақбулдир. Тасвирга олиш планлари турфа хил бўлсин, монтажчи уни тўғридан-тўғри, кетма-кет, сакралмасдан монтаж қила олсин, буни соҳа тилида jump-cuts — «чўчимок» дейишади.

Интервью давомида ёки ундан кейин оператор бир неча парчаларни суратга тушириши лозим бўлади.

Кадрда икки киши (репортёр ҳам, суҳбатдош ҳам гурунг пайтида экранда кўриниб турибди).

а) репортёр савол ташлайди, суҳбатдоши эшитида. Оператор журналистнинг орқасида туриб суратга туширади, кадрда унинг ёноғи, хатто савол бераётган чоғида елкалари ва қўлининг ҳаракати ҳам кўзга ташланади. Лаб ҳаракати сезилмагани учун бу кадрларни репортёр қандай ва қайси саволни берганидан катъий назар уни улама сифатида ишлатиш мумкин.

б) интервьючи гапиради, репортёр тинглайди. Тасвирга олиш интервьючининг ёнбошида, лаб ҳаракатлари кўринмайдиган жойда амалга оширилади.

#### **Тингловчи йирик кўринишда:**

а) Интервью берувчи.

Репортёр савол беради, оператор ўзига берилаётган саволни тинглаётган интервьючини йирик ҳажмда суратга олишда давом этади.

б) Репортёр.

Репортёр суҳбатдошининг жавобларини эшитмоқда. Ахлоқ нуқтаи назаридан бундай ҳолларда бир неча вариантларда тасвирга олиш жуда муҳимдир. Чунки, репортёрнинг чехрасидаги табассум ёки маъқуллаб бош ирраши томошабинда репортёр суҳбатдоши гапига қўшилди деган тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Ёки репортёр

башарасининг совук ифодаси мухарририятнинг айтилаётган гапларга жимгина билдирган муносабати сифатида қабул қилиниши мумкин. Ўз саволларига жавобини эшиттаётган кадрдаги репортёрнинг қиёфаси имкон қадар холис бўлмоғи муҳимдир.

Журналист ва интервью берувчи экранда бир хил катталикда кўриниши керак, акс ҳолда улама кадрлар сунъий ва гашни келтирувчи бўлиб қолади. Агар зарурат бўлса, репортёр умумий планда ҳам олиниши мумкин, лекин барибир, экранда асосий ўрин суҳбатдошга тегишли бўлиши зарур. Аслида интервьюнинг асосий фигураси ҳам ўшадир.

Тинглаётган репортёр акс эттирилган кадрни интервьючи кетгандан сўнг ҳам олиш мумкин. Аммо бу журналистдан катта маҳорат талаб қилади, зотан у суҳбатдоши турган бўш жойга — нуқтага қараб сўзлаши ва сўзлаганда ҳам гапи табиий чиқиши керак бўлади. Агар оператор аввалдан мана шундай суратга олиш бўлишини билса, у интервью вақтидаёқ кейинги суратга олишда зарур бўладиган интервью берувчининг елкаси баландлигини нишонга олиб кўяди, бу кейин унга камеранинг баландлиги меъёрини ва суратга туширишнинг энг мос бурчагини белгилаб олишига имкон беради. Кейинроқ улама кадр сифатида фойдаланиш учун репортёр саволларини камеранинг ўзига такроран бериши мумкин. Камерага берилган савол монтаж ишларини енгиллатиш билан бирга интервью худди икки камера воситасида тасвирга олингандай таассурот қолдиради. Репортёр бунда ўша берилган саволини айнан такрорлаши шарт, чунки бўлиб ўтган суҳбат мазмунига путур етмаслиги керак.

Эҳтиёт чораларидан бири сифатида қўлланадиган усуллардан бири — бу интервью берувчини саволларни ёзилиши жараёнида ўша ернинг ўзида кутиб туришини таклиф қилиш бўлиб, бунда агар репортёр аввалги саволлар матнидан жудаям четга чиқиб кетса, интервьючи уни тўғрилашга ёрдам беради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, саволларни суҳбатдош кетганидан сўнг ҳам ёзиш мумкин, бу репортёрдан бир нуқтага ўз назарини қадаш каби театрга хос малака ва кўникма талаб қилади. Бу усулнинг ютуғи шундаки, репортёр бамайлихотир бўлади, шошилмайди. Керак бўлиб қолса, ўзининг саволларини қайта-қайта эшитиб, айнан аслидай қилиб қайта ёзиши ҳам мумкин.

Икки камера воситасида ёзиладиган катта интервьюлар, хусусан, швед тележурналистлари учун ҳам улуғ

бир тантанадир. Бу вазият кўпинча сунъий чиқади, ўйлаб чиқарилган уламалардан холи бўлишга имкон беради. Саволлар ҳам, жавоблар ҳам бирданига ёзилади, камералар эса суҳбатдошнинг қилт этишини ҳам ўтказиб юбормайди. Агар иккала оператор камераларини уйғунлаштирган бўлса, икки камерада бир вақтда олинган тасвирларни монтаж қилиш жуда осон кечади.

Юзнинг кадрдаги ҳажми ёки кадрдаги икки кишининг тасвири бир камерадагидан бошқасини унчалик фарқ қилмаслиги учун, ҳар икки оператор аввалдан бир хил планда суратга олишни келишиб олишлари керак.

Тасвирга олишни катталигини аниқлар экан, оператор дастурнинг график саҳнасини ҳисобга олмоғи даркор. Ҳар бир таҳририятнинг суратга олишда ўзининг ёзилмаган қоидалари бўлади, масалан, интервьючини қанча вақт йирик планда кўрсатиш борасида. Интервью берувчининг исми ва мансабини ифода этувчи титр учун жой қолдириш ҳам эсдан чиқмаслиги зарур. Кўпгина муҳарририятлар титр учун экраннинг юқори қисмидаги бурчакни танласалар, бошқалари қуйи қисмидан жой ажратадилар. Швецияда чет тиллардаги интервьюнинг таржимаси субтитрлар билан берилиб, бу кадр композициясида ўзига хосликни талаб этади.

## **Камеранинг қисқа кўриниши**

Суратга олиш жараёнида камерани баланд жойда бўлиши, томошабиннинг тасвирни қабул қилишига жуда катта таъсир қилади. Қуйидан суратга олинган киши экранда баланд бўйли, салобатли, салоҳиятли кўринади. Юқоридан суратга олингани эса томошабинга кичкина бир бечора бўлиб кўринади. Томошабинларимиз кино ва телевидение таъсирида кадрда чапдан ўнгга томон ҳаракат қилувчини бўш-баёв бир киши деб билса, ўнгдан чапга юрувчининг эса ўз ҳаёт йўлида кўп тўсиқларга дуч келган киши деб қабул қиладилар.

## **180° айланиш ёки муносабат ўқи**

Телевизион тасвирга олишнинг муҳим низомларидан бири интервью берувчи ёки бошқа объектдан камера фокусига ўтказилган ҳаёлий чизиқ 180° ўқни ҳосил қилишидир. Суратга олаётган оператор ана шу чизиқнинг фақат бир томонида бўлиши тавсия қилинади. Уни кесиб ўтиш объектнинг ҳаракати ёки назарининг йўнали-



шини ўзгартириб юборади. Ҳар қандай инсон ёки бошқа объект орқасидан ёки олдидан ўша шартли чизиқнинг бир томонида тасвирга олинаши мумкин. Оператор чизик томонини ўзгартириши билан тасвирга олинаётган объектнинг ҳаракат йўналиши ўзгариб кетади. 180 даражали ўқнинг турли томонида тасвирга олинган кадр экранда намоиш этилганида, худди икки душман гуруҳ бир-бири устига бостириб келаётгандек бўлиб чиқади.

Репортёр ва интервьючининг кўзлари учрашиб туриши фақат интервьюнинг руҳий томонигагина эмас, балки экрандаги кўринишга ҳам таъсир қилади. Уламаларда ҳам жавоб эшитаётган репортёрнинг назари бошқа томонга эмас, суҳбатдошига йўналтирилган бўлиши керак.

Агар оператор репортёрнинг орқасида, ўнг томонида туриб тасвирга олса, интервьючининг назари чапга йўналган бўлади. Оператор репортёрни суратга ола бошлаганида, шартли муомала ўқини кесиб ўтмаслиги керак. У интервьючининг чап томонида жойлашгани макбулдир.

Муомала ўқи қондасига амал қилишнинг муҳимлиги пинг-понг ўйинини суратга олишда жуда яққол намоён бўлади. Агар оператор бу ўйинни тасвирга олиш асносида шартли ўқни кесиб ўтиб, унинг турли томонидан суратга олса, экранда бу иккала тақдим ҳам бир томонга копток сураётган бўлиб чиқади.

## Нотикларни суратга олиш —

Нутқ ва бошқа чиқишларни тасвирга олишда ҳам ўша қоидаларга амал қилинади. Шартли чизиқ нотикдан камерагача бўлиб, бинонинг фақат бир томонида тасвирга олинади. Нотик камерага эмас, балки оммага қараган бўлиши керак. Агар оператор шартли чизиқни кесиб ўтса, нотик бир томонга, тингловчилари иккинчи томонга қараб қолади.

Омани тасвирловчи кетма-кет кадрлар 180 даражали ўқнинг турли томонидан олинаши мумкин, чунки бу тасвирий тизманинг хилма-хил бўлишини таъминлайди. Бу ўринда биз нотик ва тингловчиларни суратга олишдаги қоидалар ҳақида гапирамиз.

Нотикни суратга олиш репортёрнинг оператор билан жуда яқин ҳамкорлигини талаб қилади. Камера нотикқа у энг муҳим нарсани гапира бошлаган онда йўналтирилиши ва ишга туширилиши зарур. Агар нутқнинг матни нотикнинг чиқишигача тарқатилган бўлса, унда иш анча

енгил кўчади. Бошқа ҳолларда эса, оператор репортёрнинг имосига махтал бўлиб, доим хушёр кутиб туриши керак.

Қисқагина ахборот сюжетига ҳам нотикни йирик планда минбарда кўрсатиш кифоя қилмайди. Бунинг учун залнинг умумий кўриниши, умумий фонда нотикни олди ва орқасидан суратга олиниши ҳам керак бўлади. Сўзловчи минбарда турган ҳолда турли ҳолат ва кўринишда тасвирга олиниши, ён томонидан эса, гапираётгани билиниб, бироқ лаб ҳаракатлари илғаб олинмайдиган масофада тасвирга туширилиши лозим. Бундай кадрлар монтаж вақтида кескин ўтиб кетишларни ўрнига қўйишда асқотади. Уламаларнинг бу ҳолатда энг кенг тарқалгани, нотикнинг йирик пландаги қўл ҳаракати, нутқнинг матни ҳамда залда ўтирганлар тасвирларидир. Залдагиларнинг диққати жамланган жимлик ҳолати ёки ғала-ғовур қилиб қарсак чалган ҳолати (агар вазият қарсакларни кўтарса) акс эттирилади. Ушбу икки турдаги кадрлар кераклидир, чунки нотикнинг нутқи қарсак билан бўлинганда, экранда унга мос кадрлар пайдо бўлиши мантикийдир.

Матбуот конференцияларида олқишлар кам учрайди. Оператор савол бераётган, жавобини эшитиб дафтарчасига ёзиб олаётган журналистларни суратга олишга тўғри келади. Бу ерда фотограф ва операторлар тўдасини ҳам тасвирга олиш имконияти бор. Албатта буларни тасвирга туширмаса иш битмайди дегани эмас, шунинг билан бирга «тор жойда томоша» сифатида ахборот сюжетларида фойдаланишга яроқлидир. Агар оператор сиз билан соатини тенглаштириб тасвирга олгунга қадар тайинли вақт кодини белгилаб олган бўлса, нутқ сўзлаётган чоғда ёки матбуот конференцияси пайтида сиз муҳим фикрларни қайд қилиб борган бўлсангиз, бу қайдларингиз материални монтаж қилишингизни тезлаштиради ва осонлаштиради. Бундай иш тутиш Сизга монтаж вақтида керакли бўлган парчани тез топа олишингизга ёрдам беради.

Ҳозирги замонавий ДАТ рақамли магнитофони радиорепортёрлар томонидан кўпроқ қўлланилиб, вақтнинг ўтишини автоматик қайд этадиган бу ускуна тасмадаги нутқнинг сизга керакли парчасини топишингизда кўмак беради. Бошқа турдаги магнитофонларга ёзиш давомида қўлингиз билан рақам белги қўйсангиз, ёзув устида ишлаган пайтингизда уни топишингиз осон кечади.

## Stand up

Норвеглар «фэсинг», шведлар «стоун» дейдиган бу сўзни инглизча «стэндап» дейишади. Учала сўз ҳам «воқеа-ходиса жойидан репортаж» деган маънони ифодалайди. Экран орқа томонида жанг кетяпти, томошабин кўз ўнгида эса дунёнинг энг оловли бурчида бўлаётган ходиса ҳақида репортёр сўзламоқда.

Гранаталар портлатилаётган, отишмалар авжига чиққан ҳарбий ҳаракат майдонида тасвирга олиш хавфли, шунинг учун репортёр экранини ўз келбати билан тўлдириб туришга мажбур. Шубҳа йўқки, энг яхши телесюжет янгиликларни кадрлар тили билан етказилганидир. Бироқ айрим ҳолатларда стэндап муҳимлик касб этади ва масала ечимининг энг яхши воситаси бўлиб қолади. Гап қуйидаги вазиятлар устида кетмоқда.

Репортёр баёнини акс эттирувчи видео тасма йўқ.

Материалнинг бир қисмидан иккинчисига силлиқ ва сездирмай ўтиш эҳтиёжи бор.

«Актуэльт — янгиликлар дастурини олиб борувчи швед журналисти Ярт Алфредиус Сараеводан хабар бермоқда.

Репортёрни кутилмаган муҳитга «киритиб юбориш» керак. Бундай вазиятда тасвирга олинган жойлар репортёр гапини тўлдириш учун хизмат қилиши лозим бўлади. Фоннинг аҳамияти катта, муҳбир бўлаётган ҳодисанинг қисмига айланиб қолиши лозим. Нотаниш шаҳарнинг яхши кўриниши, йўл-улов ҳаракати излари, қочокларнинг чодир кентчаси, бомбадан вайрон бўлган қишлоқ харобалари..., буларнинг барчаси ва яна бошқа нарсалар ҳам фон бўла олади. Фақат бир истисно фиштин девор!

Репортёр воқеани таҳлил қилиб, тўс-тўполонни тушунтиришга киришади. Экранда туриб бевосита томошабинларга мурожаат қилиши билан у ўз сўзларига уларда ишонч ҳосил қилади.

Репортёр яқиндагина бир ходисанинг иштирокчиси бўлган ёки бирор воқеани бошидан кечирган, шунинг учун ҳам мавҳум хислар, вазиятни тасвирлашга тиришади.

Ниманидир намоён қилиш: «Менинг қўлимда ХХ самолётининг «қора қути»си, бу самолёт қолдиқлари анчадан бери топилмаган...».

«Стэндап»ни тасвирга олишда кадр композицияси нуқтаи назаридан чексиз имкониятлар бор. Репортёр камерага қарши юриб, турган ҳолда, ўтирган, ҳатто ётган ҳолда сўзлаши мумкин. Уни ҳаракатдаги ҳолатида олиш мумкин. У кадрда тўсатдан пайдо бўлиши, умумий манзара ичида кўриниши ҳам бўлаверади. Камерани репортёрдан узоқлаштириб, орқа планда кутилмаган кўринишини намоён қилиш қилиш томошабин томонидан бир қизиқарли совға сифатида қабул қилинади.

Камерага тўғри қараб гапирётган репортёр томошабин билан мулоқотни ҳосил қилиш учун ўз назарини қадаб тикиладиган бир нуқтани белгилаб олгани яхши. Бу нуқтани топишнинг бир неча йўллари бор.

## Радиорепортаж

Агар «стэндап» билан тележурналиста воқеани танаши билан тўсиб қўйиш ҳавфи бўлса, воқеа жойидан эшиттириш олиб бораётган радиожурналист, ўзининг воқеа жойида эканлигига ишонтариши керак бўлади. Радиожурналистикада бу услуб «стэндап» эмас, балки жонли репортаж (ёки тўғри репортаж) дейилади. Аслида бу, репортёр бўлаётган ходисани, теваракдаги вазиятни, теварагидаги кишиларнинг муносабати-ю ҳис туйғуларини тайёргарликсиз баён қилиши демакдир. У фалокат ҳақида тўғри микрофонга гапирди, орқа фондаги бошқа овозлар, кичқирик, шовқин, тез ёрдам машиналари сурони тингловчига эшитилиб туради. Жонли репортаж тингловчини бўлаётган ва сўзланиб берилаётган ходисанинг иштирокчисига айлантириш учун ҳосил қилинган бир шароитдир. Радиожурналист сўзлар воситасида тасаввурий образлар ҳосил қилади. Шунинг учун радиони ҳам баъзан ахборот беришнинг тасвирий воситалари қаторига тиркашади. Микрофон ҳам асли ўша камеранинг ўзидир. Товуш, овоз воситасида биз тингловчига кечаётган ходиса суратини берамиз, у ёки бу ходиса образли тасаввур ҳосил қилишига кўмак берамиз.

Радиожурналист ҳам телевизион суратга олувчи гуруҳ усулларини кўпини қўллаши мумкин. Кутилмаганда бўлаётган воқеани чиройли қилиб сўзлаб бериш, воқеани камера тасвирига олинмаганлигининг ўрнини тўлиқ қоплайди. Бунинг учун атрофида содир бўлаётган ходисани тайёргарликсиз сўзлаб бераётган радиорепортёр жуда синчков, зийрак бўлиш билан бирга истеъдодли гап устаси, ходисага киришиб кетадиган киши бўлмоғи шарт.

## Радиожараёнлар

Радио ахборот беришнинг тенгсиз воситаларидан бўлиб, фақат айрим ҳолларда баъзи қоида ва қонунлар унга анчагина шарт, чегаралар кўйиб қўяди.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида маҳкамада овоз ёзишга ижозат берилгани ҳолда, тележурналистларга камерадан фойдаланиш, фотографларга суратга олиш ман қилинади, газетачиларнинг эса ён дафтарчаларидан фойдаланишдан бошқа иложи йўқ. Бу вазиятда телерепортёр имтиёзли эканлигига шубҳа қилмаса бўлади.

Маҳкама хонасидаги воқеа жараёни, ҳисларни жунбушга келишини умуман вазиятни беришда энг мушкул ҳолатга газетачилар тушадилар. Қораловчи саволларининг қатъийлиги, жавобгар овозидаги қатъиятсизлик ва тараддуд, гувоҳлар кўрсатмаларидаги қизиқарли парчалар, оқловчининг оташин сўзамоллиги кабиларни малакали адабиётчи ҳам тўла-тўқис ифода қилиб бериши амри маҳол. Радиорепортёр микрофонни ўрнатиб, тугмачасини босиб ёзиб олиш каби жўнгина ҳаракат билан бунинг уддасидан чиқади.

Швед радиоси Улоф Палме ўлдирилиши бўйича маҳкама жараёнини деярли тўлалигича трансляция қилди.\* Тингловчиларга маҳкама жараёнини кузатиш ва ўзлари жараёни баҳолаши учун кенг имконият яратиб берилди. Ушбу маҳкама жараёнига қизиқиш беқиёс эди. Ишончли ахборот олишга ҳаммага имкон яратилгани учун ҳар турли хил миш-мишларнинг олди олинди.

Швеция одил маҳкамасининг энг муҳим асосий таянч амалларидан бири маҳкама жараёни жамоатчилик учун доим очик бўлишидир. Бу амалда, маҳкама жараёнида айтилган ҳар бир сўз ёзиб олинishi мумкин деганидир. Ёзувлардан, кейинроқ амалда ҳеч тўсиқсиз фойдаланиш имконияти бор. Бу борадаги қонун лўнда ва аниқ бўлса ҳам, уни турлича талқин қилиш мумкин. Жумладан, раис маҳкама биносида ёзиб олишни ман қилиш ҳуқуқига эга, бироқ агар бу ман фақат амалий аҳамият касб этса,

---

\* Улоф Палме — 1969—76 ва 1982—86 йилларда Швециянинг Бош вазири. 1986 йилнинг 28 феввалида Стокгольмда отилган. Қотилликда гумон қилинган ҳамда Палменинг беваеси томонидан таниб-аниқланган киши узоқ давом этган маҳкама жараёнидан сўнг далиллар етишмаслиги боис озод қилинган. Қотиллик ҳали-хануз қош қилинмаган.

яъни маҳкама жараёни кўнгилдагидек ўтишига халакит бериши назарда тутилса (масалан, бинода турли симларнинг кўпайиб кетиши, асбоб-ускуналар шовқини каби-лар),

Маҳкама жараёни иштирокчиларидан бирор томон ёзиб олишни истамаслигини баён қилган тақдирда ҳам унинг талаби қондирилиши мумкин.

Улоф Палме ўлдирилиши иши бўйича маҳкама жараёнида биринчи даражали суд ва олий суд ёзиб олиш масаласига ҳар хил ёндошдилар, бироқ иккала томон ҳам қабул қилган қарорлари юзасидан танқидга учради. Швед қонунчилигида, аслида, маҳкама биносидан тўғри трансляция қилиш-қилмаслик муаммосининг ўзи йўқ.

Маҳкама биносида радиожурналист репортажи ҳақида умумий қоидаларни баён қилишнинг имкони йўқ, чунки турли мамлакатларда бу борада ҳар хил қонунлар мавжуд. Кўпгина мамлакатларда, жумладан Россия ва Болтиқбўйида қонунчилик фақат қоғоздагина суд ризолиғи билан маҳкама жараёнида ёзиб олишга рухсат беради. Амалда маълум бўладики, бу мамлакатларнинг ҳакамлари журналистларнинг илтимосларига ёмон кўз билан қарайдилар ва турли-туман баҳоналар кўрсатиб илтимосни инкор қиладилар.

Швед радиожурналисти иш фаолиятига мамлакатда маҳкама жараёни очиқлиги, айрим ҳуқуқий низомлар ва уларни турлича талқин қилиш имконияти яхши омил бўлиб хизмат қилади ва маҳкама биносидаги жараёни ўз тасмасига ёзиб олишига шароит яратади. Швецияда маҳкаманинг ўзи томонидан овоз ёзиб олиш амалга оширилиб, унга кенг жамоатчилик учун ҳам йўл очиқ, бироқ ундан фойдаланиш тартиблари белгиланган қоидалар кўп қирралидир. Шунинг учун ҳар бир маҳкамадан олдин репортёр суд ходимлари билан учрашиб, мавжуд тўсиқ-чегаралашлар ҳақида билиб олса зарар қилмайди. Баъзан эса ҳуқуқшунос билан маслаҳатлашиб олиш ҳам ортиқча эмас.

### «Ташқи» интервью

Интервьюни студияда эмас, балки суҳбатдошингиз учун одатий бўлган шароитда олган яхши. Қадрдон мухитида интервьючи ўзини эркин ва бамайлихотир тутди. Жойида олинган интервьюнинг афзалликлари бор: у табиий-одатий чиқади — орқа фонда чағалайлар чир-

қиллашими, сигирларнинг мўрашими, соат милининг «чиқ-чиқ»ими, кишиларнинг суроними — буларнинг барчаси табиий бир шароитни ҳосил қилади.

Тингловчи бун бўлаётган ҳодиса ҳақиқийлигининг тасдиғи сифатида қабул қилади, хаёл суришига етаклайди, бироқ фон овозлари суҳбатга ҳалал бермаслиги, омманинг диққатини тортиб кетиб қоладиган даражада бўлмаслигини ҳам назарда тутмоқ даркор. Суҳбат асносида боланинг чинқираб йиғлаши, кишини гашини келтирувчи фикрлашлар баралла эшитилиб турса, томошабин ёки тингловчи эътибори чалғийди ва мавзудан ташқари хаёллар чулғайди: нега бола бунчалик йиғлайди? Фижирлаётган нима ўзи? Ўзи нима бўляпти?

Суҳбатни жонлантирувчи шовқинга берилиб кетиб, ҳали тасмаларни монтаж ҳам қилишингиз кераклигини унутманг. Тўғри, эски осма соатнинг «чиқ-чиқ» қилиши хонадон файзини акс эттиришга қулай, бироқ монтаж чоғида айрим парчалар қирқилгач, бир маромдаги «чиқ-чиқ» ўрнига бузилган соатнинг тартибсиз «тақ-туқ»ини олиш мумкин. Интервью фонидagi мусиқа жуда таъсирчан бўлади, бироқ бундай ёзувни монтаж қилиш мушкул. Шунинг учун баъзида суҳбат учун бирор бамайлихотир шароитни танлаш мақбулдир.

Интервью ёзиб бўлингач, теваракдаги овоз-шовқинларни ёзишга ўтилади. Бундай ишга бир дақиқа вақт етарли бўлади. Табиий шовқин ёки овоз таъсири — интервью ўтказган жойимиз атрофидаги табиий шовқинларни суҳбатдошимиз овозисиз ёзишдир. Шовқинни ёзиш кейинроқ бўладиган монтаж ишларини ва сюжетни сайқаллашни осонлаштиради. Мана шу фон ёрдамида нотекис, ўтиб кетган ўринларини, ноўрин қирқилган парчаларни тузатиш мумкин. Ушбу ёзувлар журналистик матнга силлиққина ўтишга имкон беради ёки журналистнинг интервью пайти нималар содир бўлганлиги ҳақида ҳисоб беришида фон сифатида ҳам қўлланиши мумкин. Студияда олиб бориладиган узундан-узоқ интервьюларда фон ёзувлари ҳеч вақт керакли натижа бермаган. Бунда суҳбатдошнинг овози сунъий чиқади, суҳбат асносида янграб турган фон эса тингловчи кулоғига зўрлик билан кириб боради.

Овоз телевидениеда ҳам жуда зарур нарса бўлиб, томошабин экранда кўзи билан кўраётган ҳодисани ҳис этишини кучайтиради. Телесюжетларда ҳам жонли шовқин томошабин диққатини «ўғирлаш»и сал камроқ, чунки томошабин шовқин манбаини кўзи билан кўриб туради.

## Янгиликлар устида ишлаш

Журналистлар орасида қайта тиклаш усули — репортёр ва артистлар ёрдами билан бўлиб ўтган муайян ходисани жонлантиришнинг журналистикага дахли масаласидаги мунозара ҳали-ҳануз давом этмоқда. Бу усулни қачон ва қай даражада қўллаш мумкин? Умуман олганда, сахна кучлари воситасида бирор жиноят ёки фалокатни акс эттиришга зарурат борми?

Бундай усул дунёнинг кўпгина тижорий телевидениеларида, жумладан, Швецияда ҳам кенг қўлланилади. Швед Телевиденияси эса қайта тиклаш усулига жуда кам мурожаат қилади.

Банкни ўмариб кетишди, полиция қидирув эълон қилди дейлик. Ўмариш чоғида жиноят содир этилган жойда тасвирга олиш гуруҳи бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас. Мухарририят ходимлари ёки артистлар камера рўпарасида полициячилар ва гувоҳлар сўзларига таянган ҳолда рол ижро этадилар. Телевизор экранида бу ҳаракатлар кизиқарли, самарали бўлиб чиқсин, лекин булар ҳаммаси ҳақиқатга қанчалик яқин?

Ўз дастурларига томошабинларининг ишончини сақлаб қолишни истаганлар мазкур қайта тиклаш усулидан воз кечишига тўғри келади. Ахборот сюжетлари билан эш бўлган кадрлар асил бўлмоғи керак. Ахборот дастурлари тахририяти янгиликларда сахналаштирилган кадрлардан фойдаланишни чегараловчи ойдин қоидалар ишлаб чиқмоғи даркор. Бузилган, сохталаштирилган фотосуратлардан оммавий ахборотнинг босма нашрларида фойдаланишни ман қилувчи қоида ҳам шулар тоифасидандир. Ҳозирги замон рақамли техникаси фототасвирлардаги каби видеоканераларда ҳам бемалол сохталаштириш имконини беради. Энг янги техника бизга қай даражада сохталаштириш, ҳақиқатни бузиш имконини берар экан, биз шу даражада уни инкор қилиб беришимиз лозим.

Репортёр қачондир бўлиб ўтган воқеани ўз тасаввур ва фикрлари асосида қайта тиклаш усули воситасида ўзгартириб кўрсатишга эмас, балки тайинли ходисани акс эттириш, томошабин зехнига ўрнатиш учун интилиши керак.

## Газета саҳифаларининг макети

Агар газетада аниқ, идрок қилинган саҳифа боғланиши бўлмаса, яхши сарлавҳа-ю ёнлавҳалар бўлмаса, фотосуратлар, бошқа тасвирий воситалар етишмаса, мақола-



лар қанчалик яхши ёзилмасин, мавзулар долзарбу қизиқарли бўлмасин, ўз аҳамиятини йўқотади ва газета материаллари пайқалмайди, ўқилмай қолиб кетади.

Газетани кўлга олиб очган газетхон материаллар ва суратларни пала-партиш, идрок қилинмай жойланишига кўзи тушса, чизгиларда назарга илинадиган нарсаларни илгамаса, газетани секин буклаб ёнига қўйиб қўяди. Ўқувчи газетадан унга қизиқарли ва керакли бўлган нарсани тез, қийналмай топа олиши керак. Бу борада макет унга ёрдам бериши, бир талай материал ва суратлар орасида уйғунлик бўлишини таъминлаши керак.

Газета макети уч мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим:

- Газетхон диққатини тортиш;
- Ушбу газетанинг ўзигагина хос график қиёфасига эга бўлиш;
- Ўқувчини газета мазмунига йўналтириш ва унга муҳим хабарларни ажратиб олишда ёрдам бериш;
- Газетадаги барча унсурлар мантиққа мос тарзда жой-жойида бўлиши унинг ўқимишли бўлишини таъминлайди.

Турли тадқиқотлар натижаси, нашрларни ва ўқувчилар одатини ўрганиш шуни кўрсатадики, газетани ўқишда давом этишимизга туртки бўладиган нарсалар макетдадир. Хусусан:

Сарлавҳа

Суратлар

Суратдаги имзолар

1. Ингресс/киритма

Ёнлавҳали матнлар

Ушбу қайд қилинган унсурлар алоҳида чизгилар ва тўлиқ газетанинг дизайнида бўлгандагина газетхонлар эътиборини жалб эта олади.

## Қадам-бақадам

Илк бор кўзга ташланадиган сарлавҳадир. Ўқувчининг диққатини тортадиган энг ёрқин ишора ҳам ўша. Сарлавҳани ўқиб, дарров матннинг йўлдоши — суратга эътибор берамиз. Ана шунинг учун ҳам сарлавҳа билан сурат орасидаги уйғунлик ўта зарур. Инсонлар акс эттирилган суратлар табиат ва жонсиз нарсалар сурати-га нисбатан ўқувчилар диққатини кўпроқ ўзига тортади. Суратдаги инсоннинг кўзи тасвирнинг ўзига хос бир марказидир.

Сарлавҳа матн билан сурат орасидаги боғловчи бир узв бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, «Тақимини кутқариб қолди» сарлавҳаси остида терма футбол тақими дарвозабони суратини жойлаштириш мумкин, ўйин қахрамони сурати остидаги матн эса хабарни янада тўлдиради.

Сарлавҳа ва суратдан сўнг газетхоннинг назари мақоланинг кириш «киритма» деб аталувчи қисмига тушади. Одатда «киритма» матни анча қалин ҳарфлар билан терилади. Кириш қисм жуда қисқа ва лўнда қилиб мақола мазмуни билан таништиради, бу радио ва телевидениедаги муқаддима (подводок)нинг бир кўринишидир. Кириш материалга қизиқиш уйғотиш билан бирга, уни нега тўлиқ ўқиш чиқиш кераклигини ҳам асослаб бериши лозим.

Чизги макети билан биргаликда босишга беришга тайёр эканлигини тезлик билан текшириб чиқиш керак бўлади. Аввало сарлавҳа — сурат — сурат имзоси — кириш-матн занжирига бир йўла кўз югуртиринг ва ҳаммаси жой-жойида эканлигига қаноат ҳосил қилинг. Чизгилар кўриниши ёқимлими-йўқми? Шаҳсан ўзингизнинг кўзингизга иссиқ учраб, ўқиш истагини уйғотадиган нарса бу сонда бормикан?

Чизгилар макетини мақола матни, сарлавҳа ва суратни қамраб олувчи чизгилар макетини тўғри бурчакли йиғилма қилиб олиш керак. Ушбу тавсияга амал қилинган чизги ва дизайнларни ўқиш осон бўлади.

Швециянинг тонгги газеталарида «чапдаги юқори бурчак кашфиётлар учун» деган нақлда ҳукмрон. Энг муҳим янгилик худди мана шу бурчакка жойлаштирилади. Бунда сарлавҳанинг ҳам аҳамияти жуда катта. Хабар материалли чапдаги юқори бурчакдан қанча нари жойлашса, у ўқувчи эътиборидан шунча нарида қолади, бу ўз навбатида сарлавҳалардаги ҳарфлар ҳажмида ҳам ўз ифодасини топади. Бу қондани барча вақтли матбуот нашрларида қўллаш мумкин.

Баъзан, узундан-узук, лекин ёнлавлар билан бўлинмаган мақолалар матни ўқувчининг гагини келтиради. Шундай бир қоида бор: матн қанча узун бўлса, ўқувчининг ўқиш истаги шунча камаяди. Шунинг учун ҳам мақолани бўлиб ташлаш керак, масалан, асосий матн ва фактлар устунига. Агар мақолада интервьюдан ҳам фойдаланилган бўлса, унда уни алоҳида қилиб бериш мумкин. Матнни бўлиб беришнинг энг яхши йўли: ёнлавлар

лардан фойдаланиш, чиройли ва мазмунли узундиларни қалин ҳарфлар билан ажратиб кўрсатиш, чизиклар билан чегаралаб орасига олишдир.

## Баҳолаш

Саҳифа боғланиши фақат газета дизайнининг бир унсуригина эмас. Матнни таҳрир қилишда ва уни макетлаштиришда ахборот материалига таҳририятнинг баҳоси ҳам акс этади. Макет ва устунлар саҳифа боғланиши билан шуғулланувчи газета ходимлари янгиликлар бўлимининг мудир, навбатчи (тунги) муҳаррирлар билан биргаликда тушган материални баҳолаши бир қоида тариқасидадир. Шундан сўнг улар мустақил равишда материалларни устунларга жойлашиши ва уларни қандай ҳарфлар билан беришни ҳал қиладилар.

Агар бирор устунга реклама эълони мўлжалланган бўлса, уни қандай жойлаштиришни ўйлаб кўринг. Ўқувчи бир устунни яхлит нарса деб қабул қилади. Эълон берилаётган даракни бўлиб ташлаб, уни қабул қилишни қийинлаштирмаслик учун матннинг ўртасига тушиб қолмасин. Реклама эълонли устун дизайнининг энг мақбули таҳририят материални юқоридаги чап бурчак ва унинг давомида, эълон ва рекламани эса ўнгдаги қуйи бурчакда беришдир.

Мақолага тааллуқли суратни, расм ва фотосуратли реклама билан ёнма-ён бериш ярамайди. Ўқувчига бу йиғилма бир хилдаги нарса бўлиб кўринади ва идрок қилиши қийинлашади. Бундай ажи-бужи ҳолатда ўқувчининг бу ерда қайси бир журналистик материал, қайсиниси эълон эканлигини фарқлаши мушкул.

Швециянинг тонги газеталари муҳарририят материал билан реклама эълонлари орасида кескин чегара ўрнатишга интиломқдалар. Эълонларнинг ҳарфлари, макети ва дизайни ўқувчига мен мақола эмасман, пули тўланган билдиришман, деб кўкрагига уриб туриши керак. Бундай йўл тутиш газетанинг ўқувчиси реклама қаердаю, янгилигу репортажлар қаердалигини ажрата олмай хуноб бўлиб, газетага бўлган ихлосидан маҳрум бўлишининг олдини олади.

Маҳаллий «Барометр» газетасининг биринчи устунни — пухта ўйланган саҳифа боғланишининг намунаси. Кўриниши ёқимли, ўқилиши енгил. Нашрнинг биринчи устунини газета сонисидаги муҳим янгиликларни кўз-кўз қилувчиси, деб бежиз айтмайдилар.

## 7. Тил маданиятига риоя қилинг!

*Сен кимлигингни дунё сенинг овозинг  
билан гапираётганда билишинг керак.*

*Бритт Эдвал*

Газетачиларга нисбатан теле ва радиожурналистлар кўпроқ ўз материалнинг якуний кўриниши устидан ҳукмрондирлар. Мухаррир ёки масъул котиб газетада журналистнинг мақоласини бир ёки бир неча сатрбошларини ўчириб, сарлавҳасини ўзгартириб, ўз дидига мос суратларни олиб, уни таниб бўлмас ҳолга тушириши мумкин. Радио ва телевизорда эса, эфирда кетаётган репортёр нутқини ўзгартириб бўлмайди. Тингловчи ва томошабинларнинг матнни қабул қилиши ва англаши кўп жиҳатдан материални тақдим этиш услубига боғлиқ. Электрон воситаларда овоз билангина муайян самарага эришиш мумкин. Овоз ва оҳанг воситасида репортёр туйғуларни етказиши ва матннинг муҳим жойларини урғулаши мумкин. Радиода овоз ҳал қилувчидир. Нутқ ва овоз телевидениеда ҳам кам мавқега эга эмас. Оҳангдорлик, шира овозни машқ қилдириш ва техникага боғлиқ, бироқ репортёрнинг ўзига ишончи ва касбий тайёргарлик даражаси ҳам бунда анчагина аҳамиятга эга. Тан олиш қийин-у, лекин, барибир, эфирда иш бошлаш ҳар доим қийин бўлади. Чиройли, ширали овоз муваффақият гарови бўла олмайди. Ўрганувчи журналистни овозидаги ишончсизлик оҳанги, бирон нарсани нотўғри талаффуз қилишидан, кўркишидан билиб олса бўлади. Бироқ бу босқичдан ўтиб кетишни ният қилиб олган киши ушбу хатолар ва унашлардан иборат азобли даврни қисқартириши мумкин.

Эфирда иш бошлаган репортёр ўзлигини йўқотмаслиги лозим. Радио ва тележурналистика юлдузларига тақлид қилиш хато. Бироқ бажараётган вазифасини мураккаблаштирмаслик ҳам муҳим. Амалда тасаввурга нисбатан осон кўчади: микрофон олдида сўзлаётган репортёр қанчалик ўзига ишонса, эфирда унинг овози шунчалик янграқ бўлади. Ажабланарлиси шуки, дунёнинг турли радиоэшиттиришлари янгиликларини тинглар эканмиз, биз тилини билмасак ҳам, аллақайси репортёрнинг овози анча ишончсиз чиқаётганини пайқай оламиз. Тингловчилар, бир қоида тариқасида, янгиликларнинг ўқилиш ус-

луби борасида ўз тасаввурига эга. Шунинг учун ҳам биз ахборот материалини узатиш анъанаси билан хусусий услубимиз орасидаги мувозанатни сақлашимиз керак. Балки, ўрнашиб қолган тартибни бузиш чоғи келгандир? Швеция радиосида кейинги йилларда шевадардагина эмас, ҳатто чет тиллар талаффузида гапирадиган репортёрлар овозини эшитиш мумкин. Айни пайтда тингловчиларнинг бунга муносабати турличалигини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак.

Радио ёки телевидениеда ишламоқчи бўлган инсон овозини бошқара олишни ҳам ўрганиши муҳим. Бу санъатни дарсликлар ёрдамидагина эгаллаб бўлмайди. Овоз — репортёрнинг асбоби, унинг устида жиддий ишлаш ва ундан фойдаланиш имкониятларини билиш зарур. Ана шунинг учун ҳам илк босқичда малакали устоз зарургина эмас, балки усиз муваффақият ҳам йўқ.

## Эфирдаги янгиликлар

Швеция радио ва телерепортёрларининг аксарияти собиқ газетачилардир. Радио ва телевидениега сюжет тайёрлаш, газетага ахборот ёзиш дегани эмас, бинобарин, эфир янгиликлари эшитилади, ўқилмайди.

Швед радиоси «Эхо» янгиликлар муҳарририятининг собиқ масъул котиби Хокан Ханесон ўз маърузаларида «микрофон парадокси» иборасини ишлатади. Ажиб бир ҳолат: радио ва телевидениеда шу ерда ишлайдиган кишилардан бошқа ҳар кимса эфирга, экранга чиқиши мумкин. Улар нима демоқчи бўлса, уни аввал қоғозга ёзиб олиши, кейин уни ўқиб бериши керак.

Матбуот учун ёзилиб, овоз чиқариб ўқиб берилган хабар эшитувчига тушунарсиз, пала-партиш бўлиб туюлиши табиийдир.

Газета мақоласи ихчамлаштирилган бўлиб, далилларга бой бўлади, айни пайтда эфир учун мўлжалланган матн бу жиҳатидан унча бой бўлмайди ва у мазмунни тингловчилар қабул қилиб ўзлаштиришини ҳисобга олган бўлади.

## Матн //сценарий

Қисқа хабарлар — телеграммаларнинг (ёки «ўқиладиган» хабарларнинг) тўлиқ матни ёзиб олиниши керак. Узунроқ сюжетларни эфирга узатишдан эса, уни сўзма-

сўз, тўлик ёзиб олмай, мазкур сюжетга доир кўрсатувларнинг фақат умумий тезисларини ёзиб олган маъқул.

Эфирда гапираётганингизда ҳадеб қоғозга қараб ўқимаслик учун, айтадиган фикрларингизни қисқа тезисларини тузиб олганингиз маъқул.

Қоғоздаги матнга қараб ўқиётганингизда, пауза — тўхташ учун белги қўйиш, энг муҳим ёки асосий сўзларни катта ҳарфлар билан ёзиш ёки остига чизиб қўйиш яхши. Бу усул микрофон олдида гапираётганингизда қайси сўзларга урғу беришни кўрсатиб туради. # \$ % & @ — каби тимсоллар ёки рамзларни ҳарфлар, сўзлар билан ёзиб қўйган маъқул. Эфир учун ёзганингизда турли қисқартмаларни ҳам тўлик ёзган яхши. (Аммо бу кўп вақтни олади — тарж.)

Ёзаётганингизда ЕЭС, ФКС, МСЭ, ЭКАДВ, ЕОУС, СПУ, БМР, МВФ, НИОКР, ЭСКАТО каби қисқартмаларни иложи борича кам ишлатинг ёки ёйиб ёзинг.

Йирик рақамларни ҳам сон билан эмас, сўз билан ёзганингиз маъқул. Масалан, «Фалончи номзод сайловларда голиб чиқиш учун 1132 та овоз етмади», деган жумладаги рақамни «бир минг бир юз ўттиз икки овоз» деб ёзган яхши. (Чунки, рақам билан ёзганда, машинистка ёки компьютерчи хато қилиши мумкин — тарж.)

«Соат — 11-30» ўрнига «ўн бир ярим» деб ёзинг. «Бюджетда ижтимоий эҳтиёжлар учун 580 миллион 700 минг сўм ажратиш кўзда тutilган», деган жумладаги рақамни «сал кам 600 миллион сўм» деб ўқиган маъқул.

Матн ёзганда неча фоиз ва неча марта деган сўзларнинг фарқига эътибор беринг. «Жамоатчилик фикри сўрови натижаларига кўра, социал-демократлар партиясининг тарафдорлари 33 фоиздан 29 фоизга камайган». Аммо бу сўзлар социал-демократлар партияси 4 фоиз овоз йўқотди, деган маънони билдирмайди. Худди шу тарзда сўл партияга ўтган йили сайловчиларнинг 4 фоизи овоз берган бўлса, бу йил 8 фоизи овоз берди, дегани бу партияга овозлар 4 фоиз эмас, икки баравар, яъни 100 фоиз ошгани бўлади. Бундай ҳолларда кўпроқ тажрибасиз, ёш мухбирлар янглишиб қоладилар.

Телевизион сюжет матнини ёзиш мураккаброкдир, чунки бу ҳолда мухбир матнидан ташқари, видеоқатор (кадрлар тартиби) ҳам кўрсатилади. Ҳозирги вақтда телекўрсатув сценарийсини ва монтаж варағини тузишни осонлаштирувчи шахсий компьютерлар учун турли дастурлардан фойдаланилмоқда.

## Эфирда гапириш

Видеокамера ёки микрофон олдида мухбир ўзини йўқотиб қўймаслиги керак. Ўз сюжетларингиз ва эшиттиришларингизда зерикарли бир хил оҳангда гапиришдан қочинг, бу ҳолларда ўз шахсиятингизни, маҳоратингизни кўрсатинг. Қоғозга ёзилган матнни сўзма-сўз ўқиб бериш ўрнига, томошабинларга жонли ҳикоя қилиб беришга ҳаракат қилинг. Эфирда гапираётганда қизиқ-қизиқ сўзларни топиш, жонли ҳикоя қилиш айниқса муҳимдир.

Мухбир сўз топагонлик маҳоратига эга бўлиши керак. Матн билан ишлашнинг қулай томони шуки, уни ёзиш олдидан бир неча бор овоз чиқариб ўқиб олиш керак. Бу нарса сўзларнинг семантикаси ва сюжет маъносини яхшилаб фикрлаб олишга ёрдам беради. Вақтни белгилаб қўйишни унутманг — дастур муҳарририни ҳар бир сюжетнинг хронометражи қизиқтиради.

Радио ва телерепортёрларнинг талаффузлари ҳар хиллиги билан ажралиб туриши керак. Ҳар хил такрорлар тингловчи ва томошабинларни асабийлаштиради, жигига тегади. Қўл остингизда синонимий луғат бўлишини одат қилинг. Матнга ранг-баранглик киритиш маҳоратига эга бўлиш керак.

Ёзишдан олдин матнни ўқишда сўз танлаш ва фикр билдиришларнинг тўғрилигини текширинг. Ноаниқ ёзув ва тушунчалар маънони англашни қийинлаштиради. Жумлаларда сўз тартиби тўғри бўлиши керак, инверсия ва мураккаб эргаш гапли қўшма гапларни ишлатиш керак эмас. Гап тузилиши иложи борича содда, аниқ ва ўқишга осон бўлиши керак.}

Агар ўқувчи ниманидир англамаган ҳолда ўтказиб юборган ёки сўз, гап мантигини тўғри тушунмаган бўлса, буни қайтадан такрорлаши керак. Тингловчи, томошабиннинг бунга имконияти йўқ. Шунинг учун гаплар содда ва тушунарли бўлиши, изоҳталаб бўлмаслиги керак. Текстни қайтадан ёзишда муҳим факт ва гап-сўзларни бир неча бор такрорлаш мумкин, аммо лавозим ва унвон кўрсаткичлари қисқа ва аниқ бўлиши керак. Албатта, бундай ҳолларда маълумотларни тўлақонлиги ва оғзаки нутқ аниқлиги ораларида баъзи бир қарама-қарши фикр (пайдо) бўлиши мумкин. Яхшиси, шу каби лавозимларни билдирадиган маълумотларни кўрсатишда «Тиббиёт профессори» — дейиш қулай, Лунд дорилфунунининг декани, қайсидир касалхонанинг Бош табиби, иммуно-

логия профессори, мутахассислиги фалон, каби узундан-узоқ ёзма ё гап-сўзларни тингловчининг эслаб қолиши кийин. Бундай ҳолларда кишиларга нотаниш бўлган одамларнинг номларидан фойдаланиш керак эмас, чунки бу тингловчининг диққатини бўлади.

Радиомухбир ҳар тарафлама бурро, аниқ, таъсирли ва қизиқарли, ҳаяжонли гапиришни ўрганиши керак. Ўзининг турган жойи ва ҳодисаларни аниқ ва тўғри кўрсатишни, маълум қилишни билиши керак. (Спорт мутахассислари, мухбирлари айниқса бу ишларни юксак маҳорат билан бажарадилар.) Кўпинча мухбирлар тайёргарликсиз гапиришларига тўғри келади. Метро, магазинларда, дискотекалар ва х.к. ходиса-воқеа жойлар тўғрисида ёзишни машқ қилган ҳолда буни ўрганиш мураккаб эмас. Хуллас, бу санъат жиддий тайёргарликни талаб қилади.

## Қабул қилувчи ва узатувчи мухбирлар

Тахририятларда узоқ вақт раҳбарлик лавозимларида ишлаб тажриба орттирган моҳир журналистлардан бирининг айтишича, репортёрлар — мухбирлар икки хил бўлади — қабул қилиб олувчилар ва эфирга узатувчилар. Гап шундаки, булардан қайси бирининг аҳволи оғирроқ?

Қабул қилиб олувчи репортёр вазиятни доимо назорат қилиб турса, таниш-билишлари ва манбалари жуда кўп бўлса, архиви қойилмақом ташкил этилган бўлса — жуда қадрланади. Бирорта янгилик унинг сергак назаридан четда қолиб кетмайди. У билган нарсаларни кўпчилик билмайди. Аммо бундай репортёр ишининг чаток тарафи шундаки, унинг ҳамма вақти ва ғайрати янгиликларни излаб топишга, овлашга кетиб қолади, ижодий ишга, янгиликларни шарҳлашга унинг сира вақти етишмайди, шунинг учун бундай мухбир топган янгиликларидан жуда оз қисмини эфирга бера олади.

Эфирга узатувчи мухбир ҳам жуда ишга кўмилган, у тинимсиз ижод қилади. Радиодан берилаётган барча янгилик дастурларида унинг овози янграйди, телевизор экранларида доимо кўриниб туради, фелетонлар, шарҳлар, китоблар ёзади. Томошабинлар унинг ишларига қойил қолади. Аммо унинг ишида ҳам чаток тарафи шуки, бу мухбир доимо эфир олдида бўлгани учун янгиликларни излаб топишга вақти етмайди.



Бизнингча, қабул қилиб олувчи ва эфирга узатувчи мухбирлар ўргача йўл тутиши, олтин меъёрларни билиши керак, биринчи мухбир йиққан янгиликларни эфирга узатишга вақт топсин, иккинчи мухбир ҳадеб эфир ёнида ўтирмай янги ахборотларни излашга киришсин.

## Масъул муҳаррирларнинг ўрни

Швеция Конституциясида матбуотда босилаётган ва эфирга узатилаётган барча хабарлар учун масъул шахслар аниқ белгиланган. Матбуотда масъул ношир (муҳаррир) радио, телевидениеда эфирга узатиш учун масъул муҳаррир лавозимлари бор. Швецияда бу лавозимдаги одамларга катта ваколатлар (ҳуқуқ ва бурчлар) юклатилган.

***Масъул муҳаррир лавозимидаги шахсга матбуотда чиқаётган нарсаларни назорат қилиш ва қайси мазмундаги нарсаларни босиш ё босмасликни ҳал этиш ҳуқуқи, ваколатлари берилади. Шунга мувофиқ, масъул муҳаррир-ноширнинг розилигисиз бирорта нарса босиб чиқарилмайди. Масъул муҳаррир-ноширнинг мана шу ваколатларини чеклашга ҳар қандай уринишлар қонунга ҳилоф ҳисобланади.***

Матбуот эркинлиги ҳақида қонун, 5-боб, 3-банд.

Матбуот эркинлиги ҳақидаги қонун барча матбуот нашрларига тааллуқлидир. Лекин Сўз эркинлиги ҳақидаги қонунда фақат теле ёки радиодастурларнинг масъул муҳаррирларига шундай ҳуқуқ берилган.

Бу иккала қонун бир-бирини тўлдиради, уларда ОАВ ишларига доир бир қатор қоидалар бор. Швецияда йилига тўрт марта ёки бундан кўпроқ чиқадиган вақтли нашрлар ёки теле, радиодастурлар учун босиладиган асарлар ва теле-радио сюжетлар учун масъул муҳаррирлар тайинланиши керак. Аммо масъул муҳаррирнинг рухсатисиз ёки унинг талабига зид бирор асар босилмаслиги керак. Масъул чиқарувчи (эфирга узатувчи) муҳаррир рухсатисиз янги ахборотлар дастуридаги бирорта сюжет эфирга узатилмайди.

Швеция қонун чиқарувчилари масъул муҳаррир ла-

возимини жорий этиб, мухбирлар, тахририят ходимлари, ахборотчиларнинг иши учун жавоб берувчи жавобгар шахсни топганлар. Бу мансабдор масъулияти билан мамлакатда матбуот эркинлиги ва сўз эркинлиги кафолатланади. Давлатнинг ҳеч бир идораси, ташкилоти ёки мансабдори (масъул мухаррирдан ташқари) матбуотда, эфирда нимани эълон қилиш ёки эълон қилмасликни ҳал этиш ҳуқуқига эга эмас.

**Радиодастурда бериладиган ёки суратга олинадиган, овози ёзиб олинган бирор сюжет мазмуни эълон қилишга қадар ҳоқимият (вакиллари) ёки жамоат ташкилотлари томонидан назорат қилиниши ёки текширилиши мумкин эмас. Мазкур қонунга зид ҳолда ҳоқимият маҳкамалари ёки жамоат ташкилотлари сюжетлар ёки овоз ёзмаларни мазмунига қараб халққа эълон қилинишини таъқиқлаб қўйиши ёки шунга тўсқинлик қилиши мумкин эмас.**

Сўз эркинлиги ҳақида Қонун, 1-боб, 3-банд.

Бунинг маъноси шуки, бошқа демократик мамлакатлардаги каби, Швецияда ҳам матбуот учун расмий цензурага ёки матбуот, эфирда ахборот беришга тўсқинлик қилинишига йўл қўйилмайди. Масъул мухаррир борлиги (институти, тартиботи) айрим мухбирларнинг ёзган ёки айтган сўзлари учун жазоланишига ёки таъқиб қилинишига йўл бермайди, журналистларнинг ҳимоясини таъминлайди. Журналистларнинг асарларидаги хато, камчиликлар учун масъул мухаррир жавоб беради.

Радиода тартиб шундайки, одатда тахририят бошлиғи масъул (чиқарувчи) мухаррир ҳисобланади. Бу мансабдаги шахснинг вазифалари матбуотдаги (газета, журналдаги) масъул мухаррирнинг вазифаларига ўхшайди, ҳатто ундан мураккаброқ. Радиодаги йирик тахририятларда кундузи ва кечаси (масъул мухаррир йўқлигида ҳам) янгиликлар эфирга узатиш учун тайёрланади. Баъзи вақтларда шефнинг йўқлиги мухбирларга ва чиқарувчи (навбатчи) мухаррирларга янада кўпроқ масъулият юклайди. Ижодий ходимлар баъзи масалаларини ҳал қилишлари мумкин. Аммо зарур ҳолларда, айниқса бе-

риладиган асар мазмунининг ахлоқ-одобга алоқадор масалаларни масъул чиқарувчи (выпускающий) муҳаррир (жамоа билан келишиб) ҳал этади.

## Табу — тақик

Нутқингизни мода бўлиб қолган олифтанамо, сийқа сўзлардан, паразит (кераксиз, бекорчи) сўзлардан тозаланг. Афсуски, радио ва тележурналистлар бундай «олифта», «сийқа» сўзларга ўч бўладилар. «Яъни, масалан, хўш, шуни айтиш керакки», каби сўзлардан қочинг. Кўрсатув ёки эшиттиришни «Бу воқеа кундузи соат 2 да юз берди», деб бошламанг. «Зафар қозондилар», «Бонг урди», «Муз тоғининг устки қисми», «асос солди», «яратди», «жасорат кўрсатдилар», «ташқил этишни таъминлади» каби сийқа сўзлар ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Таксичилар сўкиниб, бюрократлар — расмиятчилар совук, расмий тилда гаплашадилар. Мухбир ким билан суҳбат қурса — ўшаларнинг тилига, нутқига мослашувга уринмасин. Афсуски, кўпинча, суҳбатдошингизнинг сўзлаш оҳанги сизга ҳам тез юқади. Мухбир катгароқ мансабдор билан гаплашиб қолса, дарҳол ўзи ҳам расмий, баландпарвоз гапларни айта бошлайди. Технократ ёки бошқа касб эгаси билан суҳбатда ҳам ўша соҳага хос тушунарсиз «илмий» сўзларни ишлата бошлайди. Журналист ким билан суҳбатлашса ҳам ўз тилини, қиёфасини йўқотмаслиги керак.

Баҳо берувчи (сифатловчи), ташвиқот, тарғибот қилувчи сўзларни ишлатманг, бу билан бирор шахс ёки гуруҳга сиёсий ёрлиқ ёпиштирган бўласиз. Мухбир баҳоловчи сўзларни ўйлаб, эҳтиёткорлик билан ишлатсин. Озодлик курашчиси, партизан, террорчи сўзлари турли маъноларни англатади. Йирик тадбиркорлар, картеллар ва халқаро синдикатлар тузиб, кичик ва ўрта корхоналарнинг рақобатбардошлигини чеклашни «синергизм» деган чиройли сўз билан ифодалядилар. Ишсиз ёки ишдан ҳайдалган одамларни нима учундир (олифталик билан ёки моҳиятини яшириб) вақтинча бўш юрганлар деб атайдилар.

Баҳоловчи (сифатловчи) сўзларнинг қўлланилиши жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатади. Масалан, дуккакли ўсимликлар (ловия, маккажўхори, нўхот) экишда олимлар ва баъзи мухбирлар чатиштириш сўзи ўрнига,

генлар манипуляцияси иборасини ишлатадилар. Бу сўз эса, тингловчи, томошабинларда нохуш кайфият ҳосил қилади. Уларга бу сўзлар ёмон, кўрқинчли бўлиб кўрилади. Озиқ-овқат саноати вакиллари дуккакли ўсимликларни генетик ўзгартириш ва моддалаш ҳақида гапирадилар. Янги технология тарафдорлари генетик яхшилانган озиқ-овқат маҳсулотлари, дейдилар. Шу тариқа бир хил ходисани турлича сўзлар билан ифодалаш мумкин. Журналистлар ҳеч бир гуруҳ тарафга оғмасдан, холис сўзларни қўллашлари жоиздир.

Ортиқча сўзларни ўчиринг. Кадрда кирол Карл XVI Густавнинг ўнг тарафида киролича Сильвияни **кўриб турибсиз**. Бу жумлада кадрда, кўриб турибсиз сўзлари ортиқча. Чунки, шундоқ ҳам улар кўриниб турибди.

Таъбир жоиз бўлса, деб аталувчи, каби сўзлар ҳам ортиқча сўзлардир. Бу сўзларни дангаса мухбирлар кўп ишлатадилар.

### Анонс нима учун керак?

Анонс (ёки «лид») ва хабардор қилиш — газетадаги кичик сарлавҳалар — коржомаларга ўхшайди. Анонсда воқеа тўлалигича кўрсатилмай, ундаги айрим парчалар кўрсатилади, бу парчалар томошабинларда дастур сюжетларига қизиқиш уйғотиши керак.

Янгилıklar дастурида — анонс вақтида номаълум аёлнинг расми ва унинг остида бундай матн берилади:

Бу аёл бугун Нобел мукофотига сазовор бўлди.

Дастуримизда бир оздан кейин муаллиф ўз шеърларини ўқийди.

Бу анонсни кўрган томошабин тушунадик, кўпчиликка нотаниш шоира бугун Нобел мукофоти билан тақдирланибди. Ким экан у? Қайси мамлакат вакили — булар ҳозирча сир тугилади. Газетага нисбатан, радио ва телевидениеда анонс матни томошабиннинг диққатини тортувчи «тузоқ» бўлиб хизмат қилади.

Қизиқ сўзлар билан (подводка) хабардор қилиш — тақдимот осон иш эмас. Тақдимот — хамир учидан кулчага ўхшайди. Бунда анонсга нисбатан кўпроқ маълумот берилади, аммо шунда ҳам воқеа охиригача айтилмайди. «Кулча» берганда янгилікни хабар қилишдан ташқари, шу воқеадан аввалроқ нималар бўлгани ҳам айтилади, буни билган томошабин воқеани яхшироқ тушунади.

## Силлиқ ўтиш санъати

Хабар қилишдан сюжетга ўтиш ёки журналист матндан интервьюга силлиқ ўтиш керак. Боғланиш чоклари билинмаслиги керак. Салгина ноаниқлик, норавонлик ёки сакраш томошабинга тез билиниб қолади. Дикторнинг «Бизнинг мухбиримиз фалон жойдан хабар қилади» деган сўзларидан сўнг, албатта, мухбирнинг овози эшитилиши керак.

### Тақдимот Мухбиримиз Токиодан хабар беради. Сюжет

Бу эшиттиришни «Акс-садо» («Эхо») мухбири бошламай, японча сўзлар билан бошланиши тингловчини хайрон қолдиради. Бу киши ким экан? Сўнг японча сўзларнинг таржимаси берилади. Аммо тингловчи ўз ўйлари билан овора бўлиб, таржимани яхши эшитолмай қолади. Вакт бой берилади.

Сюжетни аввалги анонс ёки тақдимотда айтилган сўзларнинг такрори билан бошлаш ҳам одамни зериктиради. Тингловчи аввал айтилганлардан бирорта сўзни такроран эшитса ҳам, суҳбат унга зерикарли кўринади.

Иложи борича анонс ва кулча-тақдимотни мухбирнинг ўзи тайёрласа яхши бўлади. Шундай қилинганда суҳбат тақдимотида ноаниқлик ва ортиқча сўзлар учрамайди. Аммо радиода бир сюжетдан иккинчи сюжетга ўтишни, яхши туташтиришни дастур бошловчиси ёки студия журналисти бажаради. Эшиттиришни олиб борувчи журналистнинг кўп вақти сюжетларни кўриқдан ўтказиб, анонс ёки кулча тайёрлашга сарфланади. Шундай анонс ва кулчалар воситасида бир сюжетдан иккинчисига силлиқ ўтилади ва янгиликлар чиройли, қизиқарли қилиб берилади. Бир дастурдаги янгиликларни тил жихатдан бир услуб ва оҳангда берган яхши. Тақдимотда сюжет ҳақида қисқа хабар қилинади, унда ортиқча сўзлар ва маълумотлар кўпайиб кетмасин. Чунки, тақдимот сюжетни гапириб бериш эмас, балки сюжетни тинглашга қизиқиш уйғотувчи «тузоқ»дир.

Дастурни олиб борувчи (ведущий) мухбирни ва унинг суҳбатдошини тингловчиларга таништириши керак. Телевидениеда эса тақдимот учун тасвир остидаги ёзув-

титрдан фойдаланиш мумкин. Шу маънода теледастур тайёрловчида сюжетларни анонс ва тақдим қилишда имконият кўпроқ.

Кўпчилик янги ахборот дастурлари охирида видеомонтаж режиссёри ва операторининг номлари титрда пайдо бўлади, буни credit (кредит) дейдилар. Сюжетни тайёрловчи мухбирнинг номи эса репортаж аввалида берилади. Газетада мухбирнинг номи, сурати ва телефон рақами берилса — буни Buline (бойлин) деб аталади. Радиоэшиттиришларда сюжет охирида дастур бошловчиси журналист исмини ва унинг суҳбатдошлари исмларини айтади. Радио ва телевидениеда бошловчи сюжет охирида қисқа хулоса қилади, кўпинча бу хулосада келгусида кутилаётган ишлар, чора-тадбирлар айтилади. Масалан: «Хукумат бу масала бўйича камида икки ойдан сўнг махсус қарор қабул қилади», «Суд бу масалада икки ҳафтадан сўнг охирги ҳукмини айтади», «Фалон адвокат билан мухбиримиз фалончининг суҳбатини эшитдингиз».

## Суҳбатда феъл замонлари

Дастур бошловчилари ва сюжетларни тайёрловчи мухбир-репортёрлар феъл замонларини танлашга жиддий эътибор бериши керак. Ҳозирги замон феълени қўллаш томошабин ёки тингловчи воқеада бевосита қатнашаётгандек таассурот қолдиради.

— Ижтимоий таъминот вазири айтадики...

— Ҳамширалар иш ташлаш билан ўз мақсадларига эришишни кўзламоқдалар...

Аммо баъзи ҳолларда тақдимотда ёки бир сюжетдан иккинчисига ўтиш вақтида ўтган замон феълени ишлатиш равон ўтишга ёрдам беради.

Тақдимот (таништириш)да бўлиб ўтган воқеа хабар қилинади.

— Бугун 10 минг ҳамшира иш ташлаш намоёйишига чиқдилар. Бунинг оқибатида мамлакатда кўпчилик шифоналарда иш тўхтаб қолди.

— Ҳамширалар бу иш ташлаш йўли билан ўзларининг энг кам-минимал маошларини... гача кўтарилишини талаб қилмоқдалар.

Сюжетда ўтган ва ҳозирги замон феълларини ўрни билан ишлатиш воқеага шиддатли тус беради. Иш ташлаш эрталаб бошланган. Янгилик эфирга берилаётганида у давом этаётган эди.

## Телеэкран тили

Юқорида айтганларимизнинг ҳаммаси радиога ҳам, телевидениега ҳам тааллуқлидир. Аммо халққа ахборотларни етказувчи электрон воситаларнинг бу икки тури орасида катта фарқлар ҳам бор.

Телеэкран тили радиога нисбатан ихчамроқ, лўндароқ бўлади. Телесюжет учун сценарий ёзаётганимизда ҳар гал ортиқча сўзларни ўчирамиз, қайта ўқиб, яна ўчирамиз. Яна ва яна... Охири сўзларнинг энг қаймоғини қолдирамиз. Видеоқатор асосий ахборот берувчи тасвирлардир. Телерепортёр кўпинча воқеа бўлаётган жойнинг номини айтмаслиги, бунинг ўрнига жой номи ёзилган йўлқўрсаткични ёки фирма ёки заводнинг вывескаси — лавҳасини кўрсатиши ҳам мумкин. Телевидениеда сўзлар ўрнига кадрлардан, график тасвирлар ва тимсоллардан ва бошқа турли воситалардан фойдаланиш мумкин.

Телерепортаж сценарийси жуда пухта ишланиш керак, чунки, бу ўринда кадр ортидаги матн билан телеэкрандаги тасвир мувофиқ, мос келиши керак. Бадехатан, шошиб ёзилган сценарий оқибатида яроқсиз бўлиб чиқиши мумкин. Видеоқатор билан матнни мувофиқлаштириш учун, яхшиси матнни монтаж вақтида монтажчи билан ўтирган вақти ёзган маъқул. Шундай қилинганда бир неча намуна кўргандан сўнг тез орада видеоқатор билан матнни мувофиқ келтириш мумкин бўлади. Телемухбир ўз сюжети матнини табиий ва жонли тил билан ёзса яхши чиқади.

Дастур бошловчиси одатда ўз матнини камера линзасидан пастроқда турган телесуфлёрга қараб ўқийди. Аммо кўпчилик бошловчилар зерикарли бўлмаслиги учун гоҳ-гоҳида белгилар, тезислар ёзилган қоғозига қараб-қараб кўяди.

Баъзан мураккаб ва чалкаш воқеаларни шарҳлаш учун тўппа-тўғри эфирда гапириш яхши самара беради. Бунда репортёр бошловчи ёнида ўтиради ва юз берган воқеани ёки чиқарилган қарорни яхшилаб шарҳлаб беради. Албатта, бу катта тайёргарлик ва маҳоратни талаб қилади. Эфир олдида келишдан аввал бошловчи ва шарҳловчи (муаллиф) савол-жавобларини яхши ўйлаб, пухталаб оладилар. Аммо студияга кирганда шарҳловчи жавобларини қоғоздан ўқиб бермай, эркин, жонли гапириши керак. Яхшиси, шарҳловчи, репортёр матнни тўлиқ ёзиб ўтир-

май, тезисларини қоғозга тушириш етарлидир. Суфлёрдан ўқигандан кўра, шарҳловчи жонли гапирганида тингловчилар кўпроқ ишонади.

## Либосчи маслаҳатлари

Тележурналист ҳам, радиомухбир ҳам янгиликларни ширали овоз ва маҳорат билан халққа етказиши керак. Тележурналист бундан ташқари, экранда қандай кўриниши устида ҳам ўйлашига тўғри келади. Телемухбирнинг кийими мундайроқ (эскироқ, ярашмаганроқ) бўлса, тингловчилар шунга қараб, унинг сўзларига эътибор бермай қўйиши мумкин. Тележурналистнинг кийиниши тингловчи, томошабинларнинг диққатини чалғитмаслиги, гашини келтирмаслиги керак. Дунёдаги жуда кўп телестудияларда костюмер-либосчи ёки дизайнер лавозими бор. Бу касб эгалари дикторларга ва журналистларга экранбоп либосларни таклиф этишади. Қўйида Швеция телевидениеси костюмерининг маслаҳатларини келтирамыз:

**Либос шакли.** Пиджак (костюм)нинг елкалари жуда кўтарилган ҳам, жуда паст ҳам бўлмасин. Қўйлак ёки блузанинг ёқаси тор ҳам, кенг ҳам бўлмасин. Шимининг бели жуда тор бўлса, (қорин бўшлигини қисиб турса, экранда хунук кўринишидан ташқари, овозга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Водолазка — ёқасиз юмшоқ кўйлакнинг бўйни жуда баланд бўлса, кадрда тана бошдан ажралгандай кўринади. Журналист ва дастур бошловчиси ўз либосида ўзини бемалол, эркин ҳис этсин.

**Либос ранг-баранглиги.** Ўзингизга ярашадиган рангдаги либосни танланг. Очик, порлоқ ранглар одамни жонли кўрсатади, аммо жуда яркироқ, ялтироқ либослар кўрувчиларнинг диққатини чалғитади.

**Нур акси.** Жуда оппоқ, ялтироқ сорочка ва блузкаларни кийманг. Бундай либосга мос нурни излаш керак, ялтироқ оқ ранг одамнинг юзини нотабиий қилиб кўрсатади. Шунда ҳам оқ либосни жуда кийгингиз келса, оқиш ёки қаймоқрангини топиб кийган яхши.

Қора пиджак экранда баъзан қора доғ бўлиб кўринади. Қип-қизил ёки кўм-кўк (ёки тўқ ҳаворанг) либослар ҳам экранда яхши таассурот қолдирмайди.

**Газламанинг гули.** Сорочка, блуза, костюм ва узун кўйлақлардаги қалин йўл-йўл чизиклар экранда яхши



кўринади. Майда гулли, жимжимадор либослар экранда жимирлаб, тасвирга тўсқинлик қилади.

**Галстук ва безак-тақинчоқлар.** Кўпчилик одамлар безаниб, чиройли кўринишни истайдилар, безаклар, тақинчоқлар одамнинг ўзига хослигини таъкидлашга хизмат қилади. Аммо керагидан зиёд кўзга ташланадиган йирик тақинчоқлар, ўта ялтироқ дурра ёки шарф одамларнинг диққатини тортиб, сўзга эътиборни камайтиради. Рангсиз, туссиз ёки алмисоқдан қолган галстуклар томошабинларни кулдиради ё гашини келтиради. Камера олдида жуда йирик гулли ёки жуда майда гулли галстукларда кўриниш ҳам яхши эмас.

**Грим.** Камера олдида грим билан ўтирган одам табиийроқ кўринади. Кучли ёруғлик гримсиз одамни арвоҳга ёки ўликка ўхшатиб кўрсатади. Агар вақт зиқ бўлса, шошиб турсангиз, грим ўрнига юзингизга упа сепиб олсангиз ҳам юзингиз экранда ялтираб кўринмайди.

## **Тил маданиятига риоя қилинг**

Радио ва телевидение тили бутун мамлакат фуқаролари тилининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Радио эфирда ёки телевидениеда янграган янги сўзлар ва иборалар тез кунда ҳаммага тарқалиб, модага айланиб кетади. Бу эса телерадио журналистлар тилига алоҳида масъулият юклайди. Улар тил маданиятини асраши, жонли, ширали, адабий тилда гапириши зарур.

## 8. Янги версиялар топинг!

Тасаввур килинг, ҳар бир янгилик табиий олмос, унга турлича шакл ва жило бериш мумкин. Узук кўзидаги олмосни турлича афдарсангиз, ёрулик жилоси ўзгарганидек, ўша олмоснинг ўзи энди мутлақо бошқача бўлиб кўриниши мумкин.

*(Валери Хеллердан, эркин таржима)*

Биз телемухбирларга томошабинлардан энг кўп эътироз дастурлардаги такрорлаш учун билдирилади. «Нима учун кун бўйи бир хил гапни такрорлайверасизлар?» — дейди улар. Масаланинг шундай кўйилиши адолатлидир. Бошқа тарафдан олганимизда, энг муҳим янгиликларни кун бўйи бир неча марта бериш зарур бўлади. Масалан, ер кимирлаши (зилзила) ёки авиафалокат ҳақидаги хабар соат ўнда ва ўн бирда бериладиган сўнгги ахборотларда албатта эълон қилинади. Кейин соат ўн иккидаги ахборотда яна такрорланади. Энг муҳим янгиликлар доимий равишда сўнгги ахборотларда бериб борилади.

### **Янгиланиш ва барқарорлик**

Радиостанциялар ҳар соатда бир марта янгиликларни эълон қилар экан, энг сўнгги дақиқаларда юз берган воқеалар билан таништириб бориш зарур. Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида худди шундай қилинади. Энг муҳим янгиликларнинг такроран берилиши кўпчиликка манзур тушади. Сўнгги ахборотларни доимо бериб турадиган теле ва радиостанциялар вақт зиклигидан барча эшиттиришларини янгилаш имкониятига эга эмас. Эрталабки соатларда радио ва телевидениеда ахборотлар унчалик қизиқарли эмас, бунинг сабаби бу вақтда ҳали янги ахборотлар таҳририятга етиб келмаган бўлади. Тингловчилар сафи эса тез-тез ўзгариб туради.

Теле, радио мухбирлар учун эрталабки ва оқшомги вақтлар энг долзарб вақтлардир. Чунки, худди шу вақт-

да одамлар ишга жўнаш олдидан нонушта қилиб, радиони эшитаётган ёки телевизорни кўраётган бўлади. Тушлик вақтида ҳам кўпчилик ахборот эшитади. Эрталабки телеахборотлар блоки радионинг ҳам ўрнига ўтади, одамлар бу вақтда экрандаги тасвирга унчалик қарамасалар ҳам, янгиликларни эшитадилар.

Шу вақтларда тингловчилар давраси тез-тез ўзгаришига қарамай, бари бир кўпчилик сўнгги ахборотларнинг бир нечасини кетма-кет тинглайверадилар. Ахборотлардаги доимий такрорлар тингловчиларнинг ғашини келтиради, улар канални ўзгартирадилар ёки ўчириб қўядилар. Шундай бўлмаслиги учун тахририятлар янгиликларни ранг-баранглаштириб ва янгилаб туришлари керак. Тингловчиларни зериктириб қўймаслик учун аввалги ахборотларни ҳам янгича оҳангда ва услубда айтишга ҳаракат қилиш керак.

Радиога ҳам, телевидениёга ҳам, ҳар бир чиқишда ахборотларни ҳам, репортажларни ҳам, телеграммадан қисқа хабарни ҳам, аввалгидан бошқачароқ қилиб, бошқача жило билан бериш журналистлардан катта маҳорат талаб қилади.

## **Бошланишини янгиланг**

Радио ёки телесюжетнинг ҳар бир версияси янгича бошланиши яхши. Сюжетларнинг кириш қисмидаги кадрларни ва матнларни янгилай олсангиз — шунинг ўзи катта гап. Тингловчиларни матн сўзларининг ва видеоқаторларнинг такрорланиши зериктиради. Эртадан кечгача сўнгги ахборотларда бир хил сўзлар такрорланаверса жонга тегади.

Ҳар бир ахборот таркибида асосий унсурлар — далиллар, суҳбатдошлар ва кадрлардир. Сюжетни янгиланингни осон йўли — янгиликни турли қисмларга ажратиб, ҳар галги эълон қилишда шу қисмларнинг жойларини алмаштириб, янгича композиция билан беришдан иборат.

Яхши ахборот, воқеа қачон, қаерда, қандай юз берди? Бу ишни ким ва нима учун қилди? — каби табиий саволларга жавоб бериши керак. Мана шу саволларга жавоблар ҳар бир сюжетнинг таркибий қисмлари бўлиб, бу жавоблар мухбир матнида ҳам, интервью-суҳбатда ва овоз ёзувларида ҳам учрайди. Журналист бундай саволларнинг жавобларини ҳар гал бошқачароқ айтиб, янги версияларни ҳосил қилиши мумкин.

Янгилашга киришишнинг оддий йўли — журналист мана шу қисмларнинг қисқа мазмунини турли қоғозларга ёки компьютерга ёзиб, ўз олдига «ёйиб» қўяди ва уларни турлича жойлаштиради. Яхшиси — барча далиллар — маълумотларни чап устунга, шу ҳақида жавоб-интервьюларни ўнг устунга қўйиб чиқади. Учта далил ва учта интервьюдан турлича вариантларни ҳосил қилиш мумкин. Мана шу олти қисмдан олдинма-кейин турлича ўринларда фойдаланиш мумкин.

### **Фактлар**

1. Автофалокат, неча одам ҳалок бўлгани
2. Воқеа юз берган вақт ва жой
3. Воқеа қандай юз бергани ва сабаби

### **Интервьюлар**

- |                             |
|-----------------------------|
| А. Омон қолган одамлар сўзи |
| Б. Воқеа шохиди, 1-эпизод.  |
| В. Воқеа шохиди, 2-эпизод.  |

Сюжетни автофалокатда омон қолганларнинг биридан ёки фалокатнинг шохиди бўлган бирор йўловчидан интервью олиш билан бошлаш мумкин. Шохидлардан бирортаси воқеа қандай юз берганини айтади. Қачон? Қаерда? Ким? Нима? Не сабабдан? — саволларига жавоб берувчи мана шу интервьюни сюжетнинг бошига, ўртасига ёки охирига жойлаштириш мумкин. Фақат бир интервьюнинг ўзидан воқеанинг турли версияларини очиш мумкин. Кичик бир далилга доир қисқагина ахборот сюжетларини ҳам янгилашнинг техникавий имкониятлари бор. Сюжетнинг ҳар бир жиҳати — версиясига яна бир янги тафсилот топиб қўйиш маъқулгина эмас, зарур ҳам. Воқеа юз берганига қанчалик кўп вақт ўтган бўлса, таҳририятга унинг шунча кўп версиялари ҳақида хабарлар келиб тушади. Шу маънода воқеанинг турли-туман кирраларини очиш мумкин.

Автофалокат содир бўлганда ер музлаганми? Бошқа автомобилларнинг эгаларини огоҳлантириш керакми? Омон қолган ва жароҳатланганларнинг аҳволи қандай? Ўлганларнинг қариндошлари ва яқинларига хабар қилинди? Жабр кўрганларнинг исм-шарифларини билиш мумкинми? Фалокатнинг юз бериши техника носозлигидан эмасми? Чорраҳада светофор ишлаб турганми? Фалокат учун ким айбдор? Ва ҳоказо саволларга жавобларни топиш мумкин.

Янгилик ҳали барчада қизиқиш уйғотиб турган экан, журналист ҳар гал бу ҳақдаги ахборотини тафсилотлар

билан бойитиши мумкин. Барча ахборотларда бир воқеани ҳеч ўзгаришсиз беравериш яхши эмас.

Америкалик радиожурналистика муаллимаси Валери Хеллери радиосюжетларни ранг-баранглаштиришнинг устаси фаранги, дейиш мумкин. У ўзининг «Creating Provoful Radio» китобида матн ва овоз қаторларини ўзгартириш йўли билан сюжетнинг янги версияларини бериш методикаси ва техникасини кўрсатиб беради. Ахборотнинг ҳар бир янги вариантыда аввалги маълумотлар янги маълумотларга алмаштириб турилади. Эфирга кун бўйи бир неча марта бериладиган сюжетларнинг янги версиялари тингловчиларга воқеани яхлитроқ, тўлароқ тушунишга ёрдам беради, айтилиш вақтида ҳар бир янгиланган сюжетнинг асосий далиллари сақланиб қолади.

Телевидениеда ҳам шундай йўл тутиш мумкин. Бу ерда сюжетни турли эпизодларга бўлиш ва уларни турлича таркибда тузиб кўрсатиш мумкин. Дастур бошланишидаги анонс («лид»)ни ҳам, тақдимотни ҳам янгиланган туриш керак. Репортёр-мухбир бу ишни қойиллатиш учун радиомонтаж ва телемонтаж техникаси асосларини яхши билиб олиши керак.

## Қисқартириш

Ҳар бир монтаж вақтида (эски маълумотларни) қисқартириш фойдалидир. Радио ёки телемонтаж жараёнини концентрат тайёрлашга ўхшатиш мумкин. Янги, сифатли мевалардан атала қилинади, сўнг унга зираворлар, эхтимол, сабзавотлар ҳам қўшилади. Атала қайнатилиб, суви тугайди, қолган концентратга яна ширинликлар қўшилади.

Монтаж вақтида ҳам янги ахборотнинг барча «суви» олиб ташланади. Номухим, ортиқча гапларни қисқартириб, интервьюнинг фақат қаймоғи қолдирилади. Баъзан ўзингизга яхши кўринган жойлар ҳам қисқариб кетади. «Арзандаларни йўқотинг!», деган ибора бор. Сухбатда энг муҳим фикрларни қолдириб, тайёр концентратга аниқ маълумотлар ва тафсилотлар қўшинг.

## Радиомонтаж

Янги рақамли техника монтажни осонлаштириш билан бирга, янги версияларни ҳам ёритишга ёрдам беради. Асл ёзув лентаси (оригинал) компьютерга киритилади, сўнг тахририятнинг ҳар бир ходими ундан исталган

ча вариантда ахборот матнини тузиши мумкин. Мисол учун, бир журналист маҳаллий маъмурият бошлиғи билан суҳбатни тўлиқ берса, бошқа бир журналист шу суҳбатнинг айрим жойларини олиб, бир неча янги хабарлар тайёрлаши мумкин. Биргина радио ёки видеоёзудан бир неча журналистлар фойдаланиб, ўзларига керакли қисмларини олишлари мумкин. Аммо компьютер билан ёки оддий монтаж қурилмаси билан ишлангангиз ҳам монтажнинг асосий қодалари аввалгидек қолаверади.

## **Сюжет парчаларини микширлаш**

Бир сюжетнинг турли қисмлари турли кунларда ва турлича вазиятларда ёзиб олинishi мумкин. Студия ёзуви тиниқ бўлса, бошқа ерларда жонли суҳбатда турлича ҳаётий шовқинлар аралашади. Тўппа-тўғри, тартибли монтаж қилинганида бегона шовқинларнинг кўплиғи гашни келтиради. Орага шовқинсиз, тиниқ кадрлар ҳам кўшиб, аралаштириб, микширланса, сюжет сифатлироқ чиқади. Бир қисмдан охиста бошқа қисмга ўтилади. Мухбир-репортёр студияда сюжет матнини ўқиётганида, атрофдаги бегона шовқинлар аста-секин ўчирилади. Мисол учун, суҳбатдошингиз сўзини ресторанда ёзиб олсангиз, аввалроқ тинч вазиятда ёзганингизни бериб, ҳаётий шовқинларни охиста суҳбат охирига ўтказиш керак. Микширлашда сюжетнинг бир қисмидан бошқа қисмига табиий ўтилади. Студиядан ташқарида, табиатда ёзиб олинганида, атрофдаги фон-шовқинлар кесиб, улаш вақтида керак бўлиб қолади.

## **Ундош товушда кесинг**

Суҳбат ёки бошқа матнларни монтаж қилишда ундош ёки унли товушдан эмас, унсиз товушдан кесиш осонроқ. Мисол учун, «Осмон» сўзи олдида ёки орқасидан кесишдан кўра «булут» сўзидан кейин кесилганида «т» қаттиқ товушини оддий ёзув магнитофонидан ёки компьютердан излаб топиш осонроқ.

## **Овоз дастагининг ҳолати**

Аналоглар усулида монтаж қилинганида, магнит лентасини кесаётган қайчининг учи «овозбоши» игнасининг

учига тегай деб қолади. Демак, журналист бу ҳолда лентанинг кесиладиган жойини авайлаб тортиб, қайчига яқин келтириши керак. Лентада белги қўйилмаган бўлса, уни зарур жойини топиб кесиш анча мураккаб иш. Шунинг учун, яхшиси, махсус қалам билан қирқиладиган жойни белгилаб қўйиш керак. Аналог усулида монтаж қилиш — репортёрдан юқори малака ҳамда вақт сарфлашни талаб қилади. Рақамли монтаж иши осонроқ. Бунда лента (кассета) компьютерга солиниб, айлантирилади, экранда график-чизикли тасвир кўринади. Электрон «қайчи» ва курсор ёрдамида монтаж қилинганида монтаж нуқтасини жуда аниқ топиш мумкин.

## **Нафаслар жуфтлашмасин!**

Сюжетнинг айрим қисмларини микширлашга тайёрлашда гапини тугатаётган одам ҳам, гапини бошлаётган одам ҳам янги нафас олади. Баъзан лентани қирқиб, уланганида бир суҳбатдошнинг нафаси билан иккинчи суҳбатдошнинг нафаси бир-бирига тўғри келиб қолса, тингловчига суҳбатдош жаҳл билан ёки эсанкираб, тез-тез нафас олгандек кўринади. Агар эффект учун фойдаланмасангиз, лентани қирқиб, улаётганда фақат бир нафасни қолдиринг.

## **Овозлар аралашиб кетмасин!**

Репортёр суҳбатдошининг студияда ёзиб олган овози билан студиядан ташқарида ёзиб олган овозини бир-бирига қўшиб юбормаслиги керак. Бунда суҳбат нотабий чиқади ва гашни келтиради. Одатда журналист турли жойларда ёзиб олинган суҳбат парчаларини бир-бирига улаётганида овозлар тўкнашиб кетади. Бунга йўл қўймаслик учун журналист саволини студияда қайтадан ёзиб олиш керак ёки суҳбатни савол-жавобдан бошлаб, сўнг суҳбатдошнинг эркин сўзлашини берган яхши.

Агар журналист муҳолиф партиянинг вакилидан интервью олганида, ундан нима учун ҳукуматнинг фалон таклифи сизга маъқул эмас? — деб сўраса, микширлаш вақтида мухбир ўз саволини ўчириб, суҳбатдошининг жавоби олдиан «фалон партия вакили ҳукуматимизнинг фалон таклифини танқид қилмоқда», деган сўзларни қўшиб қўйса, суҳбатдошнинг жавоби бошқачароқ кўринади. Бунинг ўрнига мухбир ўз саволларини студияда

ёзиб, жавобларни табиатда ёзса, тингловчи бу тафовутни сезиб, савол-жавоб таҳрир қилинган, деб, суҳбатга ишонмай кўяди. Бунда умумий сюжетнинг ҳаққонийлиги ҳам шубҳа остида қолади.

## Овоз оҳанги

Бирон воқеани ҳикоя қилаётган одам кизиқарли жойига келганида, овози баландлаб кетади ва у воқеанинг давомини айтмоқчидай кўринади. Монтаж агар шу баланд овозда тугалланса, тингловчи воқеанинг давомини кутади. Шунинг учун мухбир суҳбатдоши овозини яна пасайтирган жойидан қирқиши керак. Агар бунинг имкони бўлмаса, қисмларни шундай улаш керакки, тингловчида ҳикоячини ўртада кимдир сўзини бўлгану, у энди, воқеанинг давомини айтмоқда, деган таассурот қолсин. Суҳбатдошнинг баланд овозини муаллақ (осилтириб) қолдиришдан кўра, кейинги усул табиийроқ чиқади.

## Телесюжет монтажи

Радиосюжетга нисбатан, телесюжетда товуш қаторларини монтаж қилиш осонроқ. Хронометражи секундига 25 электрон кадрдан иборат магнит лентасидан бирор кадр қаерда бошланганини ёки қаерда тугагини топиш қийин эмас. Шунинг учун телевизион мухбирлар радиомухбирларга нисбатан «кўполроқ» қирқиб-улашлари ҳам мумкин. Радиотингловчига бир овоз янгиси билан алмашганини сезиш учун бир неча секунд вақт талаб қилинса, телеэкранда ҳар бир янги қатнашчи шу заҳоти кўриниб туради. Шунинг учун жуда қисқа синхрон овозлар ёки телесюжет қисмлари ажабланарли кўринмайди ва «хазми» осонроқ кечади.

Радиоода етти дақиқали нутқ галати ва бемаъни кўринса, телевизорда табиий кўринаверади. Америка ахборот дастурларида президентликка номзодларнинг сайловолди мавсумида гапиришлари ўртача олганда 7,2 секунд давом этади. Бундай қисқа вақтда айтилган сўзни тушуниш мумкин, аммо ҳар доим шундай қилиш сўзловчи ва тингловчига манзур бўлмайди. Видеомонтажни осонлаштирадиган яна бир жиҳат кадрлар орасига ўзгаришлар киритиш ёки ҳолатларни ўзгартириш мумкинлиги. Радиоода овознинг кесиб-улангани тез билиниб қолади, те-



левидениеда кадрлараро қўшимча ёрдамида монтажни ёки бошқа ҳолатга ўтишни сездирмай иш қилиш мумкин.

## Қистирма (перебивка)

Телесюжетни радиоусулида оддий монтаж қилинганида кадрдаги одамнинг боши нотабий қимирлаб, титраб кетади. Тележурналистлар буни «титрлаш» (jump — cut) деб аташади. Кадрда «титрлаш» бўлмаслиги учун монтаж қилаётганда қирқилган жойга бошқа бир кадрни қистиради. Мана қўшимча кадрнинг хронометражи уч секунддан ошмагани яхши. Агар қўпайиб кетса, томошабин яхши идрок этолмайди.

Қўллар. Қўшимча кадр суҳбатдошнинг қалам ёки кўзойнак ва ҳоказоларни олаётган қўли бўлиши мумкин.

Деталлар (тафсилотлар). Томошабин суҳбатдош ўтирган хонанинг айрим қисмларини, масалан, эшик, дераза ёки тикув фирмаси номи ёзилган лавҳани, ёки аёл бўлса, сирға ёки бошқа безагини оралиқда кўрсатиш мумкин. Лекин, қўлдаги чизиқлар ёки жуда ялтироқ сирға тингловчини чалғитади, у кўрсатув мазмунини назардан қочиради. Стол устида папкалар, суратлар ёки қорозлар тахлами кўрсатув мазмунига мос бўлиши керак.

Тингловчи. Кесилган оралиқда кадрда мухбир суҳбатдошининг сўзларини тинглаётгани ёки залда ўтирганлар нотикни тинглаётганини кўрсатса бўлади.

Кадрда икковлон. Журналист ва суҳбатдош кадрда кўринади, гапирувчининг лаби кўринмайдиган даражадаги масофадан суратга олган маъқул.

Иллюстрациялар. Экранда нима ҳақда гап кетаётган бўлса, ўша нарсаларни кўрсатиш. Шундай қилиб, хонадан олиб борилаётган кўрсатувни мазмундан келиб чиқилган ҳолда устахонага ёки ферма, касалхонага кўчириш мумкин, сўнгра яна суҳбатдош кўрсатилган кадрга қайтилади. Бундай қилиш бино интерьерлари билан хонадан олиб бориладиган нотабий курук кўрсатувдан кўра жонлироқ чиқади.

Атрофдаги одамлар. Матбуот конференцияси вақтида ёки қизиқ одам ёки куннинг қахрамони атрофида кўпчилик одам тўплаган чоғда журналист, фотограф ва операторларни кўрсатиб қўйиш мумкин. Бундай қўшимча бўлиб ўтаётган ходисани ёки кайфиятни билдирувчи яхши қўшимчалардир.

Қора ёки оқ кадр. Матнни монтаж қилаётганингизда, орага кистирма кўшганингиз ғалати ёки нотабий кўринмасин. Бўлмағур кистирмалар кўшгандан кўра томошабин, шу жойда лента қирқилганини билгани яхшироқ. Гоҳо, икки, учта қисқагина оқ (суратсиз) кадрдан кистирма ўрнида фойдаланиш мумкин. Бундай кистирма сезилиб қолса ҳам, «титрлаш»ни йўқотишга ёрдам беради. Кўпчилик телетомошабинлар оқ кадрни видеокамера чироғидан шундай чиқиб қолган, деб ўйлайдилар. Шундай ўйлашлари учун атайлаб, камерада ишлаётгандаги овозни кўшса ҳам бўлади.

Қора кадр кистирма қилинса, лента узилиб-улангани янада яққол кўринади.

### **Дастлабки монтаж**

Телевизиончи мухбир монтажга доир бошқа нарсаларни ҳам билиши керак.

Мухбир-репортёр телесюжетни тайёрлашда дастлабки (хомаки) монтаждан фойдаланади. Мухбир овоз синхронларини ва олинган тасвирларни кўриб чиқиб, вақт кодларини ёзиб қўяди. Камеранинг электрон ҳисоблагичи вақт кодларини минутлар, секундлар ва чорак секундларга қайд этади.

Журналист видеомонтаж хонасини банд қилиб, режиссёр ишига ҳалақит бермаслик учун «Бета» форматидаги оддий VHS видеокассетага янги суратга олинган плёнканинг копиясини (иккинчи нусхасини) кўчириб олиб, видеомагнитофонда кўриши мумкин. Мухбир маърузачиларни, суҳбатдошларни ва бошқа энг муҳим тасвирларни кўриб, мисол учун, энг муҳим эпизодларни белгилаб олади:

01.45. Бош вазир давлат бюджетдаги дефицит ҳақида гапирмоқда.

02.30. Ишсизлик ҳақидаги саволга жавоб.

04.53. Қистирма (яхшиси) — ишсизлар ҳақида савол.

08.14. Бош вазир минбарда, ён томондан кўриниши.

08.22. Бош вазир кўзойнагини олаётгани.

08.37. Кўзойнак йирик планда.

Мана шу хомаки режани тайёрлаб олгач, мухбир монтажхонага кириб, монтаж режиссёрига ўз мақсадларини айтади, у билан бирга материални кўриб чиқади. Сюжетни қандай куришни, видеоқаторлар тартибини мон-

таж режиссёри билан биргаликда ҳал қиладилар. Мухбир билан монтажёрнинг ҳамкорлиги журналист билан оператор ҳамкорлиги каби муҳим аҳамиятга эга. Монтаж режиссёри журналистга мақсадга мувофиқ сюжетни куришга ёрдам бериш учун материални кўриб чиққан бўлиши керак. Журналист хомаки, дастлабки монтаж вақтида тузган ёзувларидаги вақт кодлари монтаж режиссёри ишини ҳам енгиллаштиради.

## **Репортёр (мухбир) матни** (speakertext)

Видеоаппаратхонага кираверишда одатда кичгинагина овоз ёзув студияси бор, бу ерда мухбир ўз матнини (ёзганини) видеоқаторга ёзиб олади (бу ерни журналистлар «бочка» деб атайдилар). Сюжет учун қайси кадрлар танлаб олингани маълум бўлганидан кейин мухбир ўшалар учун матн тузиб, овозини видеоплёнкага ёзиб қўяди. Видеоқаторлар танлаб олинганидан кейин бу иш қилиниши табиийдир, чунки, кадр билан мухбир сўзлари мос келиши керак. Бири биридан орқада қолиб кетмасин.

Телемухбир матни радиомухбир матнига нисбатан вазминроқ, камсўзлироқ бўлади. Баъзан таъсирли кадрларни томошабинлар яхшироқ кўриши учун, сўзламай, пауза қилиб (сукут сақлаб) туриш ҳам яхши.

## **Телевизорда ҳикоя қилиш санъати**

Қисқа ахборотдан иборат телесюжет мақсади ва йўналиши ҳам аниқ, яхлит бўлсин. Телесюжетни турли мавзуларга майдалаб юбормаслик керак. Қисқа сюжет воқеасида ҳам тугун ва хотима бўлсин. Сюжетнинг бошланишиданок томошабинда қизиқиш уйғотсин ва уни муҳокама этилаётган воқеа билан таништирсин.

Видеоқаторларнинг дастлабки 2—3 секунди «тоза», яъни сўзсиз, тасвир бўлгани яхши. Синхрон овоз кейинроқ бошлангани яхши. Драматургик усуллардан фойдаланиш яхши самара беради. Ибодатхонани кўрсатиш олдидан кўнғироқ жаранги берилиши мумкин. Экранда қора «Вольво» машинаси ва давлат хавфсизлиги ходимлари кўриниши билан Бош вазир келгани билинади.

Телесюжет мазмунига доир айрим такрор томошабинга воқеани яхшироқ идрок этишга ёрдам беради. Ав-

вал нима ҳақида сўзламоқчи эканингизни айтинг, сўнг воқеани айтиб беринг, шундан кейин хулоса қилинг.

## Ички монологлар

Гапираётган одам экранда доимо кўриниши шарт эмас. Телевидениеда ички монолог деб, кимнингдир ҳикояси синхрон (кадрга мос) овоздан бошқачароқ ҳикоя қилинишига айтилади. Кадр ортида гапираётган одамнинг экранда боғда сайр қилиб юргани, ишда касбдошлари ёки қўшнилари билан ниманидир овозсиз гаплашаётгани кўринади. Воқеа баён этилаётганида, шу сўзларга доир кадр кўринади. Бу усул бадиий адабиётдаги муаллифнинг ёки роман қаҳрамонининг ички монологидан фарқланади, аммо телетомошабин бу монолог экранда боғда сайр қилаётган ёки шахмат ўйнаётган одамнинг сўзлари эканини тушунади. Томошабинга бу усул фильмлар ва публицистик кўрсатувларда аввал кўргани учун таниш бўлиб қолган. Баъзан ички монологни синхрон парчалар билан навбатма-навбат, олдинма-кейин бериш мўмкин.

## Микширлаш — силлиқ ўтиш

Видеоқаторларни микширлашнинг турлича усуллари бор. Одатдаги усули — бир кадрни жуда қисқа дақиқаларда иккинчи кадрга жойлаштиришдан иборат. Микширлашнинг яна бир усули — қаҳрамон ёки тасвири суратга олиш вақтидаёқ камера фокусини хиралаштириб, сездирмай, кадрдан чиқариш. Бу усул кейинроқ сюжетни монтаж қилишни ҳам осонлаштиради.

Рақамли техника микширлаш учун жуда кўп имкониятлар беради: саҳифаларни варақлаш, орқага қайтиш, сув мавжланиши, «пардани тушириш» ва ҳоказо. Менимча, махсус эффектлардан фойдаланишни меъеридан ошириш яхши эмас. Эстетика талабига кўра, монтаж соддароқ бўлса — томошабини кўпроқ ишонтиради.

Микширлашда овознинг аҳамияти катта, аммо ҳар доим овоз билан тасвир мос тушавермайди. Овозни узоқлашаётган кадрларга аста-секин бериш ҳам мўмкин. Ҳаракатдаги икки кадрни, одатда бир-бирига улаб бўлмайди. Суратга олиш планлари (узоқ-яқинлиги), ҳаракат йўналиши ва тезлиги турлича бўлса, бу кадрлар бир-бирига

уланса, кучли «титрлаш» юз беради. Буларни монтаж қилмай, микширлаш мумкин.

Суҳбатдош тасвири бор кадрларни ўзаро микширлаш мумкин, бунда томошабинга атайлаб, кадрлар монтаж қилингани сездириб қўйилади, ленталар ёпиштирилган ўринлар кўриниб туради. Оқ ёки қора кадрларни қўйиш, бошқа бирор кистирма қўйиш ўрнига лента узилганини кўрсатиш усули шундан иборат.

## **Оддий монтаж**

Кадрлар оддий монтаж қилинганида, бири иккинчисига микширсиз уланади. Бу усулни доимо қўллаш кийин. Чунки, аввалги кадр билан кейинги кадрда тасвир объектларининг ҳаракати ёки кўз қарashi турлича бўлиши мумкин. Агар кадрларда кўпчилик одам бир томонга қарамай, бир-бирига қараб турган бўлса, оддий монтаж қилса бўлади. Қисқа интервью ёки жамоатчилик сўрови монтажида ҳам шу қоидага амал қилинади. Агар респондентлар (жавоб қилувчилар) бири чапга ва учинчиси ўнгга қараб турса, экспресс-интервьюни монтаж қилиш осонлашади. Бундан ташқари, агар суҳбатдошлар узоқ-яқинлик планлари (йирик план) ўхшашроқ бўлса, гўё улар бир-бирига қараб тургандай кўринади. Сураатга олувчи гуруҳ монтажга хос бу нарсаларни иш бошлашдан аввал ўйлаб олиши керак.

Оддий, тўғри монтаж учун тасвирлар ҳаракатсиз, ула-наётган кадрларнинг ёруғлик даражаси ҳам ўхшашроқ бўлгани яхши. Дарвоқе, ёруғликни монтаж вақтида мос-лаштириб олиш мумкин. Кадрлар оддий, тўғри монтаж қилинганида сюжет ҳужжатли, ишончли кўринади.

## **Ҳаяжонли кадрларни изоҳлаш**

Кутилмаган ёки мураккаб кадрларни изоҳлаш керак бўлади. Агар экранда суҳбатдошлар ҳаяжонланиб, қизи-шиб кетсалар, томошабинга бунинг сабабини изоҳлаб бе-риш керак. Экранда эркак киши нимадан қувониб кулиб юборди? Бола нима учун йиғлаяпти? Агар экранда но-гиронлик аравачасида ўтирган полициячи пайдо бўлиб қолса, у қандай ногирон бўлганини айтиб қўймасангиз, томошабинлар бу ҳақда ўйланиб, сюжетга эътибори ка-майиб қолиши мумкин. Негаки, ногирон полициячи кам

учрайдиган ходиса. Мухбир кадр ортидан бу ҳақда изох беради, томошабинларнинг диққатини сюжет мавзудан четга чиқармай туради.

## Муסיқа ва сурат

Озми-кўпми жихозланган видеоаппаратхонада махсус эффектлар — кизиқ кадрлар — конференция қатнашчиларининг гала-говури, «cocktail party», ишлаётган камера товуши, кўча гала-говури, автомобиллар, поездлар ўтаётгани овозлари, чорлоқлар (чайкалар) кийкириги, болалар йиғиси ва хоказо товушлар ёзилган видеокассеталар бўлади.

Радиоода бундай эффектлардан фойдаланилса, тингловчилар уларнинг сунъийлигини сезиб қолишлари мумкин. Бундан ташқари, бундай фонограмма кўйилганида, суҳбатдошнинг овози эшитилмай қолиши мумкин. Теле-томошабинларга эса овозсиз, «соқов» кадрлар унчалик ёқмайди. Кўчадаги одамлар суратга олинганида гала-говури кўшилмаса, тасвир ишонарли чиқмайди. Кўчадаги одамларни суратга оладиган мухбир овозларни ҳам ёзиб олади. Аммо архивдан олинган кадрларда кўпинча керакли товушлар бўлмайди. Бундай вақтда товуш эффектлари ёзилган фонограммалардан фойдаланиш зарур. Бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Ахборот кўрсатувларида муסיқадан фойдаланиш нозикрок масала ҳисобланади. Суратга олинаётган жойда ёзиб олинмаган муסיқани ишлатганда томошабини алдагандай бўламиз. Муסיқа ҳамкорлиги репортаж мазмунига кучли таъсир кўрсатади. Халқона, қувноқ муסיқа фонида кўрсатилган тасвир бошқача, очик денгизда ёлғиз сузаётган қайиқ кадри ортида берилган ташвишли муסיқа фони бошқача таассурот қолдиради. Швеция телевидениясининг янгилик дастурлари тахририятларида ахборот сюжетларида муסיқадан қандай фойдаланиш ҳақида йўлланма йўқ. Менимча томошабинга таъсир қилишнинг бундай шаклларида ахборотларда кўп фойдаланиш ўринли эмас. Телеянгиликлар тахририятларида графика — рассомлик студияси ёки рассом ателеси бор. Рақамли техника бу ерда ҳам яхши асқотади. Янги-янги имкониятларга эга бўлган компьютерларда мултипликациялар, титрлар, графиклар тузиш осон. Рассомлик ателесида диаграммалар, ҳаракатдаги тасвирларни изохловчи субтитрлар, расмлар тайёрланади. Журналистлар ва суҳбатдошлар сиёсат ва иқти-

соднинг мавҳум ва кийин масалаларини тушунтиришда графиклар ва диаграммалардан бемалол фойдаланиши мумкин. Фақат журналист студия ходимларига ўзидаги маълумотларни ва рақамларни аввалроқ бериб қўйиши зарур.

## **Архив кадрлари ва стоп-кадрлар**

Яхши ташкил этилган тахририятнинг ўз архиви бўлади, унда турли фотографиялар, ҳаракатдаги кадрлар, завод цехлари, автомобил йўллари, офис биноси ёки хонаси, сиёсий форумлар кўпгина телесюжетларнинг тақдирига ижобий таъсир кўрсатган. Одатда архив материалларни вақт етишмаганида, ўша жойларга бориб, суратга олиш имкони бўлмай қолганида иш беради. Гоҳо архив суратлари муҳим ахборот манбаига айланади. Баъзи сиёсий воқеаларни ёки қабул қилинган қарорларни изохлашда бирор сиёсий арбобнинг фаолияти бошларидаги чиқишларини ёки ваъдаларини эслатиш фойдалидир.

Афсуски, архив видеоёзувлари тез эскиради. Мода (ёки сиёсат) ўзгарганида, баъзи видеокадрлар кераксиз бўлиб қолади. Сиёсат майдонида қахрамонлар тез ўзгариб туради. Қишдаги олинган пальтодаги одамларнинг тасвирини ёзда ишлатиб бўлмайди. Баъзан, бундай тасвири шархлаш, изохлаш мумкин. Одатда қайси мавсумда натурадан суратга олингани плёнкада ёзиб қўйилади.

Архив кадрларидан фойдаланганда, у ердаги одамларнинг шахсини авайлаш, шахсий ҳаётига ҳурмат билан қараш керак. Чунки, одамларнинг шахсий ҳаёти дахлсиздир. Сиз телевизордан кўрсатадиган архив кадрларидаги баъзи одамлар ҳаётдан кўз юмган, уларни кўриб, оила аъзоларининг дил яраси янгиланиши мумкин. Швецияда телевидение тахририятларидан бирига хафа бўлган томошабин кўнғироқ қилиб қолди: «Менинг қариялар уйида ётган бувимни ҳадеб телевизорда кўрсатишни бас қилинг, уч йил аввал оламдан ўтган у!».

## **Манбаларни белгилаб қўйинг**

Ҳар қандай ишхонада архивларни янгилаш учун кўп маблағ талаб қилиниши ҳеч кимга сир эмас. Кейинги йилларда кўпчилик йирик корхоналар янгилликлар тахририятига архивга қўйиш мумкин бўлган плёнкаларни текинга тақдим этмоқдалар.

«Вольво» автомобил заводи янги моделдаги машиналарни касбий жихатдан яхши суратга туширилган кассеталарни жўнатади. Бу машиналар тик қайрилишлардан ҳам осон ўтади, сирпанчиқ куз ойларида ҳам йўлларда енгил бошқарилади. Фирманинг бундай кадрларни телевизор орқали кўрсатишдан мақсади аниқ, яъни автомобилларни бепул реклама қилиш. Эресун бўғози орқали барпо қилинаётган кўприк қурилиши консорциуми тахририятга янги кўприкнинг компьютерли интерактив анимациясини «ташлайди», унда қордек оппоқ яхталар ёйилган, куёш нурлари остида товланган денгиз тўлқинлари туширилган. Бундай «жонли» тасвирлар ҳали кўприк қурилишига киришишдан олдин тарқатила бошланган эди.

Тахририятнинг бундай рекламаларга қарши туришга тўла ҳаққи бор. Ҳар сафар бундай тасмалар олинганда, уларнинг келиб чиқишини аниқ белгилаб қўйиш зарур. Бу ҳол урушувчи томонларнинг бири томонидан амалга оширилган, жўнатувчи томонидан цензура қилинган, суратга олинган ёзувларга ҳам тегишли. Афсуски, кўпгина тахририятлар бундай ҳолга бефарқ қаради.

### **Худудийликдан умуммиллийликка**

Янги воқеалар тафсилотини яратиш теле ёки радиожурналистдан ўз меҳнати маҳсулотини таҳрир қилишни талаб қилади. Гап биринчи навбатда эшиттиришнинг шакли ҳақида эмас, мазмуни ҳақида бормоқда. Айниқса, сюжетлардаги фарқ худудий ва умуммиллий янгиликлар дастури учун аниқлик билан текширилади. Кўпгина мамлакатларда умуммиллий тахририятлар жамоат (давлат) радио ва телеканаллари ва уларнинг худудий бўлимлари ўртасидаги ҳамкорлик тизими ривож топган. Амалиётда бу маҳаллий станцияларнинг репортёрлари миллий янгиликлар дастури учун сюжетлар тайёрлаши кераклигини билдиради. Бундай сюжетларнинг шакли маҳаллий томошбин учун мўлжаллаб тайёрланганлардан фарқ қилади. Қоида бўйича миллий тахририят журналистдан қисқа вақт оралиғида воқеалар тафсилотини анча чуқур ёритишни талаб қилади. Энг аввало, маҳаллий станция репортёри умуммиллий дастурлар тахририятига ўз сюжетини узатишдан олдин унинг мамлакатнинг барча жойла-



рида яшовчилар учун тушунарли бўлиши, гапнинг нима хақида кетаётганлигини тўлиқ англатиш учун материални чуқур таҳлил қилади.

Ўқиш учун адабиёт:

Geller Valerie: Creating Powerfui Radio.

M. Streef Publicationg. New York 1996.

## Воқеалар тасвирида холислик

Оқибат натижага холисона муносабатда бўлиш таъмоили шуни англатадики, журналист ким ютиши ким азият чекишидан қатъий назар далилга холисона ёндошиши зарур, чунки янгиликнинг ҳаққонийлиги жамоатчилик учун муҳим аҳамият касб этади.

Бунда, ўз навбатида, таҳририятнинг ахборотни ишончли ва аудитория учун муҳим қилиб тақдим этиши назарда тутилади. Ушбу эшиттиришлар келтириб чиқарган охир-оқибат учун таҳририят масъулиятни ўз зиммасига олмайди. Агар журналист материалнинг эълон қилиниши хақида қарор қабул қилинса, репортёр ёки таҳририят ахборотни қизиқарсиз ҳолда узатишса, унинг иқтисодий ёки сиёсий натижасини ҳисобга олади, бунда гап фикр шаклланишига бориб тақалади. Журналист ўз ҳаракатлари билан қандайдир самарага эришишнинг ортидан қувишни мақсад қилиб қўйиши яхши эмас. Янгиликларни танлаш чоғида у ёки бу томоннинг манфаатларини назарда тутмаслиги керак. Бундай ҳолда репортёр шафқатсиз бўлмоғи лозим. Шуни қайд этиш лозимки, гап ўзига хос эркин матбуотда жамоатчилик фикрини шакллантириш хақида эмас, балки янгиликларни узатилиши хақида кетмоқда. Газета ўзининг биринчи саҳифасида ёки муҳаррир минбарида\* уларнинг сиёсий йўналишига мос равишда қарашлар ва қизиқишларни баён қилиши мумкин. Газетанинг махсус ажратилган жойида жамият курилишининг у ёки бу томонларига қарши жонбозлик кўрсатиши ёки турли муаммолар юзасидан ўз муносабатини билдириши табиий бир ҳолдир. Аммо янгиликлар

---

\* Швецияда газетанинг иккинчи саҳифасида кўп ҳолларда бош мақола ёки таҳририй саҳифа саналади, унда муҳаррир ёки муҳарририят ходимлари ўзларининг сиёсий қарашларини билдириши ва баҳоловчи шарҳлар бериши мумкин. Бошқа саҳифаларда сиёсий йўналиш кўзга ташланмайди. — эслатма В. М.

ва қарашлар ўртасидаги чегара (news and views ўртасида) расмий ва тантанали тарзда аниқ эълон қилиниши лозим. Швед Радиоси ва Телевидениесига давлат томонидан берилган эшиттиришлар учун белгиланган қоидалар лицензияда ифодаланган. Радио ҳақидаги қонун билан мустаҳкамланганлар эслатилган эшиттириш институтларининг, очикча, «беғараз ва ҳаққоний ишлашини эътиборда тутишини, радио ва телевидениеда эркин сўз ва ахборотларнинг эркин узатилиши ҳукмрон бўлишлигини» талаб қилади.

## Дилемма

(бир-бирига зид икки далил)

Шундай қилиб, Швед Радиоси ва Телевидениесига қарашларни баён қилиш учун (кенг эркин сўзлар билан) платформа бўлиши лозим, бунда у ўз ишида беғаразлик кўрсатади. Эълон қилинганлар оқибатига ҳолисона муносабатда бўлиш тамойили — менинг вазифани ифодалаш усулим ахборотларни узатиш барча институтлар ишида, жамоатчилик теле ва радиоэшиттиришларига нисбатан матбуотда кам даражада бўлса-да уни тарқатишдир. Ким томонидандир баён қилинган нуқтаи назарда тўлалигича янгилик бўлиши мумкин, аммо бу уларни СМИга узаттирганда, сизиб кириш ҳуқуқи ва ўз қарашларини ҳолисона беришни билдирмайди.

Шундай қилиб, янгиликларни танлашда, баҳолашда ҳаққонийлик ҳамда ахборотларни муҳим аҳамиятга эга бўлиши бош мезондир. Ҳар икки тушунчани ҳам амалиётда қўллаш бирмунча қийин ва уларни аниқ белгилаб олиш мушкул. Ҳаққоният қандай бўлади? На бир суд, файласуф ёки олим бу тушунчани бир сўз билан мунозарасиз жавоб беролмайди. Журналистга эса ҳар куни ёлғон ёки ишонарсиз ахборотни тўғри ва ишончлиси билан солиштириб элақдан ўтказишга тўғри келади.

Ахборотларнинг ҳаққоний бўлишига қўйиладиган талаб шундаки, репортёр янгиликларни саралаётганда аниқ далилларга таяниши лозим. Аудиторияга берилаётганлар тузатилган ва ўта синчковлик билан текширилган бўлиши лозим.

Аҳамиятлилик мезонини аниқлаш осон, аммо уни амалиётда қўллаш бирмунча мураккаб. Гап ахборотлар ҳақида кетмоқда, яъни бизнинг аудиториямиз учун муҳими шундаки, уни тақдим қилганлар билан уни истеъ-

мол қилувчи ўртасидаги келишилмасликдир. Аҳамиятли-лик мезони касаба уюшмаси ёки ихтисослашган бир матбуотда бошқачадир. Маҳаллий газета учун муҳим саналган ахборот умуммиллий нашр учун мутлақо аҳамиятсиз бўлиши мумкин.

Журналист ўз тажрибаси ва касбий зукколигига таяниб, ўз аудиторияси учун аҳамиятли бўлган янгиликларни саралаб олиши зарур. У қабул қилган ечимга ташқаридан бегоналарнинг ёки ўзининг манфаатлари таъсир кўрсатмаслиги керак.

Гап бу ерда ахборот органларининг мустақиллиги ҳақида кетмоқда. Кимларнингдир манфаатига, симпатия ёки антипатиясига қараб янгиликларни танлашга йўл қўйиб бўлмайди. Бу ишда репортёрнинг касб маҳорати етакчи рол ўйнаши лозим, у ахборотнинг ижобий ёки салбий оқибатини, томонлар манфаатидан келиб чиқиб баҳоламаслиги лозим.

Якуний хулосада биз журналистнинг шахсий ролига, демократик жамиятда ахборот хизматининг вазифаларига, оммавий ахборот воситалари ҳокимиятининг ахборотлардан қандай фойдаланишига яна қайтамиз. Амалиётда эса бирмунча мураккаб, кўшгина «кулранг» зона деб аталувчи, чегараловчи тўсиқлар мавжуд, вазиятнинг ўзи, у ёки бу принципнинг қўлланилиши ҳали ишни тўла англаб етиш дегани эмас. Шунинг учун эълон қилинганлар оқибатига ҳолисона муносабатда бўлиб, дилемма ҳақида сўз юритиш жуда ўринлидир. Журналистнинг завқ-шавқи бу — манба, бундан у куч ва илҳом олади. Бирок ҳиссиётга берилиб кетиб оқибат натижаларига ҳолисона муносабатда бўлишни унутмаслик керак. Бизнинг вазифамиз — имконият ва хоҳиш ўртасидаги мувозанатни сақлашдир.

Репортёр фуқаролар учун муҳим бўлган ходисалар ҳақида берилиб хабар бериши лозим, лекин бунда у ҳар бир масалада ўз қарашларини, қарорини баён қилмаслиги керак. Мавзуга берилиш — яхши, лекин унинг ҳам ўз чегараси бўлиши керак. Биз ушбу бобда кўриб чиқаётган дилемма принципининг туб моҳияти ана шунда. Биз айтаётган охир натижага бефарқ бўлиш, қайси бир ҳолатда қийин бўлса, бошқа бир ҳолатда мутлақо имкони йўқ. Бу жуда қийин ва катта масала, унга жавоб бериш учун алоҳида китоб ёзишга тўғри келади. Келинг, яхши-си, тамойилни қўллашни ифодалайдиган бир қанча аниқ мисолларни кўриб чиқайлик.

## 1-м и с о л: Тўнғизлар бухтаси

Умумий миқёсда ушбу тамойлнинг аҳамиятини англаш осон, уни қўллаш енгилроқдир, қачонки гап бир киши ҳаёти ёки манфаатларидан кўра умуммиллий характердаги масалалар ҳақида борар экан, мамлакат Президентининг «миллат манфаатларини» ҳимоя қилиш ҳақидаги чақириғи журналистни ва унинг таҳририятини жамоатчилик учун ишончли ва муҳим ахборот тарқатишидан тўхтатмаслиги лозим. Америкалик журналистлар бунга ўзларининг аччиқ тажрибасида амин бўлишган.

1961 йили «Нью-Йорк Таймс» газетасининг репортёри Тед Шульц Марказий разведка бошқармаси Кубага ҳужум қилишни тайёрлашда ҳамкорлик қилганлиги ҳақидаги маълумотни топди. Ҳужум АҚШда яшайдиган Озодлик оромининг қочоқ антикоммунистлари томонидан амалга оширилиши лозим эди. Бу ахборот шубҳасиз ҳеч қанақа иккиланишларсиз юқори қимматга эга бўлиб, у «Нью-Йорк Таймс»нинг биринчи саҳифасидан ўрин олишга ҳақли эди. Ушбу газетанинг иш принципида охиروқибатга ҳолисона ёндошишни кўзлаб, биринчи бетда бир неча қаторда газета номидан сўнг — «Барча янгиликлар эълон қилишга лойиқ» деб ёзиб қўйилган.

Пентагон президент Джон Кеннедини «Нью-Йорк Таймс» юқори даражадаги яширин ахборотга эга эканлиги ҳақида огоҳлантирди. Кеннеди зудлик билан телефонга ташланиб, газета нашри учун масъул Орвил Дрейфус билан боғланиб, ахборотнинг ёритилишини таъқиқлашни сўради.

Президент Кеннеди (бош муҳаррир) Дрейфусга: Бу сирни фош қилиш жуда кўп аскарларимизнинг ҳалокати-га сабаб бўлади ва миллат манфаатларига зарар келтиради, деб тушунтирди. Газета раҳбарияти бундай фожеий оқибатлар учун жавобгарликни (масъулиятни) ўз зиммасига оладими? — деб сўради.

Бу ерда воқеанинг кизиқарли томони Президентнинг газета муҳарририга кўнғироқ қилиш эмас, балки «Нью-Йорк Таймс» раҳбариятининг давлат бошлиғига ён беришидир.

Газетада бу ҳужум тайёрланаётгани тахмини ҳақида кичик хабар берилди-ю, аммо у ерда на ҳужум вақти, на унда МРБ (ЦРУ) қатнашаётгани ҳақида ҳеч гап айтилмаган эди. Хабарга кўпчилик эътибор бермади. Тўнғизлар кўрфазига режаланган кунда, 1961 йилнинг 17 апрелида

десантчилар ташланди. Харбий операция муваффақиятли чикмади. Кубага мухолиф бўлган курулланган 1500 та мухолиф тўдаси кубаликлар тарафидан тор-мор қилинди, Фидел Кастронинг мавқеи янада мустаҳкамланди.

«Нью-Йорк Таймс» газетасига Президент энди «Нима учун газета махфий маълумотларни тўлиқ босмади? Агар бу нарса эълон қилинганда Кубага десант ташланмаган бўларди. Бу ишда қатъий турмай, кўнгилбўшлик қилдингиз, деб гина қилди. Агар «Нью-Йорк Таймс» махфий маълумотларни тўлиқ босганида ҳужум операцияси (агрессия) бекор қилинар, юзлаб аскарлар омон қолар, мамлакат шарманда бўлмас эди. Кеннеди расмий равишда Дрейфусни шу хатоси учун айблади. (Агар Дрейфус бунинг эълон қилса, қаттиқ жазоланар эди — тарж.)

Бу воқеа АҚШдаги жуда кўп журналистларга сабоқ бўлди, ундан ёш мухбирлар ҳам ўзича хулоса чиқардилар. Журналистнинг фош этувчи хабар билан чиқиши қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан айтиш қийин. Мустақил газета тахририяти АҚШ Президентининг миллат манфаатлари ҳақидаги сохта сафсатасига кулок солмаслиги керак эди. Медиал институтлар — халқ минбари бўлган ташкилотларнинг вазифаси — ҳужжатлар билан далилланган, ўқувчилар учун муҳим ахборотни вақтида эълон қилишдир. Эълон қилинган янгилик урушни келтириб чиқарадим, тинчликними, тахририят учун бунинг аҳамияти йўқ. (Китоб муаллифининг бу фикрига сира қўшилиб бўлмайди. Муаллифнинг ўзи аввалги бобларда ва қуйроқда бу фикрга зид ўлароқ, журналист ватан, халқ, жамият манфаатларини ўйлаши зарурлигини айтган — тарж.)

## 2-м и с о л: Буфорс

Тахририят мамлакатнинг йирик ҳарбий корхонасида коррупция ва контрабанда илдиз отганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлганида ҳам шу тамойилга амал қилади. Лекин турли мамлакатлар аҳолисининг турли табақалари ОА воситаларининг жамиятдаги вазифаларини турлича тасаввур қилади. Швеция радиосида узок йиллар янгиликлар тахририятида ишлаб юргананда, кўпинча биз журналистларга «Сизлар турли бахтсизлик ва жанжал, можароларни яхши кўрасиз, сизларда виждон йўқ» деган таъна, дашномларни кўп эшитганман. Чиндан ҳам, журналист материални эълон қилиш олдиндан босилса,

эълон қилинса, қандай оқибатларга олиб келишини яхшилаб ўйлаб кўриши керак экан.

«Эхо» («Акс садо») янгиликлар таҳририяти 1987 йилнинг баҳорида ҳарбий техника ишлаб чиқарувчи «Буфорс» корхонаси Ҳиндистондан дала замбаракларига йрик буюртма (заказ) олиш учун мансабдорларга жуда катта пора берганини фош қилувчи янгиликни эълон қилди. Бу хабарни эълон қилиш кутилмаган оқибатларга олиб келди. «Сиз «Эхо» ифвогарлари сенсация, деб ўзингизни томдан ташлайсиз, оқибатини ўйламайсиз!» деган таъналарни эшитдик. Бизнинг бу порахўрликни фош этишимиз, жуда кўпларга зарар қилди, шу жумладан Швеция ҳукумати ва социал-демократлар партиясининг обрўйини тўқди. Ҳукумат бошлиғи Улоф Пальме тинчликсевар арбоб деб шуҳрат қозонган эди. Бизнинг хабаримиз унинг хотирасига ҳам доғ туширди. «Эхо» журналистларининг бу иши Швеция экспортига ҳам жуда катта зарар етказди, ўша воқеадан кейин Швеция маҳсулотларига «Буфорс» корхонасига жаҳон бозоридаги харидорлар ишонмай қўйдилар. Ҳинд тилида «Буфорс» деган сўз пайдо бўлди — бу сўз порахўрлик ва коррупция маъносига ишлатилади. Нопок ишлар ҳақида гап борганда, «буфорслик қилади» дейдиган бўлдилар.

Биз эълон қилган хабар ўша вақтдаги Ҳиндистон ҳукуматига ҳам зарар келтирди. Бош вазир Раджив Ганди сайловларда мағлубиятга учраганининг асосий сабаби — «Буфорс» билан тузилган жанжалли шартнома эканлигини кўп марта эслатган эди. Кейинроқ яна бир махфий маълумот ошкор бўлиб қолди. Раджив Ганди «Буфорс» жанжалидан халқнинг диққатини чалғитиш учун қўшни давлат — Покистонга қарши уруш очмоқчи эканлиги ошкор бўлиб қолди. Агар мана шу қонли уруш бошланса, минг-минглаб одамларнинг халокатига бизнинг таҳририятимиз («Буфорс»ни фош этгани учун) айбдор бўлиб келарди. Яхшики, бу уруш юз бермади (тинчликсевар кучлар енгиб чиқдилар). Аммо агар Ҳиндистон-Покистон уруши қайтадан бошланганида, мен «Эхо» таҳририятининг масъул муҳаррири айбдор бўлиб қолишим мумкин эди.

Лекин шунга ишончим қомилки, мен ҳар қандай ҳолда ҳам эфирга берилган янгиликларнинг муҳимлиги ва ҳаққонийлиги учун жавоб бераман. Бизда эса «Буфорс» заводи раҳбариятининг нопок, фирром ишлари ҳақида

етарли ҳужжатлар бор эди. Кейинчалик, турли текширишлардан сўнг бу фирромликларни Ҳиндистон раҳбарлари ҳам тан олдилар.

Биз ўша вақтда Швеция фуқароларига мамлакатнинг энг йирик ҳарбий корхонаси экспорт маҳсулотга 8 миллиард крон (1998 йил августдаги курс бўйича — 1 миллиард долларли) йирик буюртма олганлигини билдириш зарур эди. Бу хабарни эълон қилингани оқибатлари учун мен жавобгар эмас эдим. Бунинг учун жавобгарлик пора берганлар ва пора олганларнинг зиммасида эди.

### **3-м и с о л: Майдондаги қайғули ҳодиса**

Гоҳо бир кишининг ҳаёти, тақдирдан кўра, умуммиллий, халқ тақдирига алоқадор масалани тезроқ ҳал қилиш зарур бўлади.

1973 йилда Стокгольмдаги Норрмальмсторгет майдонида бандитлар бир гуруҳ фуқароларни гаровга олиб, уларнинг ҳаётини хавф остида қолдирди. Куролланган йўлтўсар Янис Ульсон ПК банкининг подвали-ертўласида бир неча одамни гаровга тутиб турди. Бир неча вақтдан сўнг унинг ёнида яна бир бандит — Кларк Улофссон борлиги аниқланди. Бу воқеа тафсилотлари радионинг шошилишч янги ахборот дастурларида бериб берилган. Иккала босқинчи радиоангиликларни эшитиб турган эдилар. «Эхо» мухбирлари бандитларда радио борлигини билиб, улар билан алоқа боғладилар. Мухбирлар саволига вақти-вақти билан Улофссон жавоб бериб турди.

Полиция гаровдаги фуқароларни озод қилиш учун бино подвалига кўз ёш чиқарувчи газ ёрдамида хужум операциясини тайёрлай бошлади. «Эхо» мухбирлари, бошқа ОА воситаларининг мухбирлари ҳам пойтахт майдонидаги бу воқеани кўриб, полиция ҳаракатларини кузатиб турган эдилар. Бизда шундай муаммо пайдо бўлди: радиотингловчиларга гаровдагиларни қутқариш операцияси бошланаётгани ҳақида Швеция радиоси орқали хабар бериш керакми, йўқми? Операция бошланаётгани ҳақидаги маълумотларимиз ишончли ва тингловчилар учун ҳам муҳим эди. Аммо ишқал тарафи, бу ангиликни бандитлар ҳам билиб қолсалар, жаҳл устида, операцияни барбод қилиш учун гаровдагиларни йўқ қила бошлаши мумкин эди. «Эхо» тахририяти икки ўт орасида қолди — нима қилиш керак?

Бир тарафдан, бандитларнинг фуқароларга нисбатан кўрадиган чоралари учун журналист ҳам, тахририят ҳам жавоб бермайди. Бошқа тарафдан, агар полиция операцияси ҳақида хабар берилса, гаровдаги одамлар ҳаёти янада кўпроқ хавф остида қолади. Журналист ҳар қандай воқеанинг холис кузатувчиси бўлиши керак, деган қоидаларга амалда доимо ҳам риоя қилиш қийин. Бу ерда яхшилик ва ёмонлик чегарасини аниқлаш осон эмас.

«Эхо»нинг кўпчилик ходимлари операция ҳақидаги янгиликни тез эълон қилиш керак, деб туриб олдилар. Аммо дастурнинг бошлиғи Моника Бозтиус қатъий бир қарорга келди: «Эхо» операция ҳақидаги хабарни гаровдаги одамлар қутқарилгандан кейин эълон қилади. У тўғри иш қилдими? Холислик тамойили бузилмоқда-ку?

Менимча, Моника Бозтиус тўғри қарорга келган. Бу ерда ахборотни вақтида беришнинг муҳимлигидан кўра, гаровдагилар ҳаёти хавф остида қолмаслиги муҳимроқ эди. Агар бу хабар эълон қилинса, оқибати ёмон бўлиши маълум эди. Бу ерда демократия, холислик тамойили ярим соатга бузилиши унчалик муҳим эмас эди. Нормальсторгет майдонидаги фожеа мисолида янгиликларни беришда мухбирларнинг холис туриши тамойилига доим ҳам амал қилиш мумкин эмаслигини кўраимиз.

## Журналистикада ахлоқий тамойиллар

Швецияда мавжуд «Матбуот, радио, телевидение учун ахлоқий қоидалар»да бир қанча моддалар холислик тамойилини инкор этади:

7. Одамларнинг шахсий ҳаётига дахл этувчи маълумотларни, хабарларни эълон қилишдан аввал яхшилаб ўйлаб кўриш керак. Шахсий гапларнинг кенг жамоатчилик учун аҳамияти борми?

8. Ўз жонига қасд қилган ёки шунга уринган одам ҳақида ёзганингизда бу нозик масала эканлигини, ўзи оила аъзоларининг кўнгли озор топиши мумкинлигини, инсон шахси дахлсизлигини ўйланг.

9. Бахтсиз ходисалар ва жиноят қурбонлари ҳақида ёзганингизда, уларнинг офир аҳволдаги фотосини эълон қилаётганингизда бу нарса уларнинг оила аъзолари ва яқинларини қандай ҳолатга солишини ўйлаб кўринг.

10. Агар ҳурматсизлик оҳангида бўлса ёки аҳамияти бўлмаса, қахрамонингиз қайси ирққа, миллатга, жинсга,



касбга, қайси сиёсий партияга, гуруҳга ёки қайси диний эътиқодга мансублигини таъкидлаб кўрсатинг.

15. Агар журналист хабари (репортажи, суҳбати)да суҳбатдошнинг исми яширин қолиши керак бўлса, (унга зарар етадиган бўлса) исмини ошкор этманг. Жамият манфаатлари учун бу одамнинг номини айтиш жуда зарур бўлмаса, айтманг.

Биз ишлаб чиққан бу ахлоқий қоидаларга мувофиқ журналист ўз асарини эълон қилса, қандай оқибатларга олиб келишини чуқур ўйлаб кўриш керак. Бошқа тарафдан, журналист ўз ахборотининг жамият ҳаёти учун не чорли аҳамиятли эканлигини ўйласин. Баъзи ҳолларда агар янги хабар жамият ҳаёти (жамият маънавий соғломлигини сақлаш учун — тарж.) жуда аҳамиятли бўлса, ахлоқий тамойилдан вақтинча чекинишга тўғри келади. Демак, журналист янги воқеа-ҳодисаларни ёритишда ҳеч тарафга оғмай, ҳолис туриши керак, аммо доимо бунга амал қилиш қийин. Ҳар бир ҳолатдан келиб чиқиб, журналист вазиятга мувофиқ иш тутиши керак бўлади.

#### **4-м и с о л: Лисечил**

XX асрнинг 90-йиллари ўртасида Австриянинг йирик бир корхонаси Швециянинг Бохуслен губерниясидаги Лисечил шаҳрида ўз маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи бўлимини (филиалини) қурмоқчи бўлди. Агар шу иш амалга ошса, Лисечил коммунасида янги уч юз иш ўрни пайдо бўлар, бу эса аҳоли учун муҳим аҳамиятга эга эди. Швециянинг «Radio-Vast» «Ғарб радиоси» минтақавий дастурининг мухбирлари янги корхона қурилиши ҳақида хабардор бўлдилар. Бу вақтда Австрия корхонаси раҳбарияти билан Лисечил шаҳри ҳокимияти эндигина шу иш юзасидан мулоқот, музокара олиб бораётган эдилар. Коммуна раҳбарияти бу режалар, айниқса, корхонанинг номи матбуот орқали ошкор қилинса, кўнгилсиз воқеалар юз беришини ўйлаб, ташвишда эди. Шунинг учун Лисечил маҳаллий ҳокимияти раҳбари «Radio-Vast»нинг шефи Лена Лиденга корхона номини ҳозирча маълум қилманг деб, илтимос қилди. Бош муҳаррир Лиден нима қилиши керак эди?

«Radio-Vast» таҳририятига фирманинг номи маълум эди, мухбирлар музокаралар қизғин бораётганидан хабардор эдилар. Бу янгилик коммуна аҳолиси учун му-

хим ва радиотингловчилар учун жуда кизиқарли эди. Корхона номи ошкор қилинса, шартнома тузилмай қолиши мумкинмиди?

Кўпгина баҳс-мунозаралардан сўнг «Radio-Vast» фирманинг номини айтмасдан, музокаралар ҳақида хабар беришга қарор қилди.

Кейинроқ музокараларнинг янги босқичи бошланди. Энди Австрия корхонаси катта миқдордаги инвестицияни швед шахри Лисечилга ёки Чехия шахарларидан бирига қўйганимиз маъқулмикин? — деб ўйланиб қолдилар. Маҳаллий маъмурият раҳбари яна радиога мурожаат қилиб, агар фирма номини ошкор қилсангиз, коммуна ишсизлар учун бўш ўринлардан ажралиб қолиши мумкин, деди. Музокаранинг бу босқичида режалар анча аниқлашган ва бу ҳақдаги хабар радиотингловчилар учун аввалгидан ҳам кизиқарлироқ эди. Аҳолини фирма қанчалик салмоқли, у қандай маҳсулот ишлаб чиқаради, инвестиция қандай шартлар билан қўйилляпти? — деган саволлар кизиқтирарди. Корхона вакиллари ўз ишлари радиода, матбуотда ошкор қилинишига унчалик парво қилмаётган эдилар. Лекин маҳаллий маъмурият барибир эҳтиёткорлик яхши, деган фикрда эди.

Мана шу вақтда «Radio-Vast» фирманинг номини айтишга қарор қилди. Аммо кўпинча маҳаллий раҳбарлар таҳририятга кўнғироқ қилиб, у ёки бу масалани ҳал қилишда ёрдам беришларини сўрайдилар. Бунда гоҳ бирор корхонанинг курилиши, гоҳ шифохонанинг ёпилиши, гоҳ ҳарбий қисмларни бошқа жойга кўчириш ва ҳоказолар ҳақида гап боради. Шахсан мен энг кичик маҳаллий таҳририятлар ҳам ташқаридан бўладиган тазйиқларга эътибор бермаслиги керак: ҳатто хайрли ишлар ҳақида гап борганда ҳам деган фикрдаман (муаллиф юқоридаги бобларда жамият, халқ манфаатларини журналистлар химоя қилиши зарурлиги ҳақида гапирган эди).

### **5-м и с о л: Оселадаги қочоқлар**

Журналистикада қадимдан яшаб келган анъанага мувофиқ, журналист доимо оддий инсонларга ёрдам бериши керак. Бизнинг касбимизда ёзилмаган қонунга мувофиқ журналист жабрдийдалар тарафида туриши керак.

Швецияда энг шимолий вилоятлардан биридаги олис черковда таъқиблардан яширинган қочоқлар энг бечора одамлардир. Бу химоясиз одамларга журналист ёрдам бермаса, бошқа ким ёрдам беради?

Юқоридаги бобларда биз кимларга фойда, кимларга зарар бўлса ҳам, журналист ҳолис туриши кераклиги ҳақида гапирган эдик. Журналистнинг мақсади, мисол учун, Бош вазир Гандини вазифасидан кетказиш ёки президент Кеннедини қўллаб-қувватлашдан иборат эмас. Бизнинг вазифамиз — тингловчиларга муҳим ва қизиқарли воқеаларни етказишдан иборат. Лекин шунга қарамай кўпчиликнинг фикрича, биз яхшилар тарафини олишимиз керак. Менимча бу — сохта тушунчадир. Журналист ҳеч кимнинг тарафини олмаслиги керак. (Бизнинг шарқона маънавий кадриятларга кўра, ҳеч кимни ҳимоя қилишни истамайдиган журналистнинг жамиятга кераги йўқ — тарж.)

Швециянинг шимолидаги Оселе қишлоғининг кичик бир черковида яширинган Синкари оиласи туркча бир газета парчаси топилгани учун сиёсий душман деб эълон қилинган. Бу газетадаги хабарга кўра, оила бошлиғи Синкари — Курдистон ишчилар партиясига ёрдам беришда айбланар эди. (Бу партия Туркияда террористик ташкилот сифатида таъқиқланган.) Швеция телевидениесининг «Шимолӣ янгиликлари» деган минтақавий янгиликлар дастури бу оиланинг Туркияда қидирилаётгани ҳақида хабар беради.

Швед телевидениесининг бу сюжети оиланинг аҳволига ижобий таъсир кўрсатди. Чунки, оила бошлиғи ўз ватанида сиёсий қувғинга учрагани учун Швециядан сиёсий бошпана сўраши асосли деб топилди. Демак, Синкари оиласи Швецияда қочоқлар сифатида рўйхатга олинди. «Шимол янгиликлари» таҳририяти аслида бу янгиликни эълон қилаётганида қочоқ турк оиласига ёрдам беришни кўзда тутмаган эди. Таҳририят бу воқеани ҳаққоний ва муҳим хабар сифатида тингловчиларга ҳавола қилган эди.

Шундан кейин швед телевидениеси бу мавзунини давом эттирди. Мухбирлардан бири Анкарага бориб, миллий кутубхона архивида юқоридаги газета хабарларининг ростми, ёлғонлигини текшира бошлади. Бу хабар ёлғон бўлиб чиқди. Швед мухбири Синкари кўрсатган санадаги газетани архивдан топиб кўрганида, у ерда бу оиланинг қидирилаётгани ҳақида ҳеч гап йўқ экан. Газетада бу хабар ўрнида футбол матчидан репортаж босилган экан. Шундай қилиб, Швецияда бу оиланинг аҳволини яхшилашга хизмат қилган хабарнинг ёлғон бўлиб чиқи-

ши оиланинг сиёсий бошпана сўрашга ҳақли эмаслигини исботлади.

«Шимол янгиликлари» мухбири ўз текширишлари билан зарар келтирди. Бу мухбир тўғри йўл тутдимикин? Ахир, журналист ожиз ва жабрдийда одамларга ёрдам бериши керак эди-ку?

Лекин журналист холислиги қайси чегарагача бўлиши керак? Бизнинг бечораларга ёрдам беришга интилишимиз қанчалик тўғри бўларкин? Мухбир муҳим ва ҳаққоний хабарни кимгадир зарари тегишини билса, эълон қилиши керакми ёки яшириши керакми?

Холислик доимо ўзини оқлайвермайди. Аммо юқоридаги мисолда журналистнинг холислиги оқибатида Синкари оиласининг ўзини оқлаш учун тақдим этган ягона хужжати сохта деб топилди. Швеция ҳукумати Синкари оиласини ҳимоя қилишдан бош тортди. Аммо таҳририят бу бахтсиз оилани ҳимоясиз қолдиргани учун хижолат чекиши керакми?

Радио мухбири ўзи топган сўнгги маълумотларни эълон қилиши шарт эди. Чунки, радио бу далилни яширса, жамоатчиликнинг журналистларга ишончи камаяр эди. Жуда кўп ҳолларда мухбирларнинг воқеаларни холис ёритиши халқ орасида ОА воситаларига ишончни кучайтиради. Жамоатчиликнинг мухбирларга ишонмай қўйиши турли миш-мишларни келтириб чиқариши мумкин. Швецияда одамларнинг ОА воситаларига шубҳа билан қараши Янги демократия партиясига қўл келди. Бу партия сайловолди курашида матбуот, радио, телевидение муҳожирларнинг аҳволи масалаларини холис ёритмай, баъзи нарсаларни яширади, деб айблади. Ҳокимият идораларининг ортиқча шов-шув кўтармайлик, деб, баъзи воқеаларни ёритишга йўл бермагани тескари оқибатга олиб келди — муҳожирларга душманлик кайфиятидаги партия шаклланди.

## **ОА воситалари ҳокимияти**

ОА воситалари ўзига яраша ҳокимият ваколатларига эга. Улар жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатади, баъзи воқеаларни, шахсларни танқид қилади. Баъзи масалаларни кун тартибига қўяди. Ўзи муҳим деб билган хабарларни эълон қилади, ўзи истаган мавзуларни жамоатчилик муҳокамасига ташлайди, баъзи жараёнларни тезлаштириб, истиқболга ҳам таъсир кўрсатади.

Ҳокимият қандай турларга бўлинишини жамиятшунослик (ижтимоий, сиёсий) фанлари тадқиқ этади, ҳокимият жуда кенг маъноларни англатувчи, турли хил таърифланадиган тушунчадир.

*Кимларнингдир ўз иродаси-истагини бошқаларга бажартириши — ҳокимиятдир.*

Макс Вебер

*Ҳокимият — қўйилган мақсадларни амалга оширишдир.*

Бертран Рассел

Давлат тузуми ва ҳокимият тақсимооти масалаларини ўрғанувчи швед олими Улофф Петерсон юқоридаги таърифларни шарҳлаб айтадики, ҳокимият тарафида мақсад, ниятлар билан оқибат, натижалар ўртасидаги алоқадорлик кўзда тутилади. Ҳокимият эгалари маълум мақсадларга эришиш учун таъсир кўрсатади ва бу ният, мақсадлар бирор натижа беради.

Журналистларнинг ҳолислигини ҳам жамоатчилик ҳокимиятнинг бир кўриниши деб билади. Мухбир янгиликларни ҳолислик билан ёритиши — бу хабарнинг оқибати, натижалари бирор мақсадни кўзда тутмаслигидир. Мухбирларнинг бирор фактни эълон қилиб юбориши турли вазиятларда турлича оқибатларни келтириб чиқариши, воқеани бошқа изга буриб юбориши ҳам мумкин. Журналист янгилик ҳақида ёзаётганида бирор ғаразли мақсадни кўзламаслиги керак. Мухбирнинг ҳолислиги худди шунда кўринади. Шу тамойилга амал қилган журналист ҳеч кимнинг устидан ҳукм юритмайди. (Аммо ҳолис ахбороти билан жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиши унинг ижтимоий адолат тарафида эканини кўрсатади. Бу ижодий фаолияти билан у ҳукуматга муҳолиф эмас, ёрдамчидир, чунки давлат ҳам, журналист ҳам жамият, халқ манфаати учун хизмат қиладилар — тарж.)

Журналистнинг ҳолислиги қаерда бошланиб, қаерда тугаганини билиш мушкул муаммодир. Юқорида кўрганимиз воқеада мухбирнинг ҳолислиги баъзан бечора, муҳтож одамларга керак эмас, ҳатто зарарлидир. Ҳар бир мухбир, журналист кўпинча ҳолис туришни истамайди, ўз ижрочилик ҳокимиятидан фойдаланиб, муҳтожларга ёрдам бергиси келади. Аммо журналист ҳокимияти билан журналистик бурчи кўпинча ўзаро зид келиб қолиши мумкин.

## 10. Замон билан ҳамнафаслик

### Ахборот инқилоби

Инқилоб шоҳиди бўлган одамлар баъзан ўзлари тарихнинг жуда катта бурилиш даврида яшаётганини сезмайди. Машҳур швед радиожурналисти 1917 йил куз фаслида ёш дипломат (элчихона ходими) сифатида Петербургда эди. У матрослар Қишки саройга ҳужум қилаётганини ўз кўзи билан кўрган. Аммо ўша вақтда у жаҳон тарихида бурилиш ясалганини, янги давлат туғилаётганини англамаган.

Эҳтимол, биз ҳам ҳозир ахборот алмашув соҳасида жуда катта бурилиш даврида яшаётганимизни англамаётгандирмиз? «Ахборот портлаши», «информацион технология инқилоби» анча вақтдан буён давом этаётганини етарли сезмаётгандирмиз? Бу технология кўпгина соҳаларда қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилолмаймиз.

Ахборот инқилоби жараёни Қишки саройнинг олиншидан кўра секинроқ кечади. Камина узоқ йиллар ишлаб, жуда кўп ўзгаришларни кўрдим. Журналистика асосларини шу замонда ўрганаётган ёшлар иш шароитларида юз берган жиддий ўзгаришларни тасаввур қилолмайдилар.

### Компьютерлар ҳужуми

Назаримда ахборот соҳасида инқилоб — технологияларнинг ўзгаришидан кўра, ҳокимият таксимотида кўпроқ юз бермоқда. Техника ўзгаришлари, илмий ихтиролар бизнинг давримизда ҳокимият таркибида бурилиш ясашига хизмат қилиб, ҳокимият кучларини мислсиз ўстириб юборди.

Саксонинчи йилларнинг бошида АҚШда фақат ўнтагина теле ва радиостанция компьютер техникаси билан таъминланган эди. 1983 йилнинг баҳорида биз, бир гуруҳ швед журналистлари АҚШга радио ва телевиденида компьютерларнинг қўлланилиш тажрибасини ўрганиб келиш учун бордик. Ўшанда биз Америка бу соҳада Европадан юз барабар ўзиб кетган деб ўйладик. Аммо барча инқи-

лоблар ҳам тез кечмайди. Кўп ўтмай, АҚШда техника ривожини боши берк кўчага кириб қолганини кўрдик.

Арканзас штатидаги Жонсборо шахрида кичик радиостанцияда қишлоқ хўжалиги соҳасини ёритувчи бир мухбир билан учрашдик. У бизга йиғлагудай бўлиб, компьютер баъзи вақтларда хабарлар ёзилган дискетни «чайнаб» ташлаганини айтди. Бу темир «дев» барча ахборотларни ямлаб ютаётган экан.

Жанубий Америка штатларидан бирида қадимги кўрфоннинг ертўласида жойлашган телестанцияни бориб кўрдик. Бу ердаги мухбирлар ҳаётдан мамнун эдилар. Булар Калифорниялик дастурчи-дахолар билан ҳамкорликда ўзларининг компьютер системасини ишлаб чиқибдилар. Журналистлар техника муҳандисларига қандай дастурлар кераклигини айтишибди, улар мухбирларга зарур дастурларни тайёрлаб беришибди. Компьютер терминалига тушган барча телеграммалар зумда турли «навлар»га ажратилиб, керакли «саватлар»га қуйилар экан. Бу ерда кўрсатув режасини «саватлар» деб аташибди, эфир вақти автоматик равишда ҳисобга олинар экан. Мана шу Vasys компьютер системаси тез орада дунёнинг кўпчилик мамлакатларида теле ва радиостанцияларнинг асосий дастурий таъминотига айланди. Мазкур Vasys 15 йилгача етакчи дастур бўлиб келди, сўнг компьютер дастурларининг бошқа версиялари юзага келди, сўнг янада замонавий, такомиллашган компьютер дастурлари пайдо бўлди.

Арканзасдаги кичик телестанция ҳам ривожланишда давом этди, Атлантадаги ертўладан янги биноларга кўчиб ўтди ва эндиликда жаҳонга машхур CNN телекомпанияси номи билан шуҳрат қозонди.

Швеция радиосида саксонинчи йилларнинг ўртасида компьютер таъминоти яхши эмас эди. Кўпчилик мухбирларимиз компьютер техникасига тиш-тирноғи билан қарши чиқдилар, уларнинг фикрича, бундай техника ишсизларни кўпайтирар эди. Улар биздан хавфли нурланиш касали АҚШда қай аҳволда экан? — деб сўрар эдилар. Биз АҚШдан Швецияга қайтганимизда янги техникага кўпчилик шубҳа билан қарар эди.

### **«Денгизчилар» ҳокимиятни қўлга киритадилар**

Саксонинчи йилларнинг ўрталарида Швецияда ва бошқа давлатларда кўпчилик тахририятлар, янги ахбо-

рот бўлимлари агентликларнинг телеграммалари ва хабарларини телетайп орқали қабул қилар эдилар. (Ўзбекистонда ҳам ўша вақтда телетайп ишлар эди — тарж.) Тахририятларнинг дахлизларида ҳарф терувчи қурилмалар (телетайплар) телеграф агентликларининг хабарларини қабул қилиб, қоғозга териб берар эдилар. Оддий телетайп бир асл нусха ва учта иккинчи нусхани берарди. Махсус адабий ходим телетайп лентасидан чиққан саҳифаларни ўқиб, кераклигини ажратиб, бошлиқларига олиб кирар эди. Фақат бизнинг «Эхо»да ўн бешта шундай ходим бор эди. Масъул китоб оқ қоғоздаги асл нусхани кўрар, ахборот бўлими муҳаррири оч қизил нусхани, фанлар тахририяти эса, энг охирги хира қорамтир-қизил нусхани олар эдилар.

1986 йилнинг кузида «Эхо»нинг бир қанча репортёр-мухбирлари «Basys» системали биринчи компьютер терминалларини қўлга киритдилар. Худди шу қурол ёрдамида оддий мухбирлар «Эхо» соқчилари — навбатчи масъул котиблардан ҳокимиятни (аста-секин) тортиб ола бошладилар.

Ахборот тизимига эга компьютерлари бўлган мухбирлар эндиликда тахририят компьютерига келаётган барча телеграммаларни ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Эндиликда бу мухбирлар дастур режаларининг қандай бажарилаётганини кўриб турар, ўзларининг хабарлари эфирга бериляптими ёки қолиб кетяптими, билиб олар эдилар. Агар материали бу сонда йўқ бўлса, мухбирлар югуриб, навбатчи муҳаррир олдига кириб, ўз ёзганини кетказиш пайига тушар эди. Компьютерли мухбирлар энди масъул котиб кўрсатмаларини, кимнинг сюжети қандай баҳоланаётганини, кимга қандай топшириқ берилаётганини ўқиб, билиб олар эдилар.

Шундай қилиб, тахририят мухбирлари умумий бошқарувда қатнашиб, ижодий ғоялар оқими кўпайди. «Ҳар бир ходимга — компьютер!» шиори ўртага ташланди.

Компьютерлар тахририятда инқилоб ясадилар, кучлар қайта тақсимланди. («Аврора»даги каби) журналистика кемасининг денгизчилари ҳокимиятни қўлга киритдилар. Аммо бу ҳали ўзгаришнинг бошланиши эди. Фақат 90-йилларнинг бошига келиб, ҳокимият тўлиқ мухбирлар қўлига ўтди. Худди ўша вақтда «Эхо»нинг барча мухбирлари компьютерлар билан қуролланган эдилар.



## Халқ ҳокимияти

Учинчи мингйиллик арафасида ахборот хизматларининг Қишки саройига халқ вакилларининг «хужуми» бошланди. Эндиликда фақат тахририятда эмас, балки айрим одамларнинг уйларида ҳам компьютерлар бор. Саксонинчи йиллар ўртасида фақат айрим мансабдорлар — янги ахборот бўлимларининг муҳаррирларида бўлган зийнат — эндиликда барча адабий ходимларда ҳам бор. Энди миллионлаб одамлар компьютер билан ишлашни биладилар. Минг-минг одамлар Интернетга уланган, бу одамлар жуда тез ахборот оладилар. Интернет муштарийлари дунёдаги барча ахборот агентликларидан берилаётган янгиликлар билан таниша оладилар: Интернетнинг энг янги хабарларини ўша заҳоти билишни истовчилар ҳақ тўлайдилар, бу хабарларни сал кейинроқ билсак ҳам майли деган одамлар текинга фойдаланадилар. Ахборот крейсери («Аврора» крейсерига ўхшаш) маллоҳлари (денгизчилари) ва халқ ҳокимияти бошланаётган жараённинг шохидлари бўлиб қолдилар.

• Интернет эндиликда юзлаб газета ва журналларга ўз архивидаги ахборотларни ҳам бериб турибди. Ҳозир фуқаролар пресс-архивдан фойдаланишда чексиз имкониятларга эгадир.

Журналистлар ишлаб бораётган янгиликлар ҳозирги вақтда мухбирларга очилган жуда кўп ҳужжатлар олдида денгиздан томчидир. Ҳозирги вақтда фуқаролар ОА воситалари эълон қилган хабарлар, материаллар билан чекланишни истамаса, ўзлари асл манбаларни, ҳужжатларни кўриш имконига эга бўлдилар. Турли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва турли сиёсий партиялар Интернетда ўз саҳифаларини очганлар. Газетада қисқа хабар қилинган бирор воқеанинг барча тафсилотлари, комиссиялар иши ёки тадқиқотларнинг натижалари «кибер-маконда» учиб юрибди. Интернетдаги муниципалитет саҳифасида шаҳар ҳокимияти мажлисининг баённома маҳаллий маъмурият раҳбарларининг нутқи билан тўлиқ таниша оласиз. Йирик корхоналарнинг ишлаб чиқариш режалари ва йиллик молиявий ҳисоботи, бош вазирнинг нутқи, ҳукумат аъзоларининг таклифлари, мухолифатнинг қарши таклифлари ва бошқаларни Интернет абонентлари истаган вақтида ўқиб оладилар.

## Журналистга янгича талаблар

Бу техникавий янгилликлар фуқароларга газетада ўқиган ёки телевизорда кўрган журналистларнинг ёзганини Интернет маълумотлари асосида текшириб кўриш имконини беради. Интернет ҳужжатларининг очилишидан фойдаланган фуқаро журналист билан рақобатлашмайди, аксинча, унинг тўғри ёзганлигига ишонч ҳосил қилади.

Эндиликда (фақат мақола ёзадиган журналистлардан кўра) тобора кўпайиб бораётган, бундан кейин янада кўпаядиган ахборот оқими билан танишиб, турли навларга ажратиб, (мавзулар бўйича) танлаб, «тарозуда тортиб», хабарлар денгизидан энг қизик, «лакқа» баликларни тутиб, ўқувчи ва тингловчиларга «қовуриб» берадиган журналистнинг кадри ошади. ОА воситалари соҳасида давом этаётган инқилоб — ҳокимият ўзгариши ва техникавий ўзгаришлар журналистга ҳам янада янги талабларни қўяди. Ҳозирги шароитларда агар журналистлар воқеани бошқача қилиб, ўзгариб, бузиб баён қилса, фуқаролар ҳужжатларга таққослаб, билиб олишлари мумкин. Энди жамоатчилик муҳокама мавзуини яхши биладиган, воқеанинг келиб чиқиш сабабларини ёритиб, моҳиятини тушунтириб берадиган шарҳловчиларни кўпроқ ҳурматлайди. Ишга танкидий қарайдиган, талабчан тингловчи, ўқувчилар янги технология ёрдамида ўз талабларига, саволларига аввалгидан тезроқ жавоб оладилар. Бунинг маъноси шуки, эндиликда ҳокимият ахборот берувчиларнинг қўлидан ахборот олувчиларнинг қўлига ўта бошлади.

Ҳозир барчамиз «талабга кўра янгилликлар» етказиб бериш деб аталувчи янги ҳодиса бошланиши арафасида турибмиз. Техника тараққиёти ахборот беришнинг янги шакли — «аппарат хабарларни» вужудга келтиради. Бундан буён томошабинлар қандай мавзуни, қайси навбатда куннинг қай вақтида кўришни ўзи хал қилади. Агар томошабин хоҳласа, ўз қизиқишлари ва истагига мувофиқ янги ахборотларни ажратувчи ва тузувчи хонаки масъул котибга айланади. Энди жамоатчилик осонгина ўз талабларига мувофиқ, ўзи истаган мавзуларни, дастур етакчисини, янгилликларни «тарозуда тортувчи» ва шарҳловчини ўзи топиб олади. Ўтган XX асрнинг 90-йилларида муваффақият билан қўлланилган телематнлар усули ахборотларнинг ўта фаол (интер-актив) шакли бўлиб, бунда томошабин ўзи истаган янгилликлар билан танишади.

Аввалдан (холислиги, ростгўйлиги, тез хабар етказиши билан топилган) ОА воситалари, жумладан «Дигенс Ньюхетер», «Нью-Йорк Таймс», «Вашингтон Пост» ва бошқа салмоқли газеталарнинг обрўи янада ошади. Кўпчилик ҳурмат қилган радио ва телестанциялар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Томошабинлар ўзига ёққан журналистларни ҳурматлайдиган замонда айрим оқил мухбирлар ва шарҳловчиларнинг қадри янада юксалади.

Шундай экан, биз мухбир, репортёрлар ўзимиз аввалдан амал қилиб келган, вақт синовидан ўтган журналистлик фазилатларини (холислик, ҳозиржавоблик, инсонпарварлик, халқ, жамият, мамлакат манфаатларини устивор деб билиш каби фазилатларни — тарж.) янада кадрлайлик. Хабарларни ким топади, ким юборади? Хабарларнинг чексиз кўплиги — ҳаоси шароитида кимга ишониш, кимга ишонмаслик керак? Мана шу вақтларда PR (Жамоатчилик билан ишлаш хизмати) ёки давлат пропаганда сиёсатига эргашувчи журналистга эмас, балки юз бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил, ўз баҳосини берувчи журналистга халқ кўпроқ ишонади. Публикация оқибатларига холислик ҳам янада кадрланади. Янги хабарларни бериш — ўз молини сотиш, ўзининг ҳалол, ҳаққоний фикрларига халқни ишонтира билиш санъатидир. Расмий идоралар берган янгиликлар билан журналист берган янгиликлар фарқланади, албатта. Реклама қилиш ва PR зарур, аммо журналистикани улар билан аралаштирмаслик керак.

## Чегараларнинг очилиши

Технология янгиликлари ОА воситалари ишида ҳам ўзгаришларни вужудга келтиради. Газеталарда компьютерлар — электрон технология ишга тушса ҳам газеталигича қолади. Аммо шу билан бирга улар ҳам кўп ҳолларда Интернет янгиликлари билан бойида. Эндиликда баъзи ўқувчилар газеталарни ўқиш ўрнига Интернет тақдим этган радио, теледастурларни ёки асл, ёзма хужжатлардан иборат глобал архивларни кўрадилар.

Интернет хабарлари газета, радио, телевидение хабарларни ўзида бирлаштиради, бу энди янги ОА воситаси бўлиб, уни хабар берувчилар ҳам, хабар олувчи тингловчилар ҳам назорат қила олади. Мана шундай мураккаб шароитда журналистлардан юқори касб малакаси билан бирга ҳозирги технологияларни ҳам яхши билиши талаб қилинади.

Журналистнинг янгича мавқеи бу касбнинг азалий қонун-қоидаларини билишдан ташқари, ахборот узатишнинг замонавий воситалари билан ишлашни билишни тақозо қилади. Келажак журналисти муҳокама мавзуини яхши билиш ва яхши ёзишдан ташқари, овоз ва тасвир билан ишлай оладиган, ўзига хос мультимедиа рассомига ўхшайди.

Бундай радио мухбирлар бугунги кунда ўзлари ўз материалларини ёзадилар ва монтаж қиладилар, етилиб келадиган телерепортёрга асосий суратга олиш ва монтаж ишларини ҳам ўрганишга тўғри келади. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина Фарб мамлакатларида анчагина тележурналистлар фақат мухбир бўлиб қолмасдан, балки оператор ва монтажчилик касбини ҳам ўрганиб олишган. Янги рақамли техника суратга олиш ва ёзувларни саралаш жараёнини бирмунча енгиллаштиради. Видеомонтажнинг профессионал оператор ва режиссёрлари юқори техник тайёргарликни талаб қилувчи анча мураккаб репортаж ва лойиҳалар билан шуғулланишади. Бундай вақтда оддий ахборот сюжети ҳам барча томонлари билан рақамли камера билан қуролланган биргина репортёр «гуруҳининг» қўлидан чиқади.

Операторлик ва фотографик касби чуқур билимларни ва иш тажрибасини, ўз ишини яхши билишни ва албатта, истеъдодни талаб қилади. Телеоператорнинг иши ҳам фақат суратга олишнинг техник томонларини ва видеокамерани қандай ишлатишни билишдангина иборат эмас. Видеомонтаж режиссёрининг вазифаси фақат плёнкани кесиш ва ёпиштиришдангина иборат эмас. Бу ишларда соф техникавий малакадан ташқари баён услубларини ва драматургия асосларини билиш, кадрлар композицияси устида ишлаш, хатто киномотография тарихини билиш зарур. Яхши монтажчи ёки оператор ҳам худди журналист каби муайян соҳалар, мавзуларни чуқур билладиган, ихтисослашган бўлса яхши.

Эртанги кун телемухбири эса бир қанча касбларни билиши зарур, оператор ва монтажчилар эса мухбирнинг ишлаш жараёнларини яхши билиши ва ўша мухбир яхши билган соҳаларда ихтисослашуви керак бўлади. Замонавий тележурналистикада фақат оммавий ахборот воситалари қўшилиб кетмасдан, балки турли касблар ҳам бир-бирига қўшилиб кетмоқда.

Бундай шароитларда биз журналистларнинг ҳол-аҳволимиз қандай кечади. Албатта, биринчи навбатда журналистлар ҳақидаги фикрлар ва унга муносабатлар ўзга-

ради. Қандай бўлганда ҳам биз, бўлгуси ўзгаришларга тайёр бўлишимиз ва барча янгиликлардан хабардор бўлишимиз керак. Рақамли технология журналистлар ишини осонлаштирибгина қолмай, балки ишимизни жуда қизиқарли ва мароқли қилади. Бир марта ўз сюжетини компьютерда монтаж қилган радио мухбири сира қолган иш усулларига қайтишни хоҳламайди. Мураккаб технологияни билиб олган телемухбир оқ-қора фильмнинг чала рангларидан ва аналогли монтажнинг секин бажарилишидан кутулади ва ўзининг янги рақамли монтаж бошқарув пултидан айрилгиси келмай қолади.

Телевидение ва радио дастурлари шиддатли суратда сюжет яшаш — ижод қилишнинг барча босқичларида рақамли технологияга ўтмоқда. Ҳозирги кунда овозни ва тасвирни ёзиб олишда ҳам, монтаж қилишда ва компьютер хотирасига жойлаштиришда ва бошқа ишларда ҳам рақамли технологияга амал қилинади. Эндиликда радио ва телевидение журналистининг иш қуроллари аввалгига нисбатан анча ихчам ва енгил, ишлатиш ҳам осон, ёзиш ва эшитиш сифати овоз оператори ёрдамисиз ҳам анча сифатли чиқади. Ҳозир телерепортёрлар барча жойларда ихчам камералари билан бировнинг ёрдамисиз оператив ва Спонтан-мураккаб суратларни олмоқдалар. Телевидениеда турли кадрлар ва тасвирларнинг кўпайиши бизнинг имкониятларимизни кенгайтиради, табиий шароитларда олган суратларимизни бойитишга имкон беради. Шунингдек, телевидение таҳририятлари бир вақтнинг ўзида турли объектларга камераларни жойлаштира олади, бу эса уларнинг иш ҳажмини оширади ва ҳозиржавоблигини кучайтиради.

Ҳозир жаҳоннинг кўпчилик радиостанцияларида эски, оғир ва ноқулай видеоманитофонлар ўрнига рақамли ихчам видеоманитофонлардан фойдаланилмоқда. Аввалги магнитофонларда ёзиб олувчи ленталарни тез-тез алмаштириш зарур бўлар эди. Кейинроқ чиққан кассетали магнитофонлар эскилардан енгилроқ бўлса-да, ёзиб олиш сифати ва фойдаланиш муддатлари жиҳатидан янги технологияга бас кела олмайди.

Рақамли техника воситасида ёзиб олинган овоз ёки тасвирни тезгина компьютерга солиш ва монтажга ўтиш мумкин. Радиосюжетларни махсус дастурлар билан таъминланган ва жуда кучли хотирага эга бўлган шахсий компьютерларда монтаж қилинмоқда. Бу дастурларнинг ишлаш тамойиллари аввалги синалган монтаж усулларига ўхшаб кетади. Аввал монтаж усулида мухбир ёки

оператор монтаж нуктасини аниқ топиши учун магнит лентасини у ёқ, бу ёққа ўтказиш имкониятига эга эди. Мана шу иш компьютерда осонроқ бажарилади, чунки бу ерда овоз ёзувининг график тасвирини кузатиш имконияти монтаж нуктасини топишни осонлаштиради.

Аналогли видеомонтажнинг эски усулида биринчи плёнкалардан нусха олиш учун тасвирлар сахнама-сахна, кадрма-кадр бошқа кассетага ўтказилар эди. Бунда мухбирнинг ўз ёзувлари монтаж вақтида архивдан олинган плёнкалар билан, фото ва суратли тасвирлар ҳамда диаграммалар билан қўшилар эди. Бундай монтажнинг камчилиги шундаки, мухбир билан монтажчи ишнинг бошланишидаёқ қайси кадрлар қандай тартибда сюжетга киритилишини ва уларнинг хронометражини билишлари зарур эди. Тартибли (ёки кадрма-кадр) монтажда кадрларни бирин кетин жойлаштириш, кейин зарур бўлиб қолса, уларни ўзгартириш имкониятини умумлаштирар эди. Масалан, дастур муҳаррири мухбирдан икки дақиқа 45-лаҳзали сюжетни талаб қилади. Ҳар қандай малакали, ўта тажрибали телевидение ходимлари ҳам монтаж вақтида биринчи ўттиз лаҳзадан кейин келадиган видеокадорларни танлаб олиш кийин кечади. Мабодо иш битганида сюжетнинг хронометражи уч дақиқали бўлиб қолса, мухбир ва монтажчи сюжетнинг ўртароғидан қандайдир кўринишни олиб ташлаши керак бўлади. Муваффақиятли чиққан кириш ва тугалланиш кадрларини қисқартиришни хохламайдилар. Агар монтажчи сюжетнинг ўртасидаги бир кўринишни олиб ташласа, бутун сюжетдан қайта нусха кўчириши керак бўлади. Ҳар бир шундай ишдан кейин асарнинг техникавий сифати ёмонлашиб бораверади. Ҳар бир фильмнинг кейинги нусхалари аслиятдан тобора узоклашиб бораётган янги авлодлардир.

Ракамли (чизиксиз) технологияда эса монтаж вақтида бундай кийинчилик бўлмайди. Сюжетингиздан қандайдир парчани олиб ташласангиз, компьютер автоматик равишда плёнканинг узилган қисмини улаб қўяверади. Бутун монтаж давомида компьютер плёнканинг асли билан ишлайди, шунинг учун ёзувининг техник сифатига зарар келтирмаган ҳолда кадрларни чексиз равишда ўрнини алмаштириш ёки қисқартириш мумкин бўлади.

Телевидениеда сўнги технологиялардан фойдаланиш сюжетнинг янги версияларини — талқинларини тайёрлаш имкониятларини кенгайтиради. Чизиксиз монтажнинг ҳозирги дастурлари суратга олинган биринчи сю-

жет асосида бир нечта мухбирга, бир вақтнинг ўзида ўз сюжетларини тайёрлаш имкониятини беради. Бундан ташқари мухбирлар бирор воқеани, масалан, мажлисни видеога ёзиб олиш вақтидаёқ монтажни бошлашлари мумкин. Бундай монтажда бир вақтнинг ўзида бир нечта мухбир ёки операторларнинг камералари билан ёзиб олинади. Бу эса куннинг турли вақтларида янгиликларнинг турли талқинларини эълон қилишга имкон беради.

Рақамли видеоёзувларда ўта кучли хотирага эга бўлган компьютерлардан фойдаланиш керак бўлади. Аммо ҳозирги замонда компьютерларнинг нархлари тобора арзонлашиб бормоқда. Аввалроқ, мураккаброқ видеоёзувлари учун жуда қимматбаҳо камераларни, мураккаб видеомагнитофонларни ва микшир пультларини сотиб олиш учун миллионлаб маблағ сарфлаш зарур бўлар эди. Эндиликда бундай видеоёзувларни нисбатан арзон рақамли камералар ва шахсий компьютерлар ёрдамида бажариш мумкин. Бу жараён ҳам ОА воситаларида ҳокимият аста-секин халқ қўлига, йирик компаниялардан кичикроқ, мустақил теле ва радио станцияларга ўтишига имкон беради. Энг янги техника ёрдамида журналистлар шахсий фирмаларини очиши ва ўз уйида ўтириб, эфирга узатиш учун сюжетлар тайёрлаши мумкин. Ғарб мамлакатларида тобора кўпроқ мухбирлар эркин журналист бўлиб, ўз фирмалари ёки ҳиссадорлик жамиятларни очиб мустақил ишламоқдалар.

Журналистлик касби биздан доимо камол топиб беришимизни талаб қилади. Касб маҳорати ва малакаларни биз кундалик ишимизда сюжетлар ва репортажлар ижод қилаётганимизда ўрганиб олаверамиз. Лекин биз журналистлар ҳаётнинг қайси соҳаларини ёритаётган бўлсак, ўша соҳаларни янада чуқурроқ билиб олишга интилишимиз керак. Жамият тараққиёти биздан янада юксакроқ малакани ва чуқур билимларни талаб қилмоқда. Замон билан ҳамнафас яшаш ёки (дангасалик туфайли) даврдан орқада қолиб кетиш — биз журналистлар барчамиз шу икки йўл ўртасида турибмиз.

*Жамият ҳаётидаги энг муҳим воқеа-ҳодисаларни муттасил, қизиқарли қилиб ҳаққоний ёритиш, суҳбатдошларнинг сўзларини эътибор билан тинглаш, жойлардаги воқеалар ривожига тўсқинлик қилмаслик, янгиликларни адабий тилда, янги-янги талқинларда тингловчиларга тақдим этиш, воқеаларни ҳолис ёритиш замон билан ҳамнафас яшашни талаб қилади.*

*Эрик Фихтелиус*

**Радио ва телевидение  
журналистикаси асослари**

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ 10 ҚОИДАСИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2002

Мухаррир *Г. Латипжонова*  
Рассом *Қ. Акчулаков*  
Бадий муҳаррир *Ф. Башарова*  
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*  
Мусаххих *Н. Мухамедиева*

Теришга берилди 18.04.2002. Босишга рухсат этилди 28.06.2002.  
Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Петербург гарнитураси. Офсет босма. Шартли бос-  
ма табоғи 8,4. Нашриёт-хисоб табоғи 9,0. Адади 5000 нусха. Буюртма  
№ 3459. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмаҳонаси  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41